

Й.РАҲИМОВ  
Ф.СОБИРОВ

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ  
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ВА  
КРИМИНОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҲУҚУҚШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**Й. РАҲИМОВ  
Ф. СОБИРОВ**

**ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ  
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ВА  
КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**НАМАНГАН - 2013**

Ушбу ўқув-услугий қўлланма Наманган давлат университети Илмий услубий кенгашининг йиғилиш қарорига асосан нашрга тавсия этилган.(2013 йил 8 майдаги № 6 -сонли баённома.)

**Й.Рахимов, Ф.Собиров**

Одам савдоси жиноятининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари – Наманган.:2013-115 бет.

**Масъул муҳаррир:** юридик фанлар номзоди, Ж. Х. Қозиходжаев

**Тақризчилар:** НамДУ ҳуқуқшунослик кафедраси мудири

**У. М. Суяров**

НамДУ ҳуқуқшунослик кафедраси катта ўқитувчиси

**Ж. А. Умаров**

Мазкур ўқув-услугий қўлланмада одам савдоси жиноятининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, унда қайд этилган жиноятнинг тушунчаси, унинг ривожланиш тарихи, одам савдосига қарши курашнинг миллий ҳуқуқий асослари, мазкур ижтимоий ҳавфли қилмиш учун жинойий жавобгарлик ҳамда одам савдосига қарши кураш ва уни олдини олиш билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалар билдирилган.

Ушбу ўқув-услугий қўлланма талабалар, мутахассислар ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.



© Й. Раҳимов, Ф.Собиров.

© Наманган давлат университети, 2013.

## КИРИШ

Маълумки, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашнинг биринчи ва устувор вазифаларидан бири бу инсон ҳаётини азиз деб билмоқ ва жамият аъзоларини бундай хуружлардан ҳимоя қилмоқ зарур. Мазкур вазифа бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгиланганидек, ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади. Ана шундай қул савдосининг замонавий кўринишлари бугунги кунда бироз ўзгарган шаклларда намоён бўлмоқда.

Айниқса мазкур жиноят бошқа жиноятларнинг янада кенг ёйилиши учун шароит яратиб бериш билан биргаликда, одам савдоси жиноятлари оқибатида айрим жинойий уюшмалар мисли кўирилмаган даражада бойлик орттирмоқдалар. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов “Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарпаси турли мамлакатлардаги жиноятчи унсурларнинг бирлашишига, халқаро жинойий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётида етарли. Уларнинг фаолияти соҳаси барчага маълум. У нопок пул топиш имкони бўлган ҳамма жойда қўлланилади”<sup>1</sup>, деб тўғри таъкидлаган эдилар.

Одамлар савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдоси, айрим мамлакатларда шунчалик кенг тарқалганки, ҳатто миллат генофондига ва миллий хавфсизликка реал хавф туғдира бошлади. Бундай вазиятда ҳар қандай ривожланган мамлакат мазкур жинойий фаолиятга қарши курашнинг барча зарурий чораларини кўриши шарт ва Ўзбекистон Республикаси ҳам бундан мустасно эмас.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол”ни ратификация қилди, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Қонун қабул қилди ва халқаро

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон. 1997. –Б.94-95.

ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.<sup>1</sup>

Мамлакатимиз ўз мустақиллигига эришгач, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида барча соҳаларда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширишга жадал киришилди. Бинобарин, инсон, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласида халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган қонда ва меъёрларни тан олиш, уларни миллий қонунчиликда жорий қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилиб, бунинг натижасида ҳозирги кунга қадар 60 дан зиёд халқаро ҳужжатларнинг ратификация қилинганлиги бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўламини яққол намоён этади. Албатта, бу бежиз эмас. Зеро, мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Барча иқтисодий, демократик сиёсий ислоҳотларнинг пировард мақсадларининг ўзи, бу – энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдир”<sup>2</sup>.

Дарҳақиқат, инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари энг олий қадрият сифатида эътироф этилиб, бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича улкан ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунчилигимизда халқаро нормаларнинг ўз ифодасини топиб бораётганлиги ижобий натижалар бериб, бу ҳол миллий қонунчилигимизнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга монандлигини таъминламоқда.

Давлат ва жамият ислоҳотларининг бош ҳуқуқий асоси бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида инсон ва фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари мустаҳкамланган бўлиб, улар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 23-моддасининг талабларига тўлиқ мувофиқ келади. Унда қайд этилганидек, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахс<sup>3</sup> жабрланувчиларни Конституцияда ва қонунларда акс этган ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқаришга қаршилик қилиб тажовуз қилади. Бундай

<sup>1</sup> Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги 12-сонли қарори)

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биздан овоз ва обод ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 14 б.

<sup>3</sup> Ушбу гушунча илк бор Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги 17 апрел 2008 йилдаги Қонунида акс этган. // Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472).

жиноятчилар одамларни жисмоний, руҳий ва жинсий зўрлашга мажбур қиладилар, уларни куч билан ушлаб турадилар, жинсий эркинликка бўлган ҳуқуқларини поймол этадилар. Шахс хавфсизлиги ва соғлом турмуш тарзига бепсандлик билан қаралади, иш шароитлари билан таъмин этилмайди. Ачинарли томони шундаки, улар турли йўллар билан қўлларига тушган одам борки, ҳаммасининг иш ҳақларини ўзлаштириб, мўмай даромад ортирадилар жабрланувчиларга нисбатан ғайринсоний ва шафқатсиз муносабатда бўладилар, уларни мажбурий меҳнатга жалб этиб очикдан очик эксплуатация қиладилар ва сотадилар<sup>1</sup>.

“Одам савдоси - инсон, унинг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда<sup>2</sup>.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни халқаро ижтимоий хавфлилик даражасини ва бу салбий оқибат бугунги куннинг кечиктириб бўлмас, ўта хавфли, олди олиниши шарт бўлган муаммолардан биридир.

Кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай ҳозир дунёнинг 127 та мамлакатада одам савдоси билан шуғулланилмоқда, 98 та давлат транзит вазифасини ўтамоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг маълумотларида қайд этилишича, минтақа мамлакатлари чегарасидан иш топиш баҳонасида йилига 200-500 минг атрофида мигрант ўтмоқда. Уларнинг 60 фоизи сотиб юборилган аёл ва болалар бўлиб, аксарияти танафурушликка, тиланчиликка мажбур этилмоқда<sup>3</sup>.

Шу боисдан, одам савдоси инсонинг эркинлиги, тенглиги ва шахсий даҳлсизлигига путур етказади, уни турли хўрлик ҳамда камситишларга дучор қилади. Одам савдоси деб аталган ушуб жинойий фаолияти остида мажбурий меҳнат, қуллик, мажбурий донорлик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қилмишлар мужассамлашган деб бемалол айтиш мумкин.

Мазкур ўқув услубий қўлланма бугунги кундаги долзарб глобал муаммоларидан бири бўлган одам савдоси тушунчаси ва унинг ижти-

<sup>1</sup>Маматқулов А.М., Раҳманов Ж.А. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.166-117.

<sup>2</sup> Қодиров Р.Х. Одам савдоси-умумжаҳон миқёсидаги муаммо // Ҳуқуқ ва бurch. -Тошкент, 2008. №10.-Б.3-6.

<sup>3</sup> Мадатов С. Инсоний туйғуни йўқотганлар. Ҳуқуқ ва бurch. 03(87)2013., -Б.46-

мой хавфлилик даражасини очиб беришга, одам савдосининг ривожланиш тарихи ва унга қарши кураш борасидаги халқаро ва миллий ҳуқуқий асосларни таҳлил этиш ҳамда бундай ижтимоий хавфли қилмиш учун жиноий жавобгарлик нормаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган.

## Одам савдоси жинойтчилиги тушунчаси ва унинг ривожланиш тарихи

Маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг асосий мақсади инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияда 26-моддасида белгиланганидек, «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас». Мазкур конституциявий-ҳуқуқий норма Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига мос келади. Қийноққа солиш, бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки инсон қадр-қимматини камситувчи муомала ҳамда турли тазйиқ турлари халқаро ҳамжамият томонидан ғайриинсоний ва йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолат сифатида тан олинади.

Одам савдоси трансмилий жинойтчилиги ҳақида сўз юри-тишдан аввал одам савдоси тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу борада ҳуқуқшунос олимлар томонидан турлича таърифлар келтирилган.

Аслида одам савдоси бу инсоният учун янгилик эмас, дунё ўз бошидан одамларни қул қилиб сотиш ва уларни қул тарзида ишлатишдек бир неча асрлар ҳукм сурган мураккаб жараёни ҳам бошидан кечирган. У даврда аёллардан чўри шунингдек, канизак, харамларни тўлдириш каби мақсадларда фойдаланганлар. Уларни ҳеч қандай ҳуқуқлари, ҳимоя қилувчилари, сотилиб кетгандан сўнг ватанлари ҳам йўқ эди. Қулларнинг эгалари уларни охирги кучлари ва имкониятлари қолгунча ишлатишар, ишга яроқсиз ҳолга келгандан сўнг арзон-гаровга сотар ёки ўлар ҳолга келгандан сўнг уларни улоқтириб ташлашар эди.

Олима Репискааянинг фикрига кўра, одам савдоси деганда, шахсни сотиб олиш ёки унга қарши қаратилган бошқа қонунга ҳилоф битимларни, шунингдек, шахсни қўлга киритиш ва ундан ҳар қандай фойда олиш учун фойдаланиш ва назорат остига олишни ёки ҳар



қандай шаклда эксплуатация қилиш мақсади ва айрибошлашни билдиради<sup>1</sup>.

Одамлар савдоси – бу алоҳида шахсни (ёки гуруҳни) ёллаш, уларни бир давлат чегараси доирасида ёки чегарасидан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракат ёки мақсадлар бўлиб, у ўз ичига сотиш, сотиб олиш, топшириш, бундай ҳаракатларни фойда кўриш ёки шунчаки бундай шахсни кейинчалик алдаб ёки мажбурлаб (зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрkitиб), шунингдек, хизмат мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан ишлатиш мақсадида ушлаб туришни, шунингдек, шахсни хоҳишига қарши ҳолда қулчилик шароитида ҳақ тўлаш ёки тўламаслигидан қатъи назар ушлаб туришни ҳам ўз ичига олади<sup>2</sup>.

Немис олими Лео Кайдель эса одам савдоси муаммосини чуқур ўрганган ҳолда, у уюшган жиноятчиликнинг асосий фаолият турларидан бири ҳисобланиб, криминал фаолият иерархиясида бешинчи ўринни эгаллайди<sup>3</sup>, деган фикрни билдириб ўтган.

Р.Қодировнинг таъкидлашича, одам савдоси – инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда<sup>4</sup>. Мазкур жинoий фаолиятнинг мотив ва мақсади ғараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутади. Чунки одам савдосидан кўзда тутилган асосий мақсад жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш ҳисобланади.

М.Х.Рустамбоевнинг таъкидлашича, одам савдоси – ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Ундан келадиган даромад гиёҳванд моддалар ва қурол савдосидан сўнг учинчи ўринда туради. Жиноятчиликнинг мазкур туридан келадиган даромаднинг йиллик айланмаси 7 млрд АҚШ долларини ташкил этади. Жинсий эксплуатация, мажбурий меҳнат, болалар меҳнатини эксплуатация қилиш шу даражада кенг тарқалганки, натижада ҳозирги кунда миллат генофондига, шу билан бирга миллий хавфсизликка жиддий

<sup>1</sup> Реписка А. Классификация криминальной эксплуатации людей и проблемы уголовной ответственности за нее // Товговлa людoми. Социокриминалогический анализ/Под общ. Ред. Тюрюкановой Е.В. и Ерохиной Л.Д. : М., 2002. стр. 87.

<sup>2</sup> Долголенко Т. Уголовная ответственность за торговлю людoми. Уголовное право. 2004. - № 2. С. 23-25.

<sup>3</sup> Leo Kaide/ Menschendel als Phänomen Organisierter Kriminalität/ Kriminalistik. No/ 5, p.325

<sup>4</sup> Қодиров Р.Х. Одамсавдоси – умумжаҳонмикёсдаги муаммо, «Хуқуқвабурч», № 10, 2008, 3-6

хавф туғдирмоқда. Бундай ҳолатда ҳар қандай маданияти ривожланган мамлакат мазкур жиноий фаолият тури билан кураш бўйича барча зарур чораларни кўриши лозим. Ўзбекистон ҳам бу борада истисно эмас<sup>1</sup>.

Одамлар (айниқса, аёллар ва болалар) савдоси билан боғлиқ жиноятлар сўнгги йилларда авж олди. Бугунги кунда одамлар савдоси трансмилий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлиб, дунё бўйича шунчалик кенг тарқалганки, БМТ ва миграция бўйича халқаро ташкилотнинг маълумотлари миллионлаб шахслар ундан жабр кўраётганлигидан далолат беради<sup>2</sup>. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирга келиб, ҳар йили дунё бўйича одам савдоси жиноятининг қурбонлари сони икки миллион саккиз юз мингдан ортиқни ташкил қилиб, гиёҳванд моддалар ва қурол савдосидан илгарилаб, биринчи ўринга чикди.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияда (мазкур халқаро ҳужжат Ўзбекистон Республикаси томонидан (2001 йил 28 июнда ратификация қилинган) эса одам савдоси тушунчасига қуйидагича таъриф берилган. Одам савдоси – одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, ташиш, бериш, яшириш ёки одамларни кўрқитиш асосида куч билан бошқа воситаларни қўллаш орқали ёки бошқа мажбурлов воситалари, ўғирлик, товламачилик, алдов, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ёхуд мансаб мавқеидан фойдаланиб, сотиб олиш йўли билан қўлга киритишни англатади<sup>3</sup>.

Одамлар савдоси – бу алоҳида шахсни (ёки гуруҳни) ёллаш, уларни бир давлат чегараси доирасида ёки чегарасидан ташқарига олиб кетиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракат ёки мақсадлар бўлиб, у ўз ичига сотиш, сотиб олиш, топшириш, бундай ҳаракатларни фойда кўриш ёки шунчаки бундай шахсни кейинчалик алдаб ёки мажбурлаб (зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиб), шунингдек, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ишлатиш мақсадида ушлаб туришни, шунингдек, шахсни хоҳишига

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ILMIZIYO, 2011. –310 Б.

<sup>2</sup>Рустамбоев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. –Б. 12.

<sup>3</sup>Sally W/ Stoeker. The Rise in Human Trafficking and the Role of Organized Crime // Demokratizatsiya. Vol. 8, No 1. Winter 2000.

қарши ҳолда қулчилик шароитида ҳақ тўлаш ёки тўламаслигидан қатъи назар ушлаб туришни ҳам ўз ичига олади<sup>1</sup>.

Одам савдоси халқаро ҳамжамият томонидан инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавф туғдирувчи акт сифатида баҳоланади<sup>2</sup>.

“Одам савдоси инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум қилади, бутун дунёда уюшган жиноятчиликнинг ривожланишига сабаб бўлади. Шу жумладан, бу жиноят шахсларга хавф туғдириш йўли билан кўрқитиш, жисмоний ва руҳий тазйиқ ўтказиш, номусга тегиш, ҳужжатларни ўғирлаш орқали амалга оширилади”<sup>3</sup>.

2008 йилнинг 17 апрелида қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида Одам савдоси тушунчаси берилган бўлиб, одам савдоси — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, Европанинг ўзида ярим миллиондан ортиқ хорижий “Қадимий касб эгалари” фаолият олиб борадилар. Миграция бўйича халқаро ташкилот маълумотларига кўра Европа мамлакатларида нолегал мигрантлар ёллаш билан шуғулланувчи жинсий ташкилотлар ҳар йили 5 млрд. дан 7 млрд. АҚШ долларигача ҳажмда даромад оладилар<sup>4</sup>.

Юқоридаги таъриф ва тушунчаларга кўра, одам савдоси куйидаги хатти-харакатларни ўз ичига олади:

а) Одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни жисмоний куч ишлатиш, руҳий таъсир кўрсатиш, алдаш, фирибгарлик қилиш йўли билан ўғирлаш;

<sup>1</sup> Долголенко Т. Уголовная ответственность за торговлю людьми. Уголовное право. 2004. - № 2. - С.23-25.

<sup>2</sup> «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция». Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Т. «Адолат». 2004. Б-227.

<sup>3</sup> Абдухалимов Ш. Одам савдоси глобал хавф // Ҳуқуқ ва бурч.- Тошкент, 2008. - №8-9. Б.21-22.

<sup>4</sup> Архипов В.В. Право на труд в Зеркале национальных реформ. //ж.Адвокат. 2004 г., №5, с. 16-17.

б) Ўғирланган ёхуд алданган одмларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш;

в) Шахснинг моддий қийин ахволга тушиб қолганидан фойдаланган ҳолда уни моддий манфаатдор қилиш йўли билан ўзига оғдириб олиш;

г) Одам савдосига қулай шарт-шароит яратиш миқсадида ҳокимият ваколатини суистеъмол қилиш;

д) Одам савдосини амалга ошириш учун фоҳишалардан фойдаланиш;

е) Болалар ва аёллардан одам савдосида фойдаланиш учун уларнинг яқинларини (ота-онаси, хомий ёки васийлари, эри ёхуд хотини ёки бошқа яқин қариндошларини пул эвазига оғдириб олиш;

ж) Инсон органлари ёки тўқималарини ажратиб олиш;

з) Инсонни эркисиз ёки қуллик ҳолатига туширадиган хатти-ҳаракатларни содир қилиш тушунилади.

Одам савдоси қадимдан мавжуд бўлган жиноятлардан биридир. Антик даврда одам савдоси оддий ҳол бўлган. Бунда савдо-сотик объекти - инсон қул мақомида бўлган. Инсон ҳуқуқлари бўйича луғатдаги таърифда қулчилик (Slavery) деганда, ўз иш берувчиларини танлашда мустақил бўлмаган, мулк ёки ашё сифатида бозорда сотиб юборилиши мумкин бўлган шахснинг ҳаёт шароити ва мақоми тушунилади. XVII асрда Америкага қулар Африкадан келтирилиши билан одам савдоси янада авж олди.

Бироқ замонвий жамиятимизда бундай қилмишга ҳеч ҳам ўрин йўқ. Илгари русм бўлган мазкур салбий иллат ҳозирда нафақат миллий қонунчилик доирасида балки халқаро миқёсда ҳам кенг таъқиб қилинмоқда. Сўнгги, 200 йилдан ортиқ вақт қулчиликка қарши қаттиқ кураш олиб борилишига қарамадан, у ҳалиям мавжуд. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига қараганда, Лотин Америкаси, Африка, Жанубий Осиёда тахминан 12 миллион одам қулчилик шароитида яшамокда<sup>1</sup>.

Чунки, тарихга назар ташласак, одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар бир неча асрлардан буён ер юзидаги кўпгина давлатларни ташвишга солиб келган. Ана шундай жинойи ҳаракатларнинг олдини олиш ва унга қарши кураш мақсадида ўтган асрнинг бошларидаёқ, аниқроғи, 1904 йил 18 майда Франциянинг Версал шаҳрида «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида» халқаро Шартнома,

<sup>1</sup>Кубов Р.Х. Торговля людьми как вид транснациональной преступности. Российской следователь. 2008. - №1. - С. 30-33.

1910 йил 4 майда «Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида» Протокол, 1921 йил 30 сентябрда «Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида» ва 1933 йил 11 октябрда эса ўша даврда эндигина ташкил этилган Миллатлар Лигаси томонидан «Балоғатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида»ги Халқаро Конвенцияларнинг имзоланганлигини одам савдоси билан боғлиқ транс-миллий жиноятларга қарши курашнинг дастлабки ҳаракатларидан бири, деб ҳисоблаш мумкин.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар халқаро ҳуқуқда анчадан бери мавжуд бўлиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бундай жиноятларга қарши кураш ва унинг олдини олиш чоралари белгилаб берилган. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши халқаро миқёсда курашиш бўйича дастлабки қадамлар XX аср бошларида ташланган бўлиб, у хусусан қуйидаги ҳужжатларда ўз аксини топди: Шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун амалга ошириладиган аёллар савдосига қарши курашиш бўйича 1899 йил 14 апрелдаги Лондон конференциясининг кўп томонлама битимларни тузиш ва тегишли миллий кўмиталарни ташкил этиш тўғрисида давлатларга қилган мурожаатномаси, Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги 1904 йил 18 майдаги Халқаро шартнома, Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисидаги 1910 йил 4 майдаги Халқаро Конвенция, Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисидаги 1949 йил 21 мартдаги Конвенция, Қуллик тўғрисида 1926 йил 25 сентябрдаги Конвенциялар шулар жумласидандир.

Ушбу конвенция одамларни эксплуатация қилиш учун уларни ёллашнинг олдини олиш бўйича давлатларнинг иродасини ўзида мужассам этган ҳолда қуйидаги ҳаракатлар орқали ушбу қилмиш содир этилишини белгилаган:

- одамларни қулликка солиш мақсадида уларга эғалик қилиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ ҳаракатлар;
- одамларни қул сифатида сотиш ёки айрибошлаш мақсадида уларга эғалик қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар;
- одамлар билан қул сифатида савдо қилиш ва уларни ташиш билан боғлиқ ҳаракатлар.

Ушбу Конвенцияни имзолаган давлатлар қул савдосининг олдини олиш ва уни бутунлай бартараф этиш, шунингдек, қулчиликнинг барча кўринишларни иложи борида тезроқ тақиқлашни

ўз зиммаларига олишган. Конвенция 1927 йил 9-март кунидан кучга кирган.

“Куллик тўғрисида”ги Конвенцияда илк маротаба давлатларнинг одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш, яъни одам савдоси жиноятининг олдини олиш ва бартараф этиш масаласи қайд этилиб, унда жумладан, бирон-бир шахсни қўлга киритиш ёки кулликка солиш мақсадида эксплуатация қилиш йўли билан уни эгаллаш, сотиш ёки айирбошлаш мақсадида қулни қўлга киритиш, қўлга киритилган шахсни сотиш ёки айирбошлаш шунингдек, қулар савдоси ёки уларни ташиш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш ман этилди<sup>1</sup>.

Одамлардан фойдаланиш мақсадларига одам савдосини тақиқлашга қаратилган халқаро-ҳуқуқий сиёсат изчил ривожланиб, 1930 йил 28 июнда Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги 29-Конвенция<sup>2</sup> қабул қилинишига олиб келди. “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги Конвенция қоидалари одамлардан фойдаланиш тушунчасини қонунчилик даражасида “мажбурий меҳнат” нимадиги ва унга қарши кураш ҳолатларини баён этиб, белгилаб берди. Конвенцияни қабул қилиниши халқаро майдонда ушбу тушунчаларга бир қадар ойдинлик киритилишига сабаб бўлди.

1939-1945 йиллардаги иккинчи жаҳон уруши тугаши билан одам савдоси халқаро-ҳуқуқий даражада ман этилишида янги давр бошланди ҳамда ҳар бир инсон яшаши, эркин бўлиш ва шахсий дахлсиз ҳуқуқларига эга эканлиги, ҳеч ким қулликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмаслиги, қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқиланиши қатъий мустаҳкамланди<sup>3</sup>.

1949 йилда БМТ томонидан “Одамлар савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенцияни”<sup>4</sup> қабул қилинган. Конвенция Муқаддимасида таъкидланганидек “фоҳишалар ва унинг билан бирга содир бўлувчи фоҳишалар мақсадларини таъқиб қилувчи одамлар савдоси каби иллат инсон шахсининг кадр-қиммати ва қадриятига номуносиб бўлиб, инсон, оила ва жамият фаровонлигига” хавф туғдиради.

<sup>1</sup> Куллик тўғрисидаги Конвенция. / Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Тўплам: Тошкент. Адолат, 2004. - 216 б.

<sup>2</sup> “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция”. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Тўплам. – Тошкент: Адолат, 2004. - 235 б.

<sup>3</sup> “Всеобщая декларация прав человека” Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. – Ташкент, 2007. - 30 с.

<sup>4</sup> 1995 йилда 70 та давлат томонидан ратификация қилинган (Қаранг: Human Rights International Instruments. NY and Geneva, 1995. P. 11.)

Конвенцияга кўра томонлар одам савдосини тўхтатиш учун мухожирларни, айниқса, аёллар ва болаларни улар келтириладиган ва жўнатиладиган жойларда муҳофаза қилиш учун зарур қарорларни қабул қилиш; ёлланиш таҳдиди билан боғлиқ хавфдан аҳолини вақтида хабардор қилиш учун тегишли чора-тадбирларни кўриш; одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллашнинг, умуман халқаро одам савдосининг олдини олиш учун темир йўл бекатлари, аэропортлар, портлар ва бошқа жамоат жойларида, кузатувни таъминлашга қаратилган тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш; мавжуд маълумотларга кўра шундай жиноятларнинг асосий айбдорлари, иштирокчилари ёки жабрланувчилари мамлакатга келганлиги тўғрисида тегишли ҳокимият идораларини хабардор қилиш учун барча зарур чораларни кўриш мажбуриятларини қабул қилдилар<sup>1</sup>.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда одам савдоси жинояти туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгайиб бормоқда. Одам савдоси муаммоси бир неча аср давом этаётган муаммо бўлиб, унинг илк куртаклари Рим кулдорлик давлатида пайдо бўлиб, инсонларга очикдан-очик худди буюм каби муносабатда бўлишган. Уларни алмашишган, қарзга, гаровга беришган, мажбурий меҳнатга ёллашган ва ҳатто сотганлар ҳам. Бу ўша даврнинг кулдорлик тузумининг ўзига хос жиҳати бўлиб, у ошқора тарзда амалга оширилган. Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ходисаси кузатилган. “Оқ куллик” номини олган бу ходисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита Конференция ўтказилиб, бунда “Оқ куллар савдосига қарши кураш” номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган.

Кейинроқ у “Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш” ва “Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш” номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган.

“Одам савдоси ва фоҳишаликни йўқотиш” Конвенцияси аввалги ҳужжатларнинг айрим нормаларини ўзгартирган.

<sup>1</sup>“Одамлар савдоси ва фоҳиша бозорининг учинчи шаҳар томонидан нишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция”. / Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. – Тошкент: Адолат, 2004. – 185 б.

Тадқиқотчиларнинг қайд этишларича бугунги кунга келиб 190 млн.дан кўпроқ инсонлар ўзи туғилиб ўсган худудидан ўзга мамлакатларда яшамоқда.<sup>1</sup>

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра жаҳон бўйича фақат легал мигрантларнинг ўзи 120 млн.дан 200 млн. кишигача ташкил қилади.<sup>2</sup> Хулоса сифатида айтганда, одам савдоси кулликнинг замонавий усули, кул савдосининг янги кўринишидир. Жиноятчилар, биринчи навбатда, аёллар ва болаларни мажбурий меҳнат ва жинсий куллик қопқонига алдаб туширмоқдалар. Одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар куч, фирибгарлик, мажбурлаш ва бошқа жиноий воситалардан фойдаланган ҳолда, ҳимояга муҳтож, заиф ва тушқинликка тушган инсонларни дунёнинг бошқа давлатларига олиб кетадилар<sup>3</sup>.

«Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ва давлат ички ҳуқуқининг бирлашиб кетиши, бир-бирига кириб бориши ва бир-бирига таъсири кучайиши бугунги кунда ҳар қачонгига қараганда ҳам чуқурроқ содир бўлмоқда»<sup>4</sup>.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

**Одам савдоси** – инсон, унинг шаъни, кадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танламаслиги ҳамда гирдобига асосан ёшларни ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда<sup>5</sup>. Мазкур жиноий фаолиятнинг мотив ва мақсади ғараз, яъни моддий фойда ёки даромад кўришни кўзда тутлади. Чунки одам савдосидан кўзда тутилган асосий мақсад жиноятчининг ўзи ёки бошқа шахслар орқали пул ёки бошқа моддий бойликларга эга бўлиш ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларини таҳқирловчи хатти-харакатлар, шу жумладан фуқароларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш халқаро ҳамжамият томонидан қабих ишлар қаторида эътироф этилиб, уларни тақиқлашга оид бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада халқаро ҳамкорликнинг ифодаси сифатида

<sup>1</sup>Баскакова С.В. Внешняя миграция населения в современной России. Автореферат дисс.к. э. н., М., 2004 г.

<sup>2</sup> Социальная политика: Реалии ХХIвека. Выпуск №1, М., Сигнал, 2003 г. с.42.

<sup>3</sup> Абдухалимов Ш. Одам савдоси – глобал хавф. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 21-6

<sup>4</sup> Лукашева Е.А От ответственного редактора// Права человека в международном и внутри государственном праве. М., 1995, 4-6

<sup>5</sup> Кодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 3-6



бир қатор халқаро ҳужжатлар қабул қилинди. Шулар орасида қуйидагича энг нуфузли ва универсал халқаро ҳужжатларни келтириш жоиз:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси.
2. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
3. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.
4. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга факультатив протокол.

Универсал халқаро ҳужжатлар қаторига ўттизга яқин ҳужжат кириб, юқорида келтирилган рўйхатдаги ҳужжатлар уларнинг энг долзарблари саналади.

Уларни универсал деб аталиши сабаби, уларда барча масалалар ўзининг тугал даражадаги жавобини ҳамда ечимини топган бўлиб, ҳар бир ҳужжат узоқ давом этган халқаро муҳокамадан сўнг қабул қилингани, ҳар бири ўзида жаҳон бой тажрибасини акс эттиргани учун ва ниҳоят, ҳар бири барқарор ҳукм суриб келгани учун нуфузlidir<sup>1</sup>.

Ҳуқуқшунос М.Ражабова ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавfli тури “мерос” бўлиб ўтди, улар терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик, яъни, эстремистик, фундаменталистик, сепаратистик ҳуружлар турса, кейингиси нарқобизнес ва энг сўнггиси одам савдоси, трафик билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотлардир<sup>2</sup>, деб таъкидлайди.

Одам савдосининг расмий таърифи бу соҳага оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган.

1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида<sup>3</sup>, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилик нормаларида ҳамма инсонлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, деб мустаҳкамланган.

• Табиийки, одам савдоси юқорида айтиб ўтилган халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар (инсоннинг эркинлиги, тенглиги, шахсий дахлсизлиги)га зарар етказди.

<sup>1</sup> Файзиёв Ф., Файзиёв М. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. – Тошкент: “НОРИ”, 1998. – 9 б.

<sup>2</sup> Инсон шаъни қонун ҳимоясида. Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472)

<sup>3</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/Т., Адолат, 2002, 48-б

Айтиш мумкинки, одам савдосига қарши курашиш масаласи бугун пайдо бўлгани йўқ. Агар тарихга назар солсак, унга қарши кураш ҳақидаги дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат 1899 йилда Лондон шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференцияда қабул қилинган «Аёлларлардан шахвоний мақсадларда фойдаланиш учун уларни ёллашга қарши кураш тўғрисида»ги резолюция ҳисобланади. Шундан сўнг 1904, 1910 йилларда мазкур масала юзасидан халқаро битимлар, 1921 ва 1933 йилларда одам савдоси муаммолари бўйича халқаро конвенциялар қабул қилинган<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, 1993 йил БМТнинг аёлларга нисбатан зўравонликка барҳам бериш тўғрисидаги декларациясида “аёлларга нисбатан зўравонлик” атамасига шундай изоҳ берилади. “Аёлларга нисбатан жисмоний, жинсий ёки руҳий азоб берган ва шикаст етказган ёки етказиши мумкин бўлган ёхуд шунга ҳаракат қилган, мажбурлаб ёки ўзбошимчалик билан озодликдан ва жамиятдан ёки шахсий ҳаётдан маҳрум этишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат зўравонликдан иборатдир”.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, аёлларга нисбатан зўравонлик жаҳондаги барча мамлакатларга, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётдан қатъи назар хос иллат ҳисобланди. Ҳаттоки, энг ривожланган мамлакатларда ҳам шундай ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Японияда 59 фоиз аёл жисмоний зўравонлик қурбони бўладилар, АҚШда 40 фоиз, Канадада 25 фоиз ва ҳ.к. Социологлар хулосасига кўра, 60 миллион аёл турли шаклдаги дискриминация қилиш, таҳқирлаш ва зўравонлик қурбони бўладилар. Африка мамлакатларида (Танзания 60 фоиз), Жанубий Осиё (60 фоиз), Лотин Америкасида (57 фоиз), аёлларга нисбатан зўравонлик кучайиб бораётганлигини кўришимиз мумкин<sup>2</sup>.

“Эйша Уотч” ташкилоти ва хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича гуруҳ маълумотларига кўра, камида 20 минг аёллар Таиланддаги фоҳишахоналарда хизмат кўрсатишади. Кўчиб юрувчи миграция муаммоларига доир халқаро ташкилотларнинг маълумотларига биноан ўз мамлакатларидан четга чиққан хотин-қизлар кўпинча фоҳишахоналар эгаларига пуллаб юборилади. Уларнинг ҳужжатлари тортиб олиниб, қамоқ ҳолатида тутиб турилади. Улар қочишга уринишганларида

<sup>1</sup> Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 3-б.

<sup>2</sup> Ф.Бақоева. “Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари” Т. “Адолат” 2002.100-б.

жисмоний зўравонликка, ўз оилалари шаънига бўлган таъқирларга дуч келишади<sup>1</sup>.

Давлатдаги мураккаб иқтисодий вазиятдан, собиқ иттифоқ давлатларидаги фуқароларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий такомиллашмаганлиги ва аҳолининг бандсизлиги юқори даражадалигидан фойдаланиб, нопок “ишбилармонлар” одамларни чет элга ишга таклиф қилиб, у ерда уларни раҳмсизлик билан ишлатиб, арзимаган пул эвазига минглаб даромадлар олиш учун жиноий “бизнесини” уюштирадилар. “Жонли товар” нинг экспорти Туркия, Италия, Исландия, Германия, Кипр, Балкан мамлакатлари, Венгрия, Чехия, Греция, Россия, Бирлашган Араб Амирликлари, Исроил, АҚШ, Скандинавия ва бошқа шу каби давлатларда амалга оширилмоқда. Эркакларни курувчи, шахтёр, аёлларни эса уй бекалари, тикувчи, идиш ювувчи сифатида ишлатадилар. Лекин, аёллардан оддий фойдаланишдан ташқари, шахвоний бизнес соҳасида ҳам фойдаланишмоқда<sup>2</sup>.

Шунингдек, одам савдосига қарши кураш борасида қабул қилинган қуйидаги халқаро ҳужжатларни санаб ўтиш мумкин:

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1950 йил 21 мартда қабул қилинган «Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция (Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ҳужжатга 2003 йил 12 декабрда қўшилган).

М.Х.Рустамбоевнинг таъкидлашича, 2003 йилда Ўзбекистон юқорида қайд этилган БМТнинг 1949 йилги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани<sup>3</sup> тасдиқлаб, аҳолини огоҳлантириш, жабрланувчиларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни амалга ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали

<sup>1</sup> Женщины мира. 1995 год. Тенденция и статистика. ООН. С.225.

<sup>2</sup> Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллашни квалификация ва тергов қилиш. Муаллифлар жамоаси. ИИБ Академияси. 2005 й. 68 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 8-июлдаги “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани (Нью-Йорк, 2000-йил 15-ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги № 160 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Аxbоротномаси, 2008-йил № 7, 351 б.

одам савдосининг олдини олиш ва баратаф қилиш мажбуриятини олди<sup>1</sup>);

- БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сонли резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияга қўшимча одам савдоси, айниқса, аёллар ва болалар савдоси ҳақида огоҳлантириш ва чек қўйиш ҳамда бундай жиноятлар учун жазолаш тўғрисидаги баённома (2001 йил 28 июнда Ўзбекистон ратификация қилган).

Одам савдосига қарши кураш бўйича миллий қонунчилигимиздаги қуйидаги ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатиш мумкин :

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг моддалари (135-модда «Одам савдоси», 137-модда «Одам ўғрилаш», 138-модда «Зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш»);

- 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонун<sup>2</sup>;

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатда мустаҳкамлаб қўйилганидек, одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари, жумладан, ИИБ, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг шу йўналишдаги фаолиятлари республика ва ҳудудлардаги Идоралараро комиссиялар томонидан мувофиқлаштирилиб борилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-911-сонли Қарори<sup>3</sup>. Мазкур қарор билан 2008-2010 йилларда одам савдосига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича ишларнинг Миллий режаси, Одам савдосига қарши кураш бўйича идоралараро Республика комиссияси таркиби тасдиқланди.

Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик (шу жумладан, одам савдоси)нинг хавфли

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахса қарши жиноятлар.Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

<sup>2</sup>«Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами», 2008, 16-сон, 118-бет.

<sup>3</sup>«Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами», 2008, 28-сон, 268-бет.

қўринишларига қарши кураш ҳақида 29 та шартнома ва келишувлар имзоланган<sup>1</sup>.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шугулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутилиб қолишига ҳамда жинойий фаолиятини давом эттиришига олиб келади<sup>2</sup>.

Халқаро экспертларнинг маълумотларига қараганда, ҳар йили дунё миқёсида 2 миллион 800 минг киши одам савдоси қурбонига айланади. Ушбу жиноятчиликдан тушадиган ноқонуний даромад 7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилмоқда. Дунё миқёсида ҳар йили 600 мингдан 800 минг нафаргача аёллар ва болалар алдов йўли билан чет элларга олиб кетилиб сотилади<sup>3</sup>.

Айниқса, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани ташвишли ҳолдир<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги маълумотига кўра, бундай жиноят жабрланувчиларининг, айниқса фоҳишалик мақсадларда эксплуатация қилинаётган аёлларнинг аксарият қисми, яъни 78 фоизини 16-25 ёшдаги аёллар ташкил этар экан<sup>5</sup>.

“Аёллар савдосига қарши бутунжаҳон альянси” ҳужжатларида аёллар савдосига қуйидагича таъриф берилган: Аёллар савдоси – бу зўрлик қўллаш, ёки зўрлик қўллаш билан таҳдид қилиш, қарз юки, алдов ёки бошқа турдаги мажбурлаш йўли билан мамлакат ичкарасида ва хорижда ишлаш ёки хизматлар кўрсатиш учун аёлларни ёллаш ёки жўнатиш жараёнида амалга ошириладиган барча ҳаракатлардир. Мажбурий меҳнат ва қулликка ўхшаш амалиёт қўллаш билан ҳокимият ёки хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, йўли билан ҳам шундай ишлар ёки хизматларни бажаришга мажбурлашни англатади<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 4-6

<sup>2</sup> Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 3-6

<sup>3</sup> Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-6

<sup>4</sup> Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 2-б.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳолатлар юзасидан қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти тўғрисида. Қўлланма.// Т.: -2004.-Б.21-22.

<sup>6</sup> Каршунов В. Рабы XXI века. Юридический мир №6 (102)2005.-31-32 с.

Чет давлатга пул топиш мақсадида чиқиб кетаётган аёллар кўп ҳолларда жисмонан эксплуатация қилинади. Алданганига тўла ишонч ҳосил қилганида ҳам, улар танишлари ва қариндошлари орасида шарманда бўлишидан кўрқиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар беришмайди<sup>1</sup>.

Жинсий эксплуатация қилиш мақсадида ёлланган аёллар сонини аниқ келтириш жуда ҳам қийин. Бунга сабаб, ёллашнинг яширинча характерга эга эканлиги, аёлларнинг сукут сақлашга мажбур этилиши ҳамда ахборот олишнинг жуда ҳам хатарли эканлигидир. БМТ экспертлари секс-индустрия учун маҳсулот сифатида аёллар савдосининг умумжаҳон ҳажмини йилига еттидан ўн икки миллиард долларгача бўлган диапазонда баҳолайдилар<sup>2</sup>.

Бугунги кунда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одам савдоси соҳасидаги жиноятларнинг ўсиши, уларни уюшган гуруҳлар, жинойий уюшмалар томонидан ўзаро уюшган ҳолда содир қилиш ҳоллари кўпаймоқда. Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган ишлар ўрганиб чиқилганда, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти иштирокчиликнинг куйидаги шакллари орқали содир этилганлигини кўришимиз мумкин: мураккаб иштирокчилик - 28%; уюшган гуруҳ томонидан - 42%; жинойий уюшма томонидан - 10%ни ташкил этар экан<sup>3</sup>. Шу боис ҳуқуқшунос А.Шарафутдиновнинг ушбу жиноятларни содир этилиши нафақат бир шахснинг шаъни ва қадр-қимматини поймол қилади, балки у давлатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборига ҳам катта путур еткази, деган фикрларига қўшилиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик

<sup>1</sup> Шарафутдинов А.О. "О работе, проводимой МВД в сфере борьбы с вербовкой людей в целях их сексуальной и иной эксплуатации. Проблемы, связанный с трафиком людей". / Материалы научно –практической конференции на тему. «Международно-правовые проблемы борьбы с торговлей людьми». Т. 2006. -15-20 б.

<sup>2</sup> Официальные предупреждения ООН о появлении новых рабынь проституции. Ксинуа, 21 сентября 1999 г.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ахборот Маркази маълумоти. 2005й.

<sup>4</sup> Шарафутдинов А.О.О работе, проводимой МВД в сфере борьбы с вербовкой людей в целях их сексуальной и иной эксплуатации. Проблемы, связанный с трафиком людей // Материалы научно –практической конференции на тему. «Международно-правовые проблемы борьбы с торговлей людьми». Тез.докл.- Т., 2006.- С.15.

нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, одам савдосининг қурбонига айланиб бораётган шахсларни халқаро ҳуқуқда ва миллий қонунчилигимизда ҳам ҳимоя қилишга қаратилган бир қанча масалалар ҳам мавжудки, булар Ўз навбатида, бундай жиноятчиликка қарши курашда олиб борилган сай ҳаракатлардир.

## Одамлар савдоси жиноятнинг жиноят ҳуқуқий жиҳатлари

Бирлашган Миллатлар ташкилоти ва Халқаро Миграция ташкилоти маълумотларига кўра, 150 миллионга яқин одам ўзларининг доимий яшаш жойларидан ташқарида яшайдилар, бу эса Ер шари аҳолисининг 2,5%ини ташкил қилади. Улардан 80-97 миллионга яқини муҳожир-ишчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳисобланадилар. Қолган 12 миллион аҳоли – ўз мамлакатларидан ташқаридаги қочоқлардир. Бу рақамларда мамлакат ичкарисида кўчиб юрувчи 20 миллионга яқин одамлар ҳисобга олинмайди. Ноконуний муҳожирлар умумий оқимида болалар улуши Халқаро Миграция Ташкилоти маълумотида кўра 33%ни ташкил қилади<sup>1</sup>.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб эълон қилинди. Мамлакатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ 60 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилди.

2003 йилда Ўзбекистон юқорида номи зикр этилган БМТнинг 1949 йилги Конвенциясига қўшилди, 2008 йилда эса одамлар, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва бу қилмиш учун жазолаш тўғрисидаги, БМТнинг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенциясини тўлдирувчи Протоколи ратификация қилинди ва одамлар савдоси тўғрисида аҳолига маълумот бериш, жиноятдан жабр кўрганларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган дастурларни қўллаб-қувватлаш орқали унинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

ЖК 135-моддаси мамлакатимиз жиноят қонунини янги нормалардан бўлиб, унинг ҳозирги таҳрири 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги № ЎРҚ-154 сонли Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Жиноят кодексига киритилди. ЖК 135-моддасининг аввалги таҳририда фақат шахвоний ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш мақсадида алдаш йўли билан одамни ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зикр қилинган

<sup>1</sup> Филиппова И.А. Защита трудовых прав и свобод личности в Уголовном Кодексе Российской Федерации.// Следователь. –Москва. 2003. №12. –С.14-15.



одамлар савдоси билан боғлиқ бўлган жиноий қилмишлар комплекси қамраб олинмаган бўлиб, бу ҳол амалда фуқаролар эркинлиги, шаъни ва кадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлай олмас эди. Бундан ташқари, фоҳишаларни эксплуатация қилиш мақсадида одамлар савдоси тўғрисидаги БМТнинг 1949 йилги Конвенциясидан фарқли равишда Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддасида мазкур қилмиш одамларни ҳар қандай мақсадда эксплуатация қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган эди.

Хуқуқшунос М.Ражабованинг фикрича, ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг урта энг хавфли тури “мерос” бўлиб ўтди, улар терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи куч ишлатиш, яъни, эстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар туради. Кейингиси эса наркобизнес ва энг сўнгиси одам савдоси, траффик билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотлардир<sup>1</sup>.

1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида<sup>2</sup>, шунингдек, бошқа бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда мамлакатимиз миллий қонунчилик нормаларида барча инсонлар ўз кадр-қиммати ва ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар, деб мустаҳкамланган.

Табийки, одам савдоси юқорида айтиб ўтилган халқаро ва миллий ҳуқуқий нормалар(инсоннинг эркинлиги, тенглиги, шахсий даҳлсизлиги)га зарар етказди. ЖК 135-моддаси тасвирлов диспозициядан иборат. Бу жиноятнинг объектив томони одамлар савдоси, яъни одамни эксплуатация қилиш мақсадида уни олиш-сотиш ёки ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёхуд қабул қилишда намоён бўлади. Одам савдоси қуйидаги шаклларда намоён бўлиши мумкин:

- **Мажбурий меҳнат** бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Одам савдоси каби жиноий фаолиятни амалга ошириш услубларининг таҳлили аксарият ҳолларда фуқароларни мажбурий

<sup>1</sup> Инсон шаъни қонун ҳимоясида. Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472)

<sup>2</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/Т., Алолат, 2002, 48-б

меҳнат ёки фоҳишабозлик билан шуғуллантириш мақсадларида фойдаланиш учун республикамиз ҳудудидан яширин равишда олиб чиқиб кетилаётганлигини кўрсатмоқда.

Фуқароларни айланма йўллар орқали ноқонуний равишда ёки чегара постлари орқали аввалига Қирғизистон, Қозоғистон Республикаси каби қўшни давлатларга, сўнгра қалбаки ҳужжатлар билан узоқ хориж давлатларига чиқариб юбориш жиноятчи унсурларнинг асосий маршрутига айланган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ноқонуний айланма йўлларга тўлиқ барҳам бериш, ўтиш чегара постлари, халқаро темир йўл станциялари ҳамда аэропортларда нозоратни кучайтириш, айниқса, бундай масканларда тезкор ишлар ҳамда тарғибот ва ташвиқот ишларининг кучайтирилиши бу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Мисол учун, Самарқанд шаҳрида яшовчи Г. Таиланд давлатида бўлган опаси Г.нинг фоҳишалик билан шуғуллантириш учун одам ёллаш ҳақидаги таклифига биноан Э. Ва Ф. Ёилан жиноий тил бириктирган. Жиноий гуруҳ олдиндан тузилган режага аслсан бир неча қизларни Таиланддаги “ресторанга ишга жойлаштириш”га ишонтириб, уларни фоҳишалик билан шуғуллантириш мақсадида ушбу давлатга юбормоқчи бўлганларида Тошкент шаҳридаги халқаро аэропортда қўлга олинганлар.

Ёки, Хонобод шаҳрида яшовчи Л. Тўрт нафар қизларни алдаб, уларни фоҳишалик билан шуғуллантириш учун ҳар бирини 2000 қирғиз соми эвазига сотиб юбориш учун Қирғизистон Республикасига айланма йўллар орқали олиб чиқиб кетаётганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан тўхтатиб қолинган<sup>1</sup>;

• **Қуллик** - ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга оширилаётган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.(1956 йилги Қулчиликни, кулларни сотиш ва кулчиликка ўхшаш одатлар ва институтларни тугатиш тўғрисидаги қўшимча конвенцияда баён этилишича, кул савдоси бошқа бир шахсни кулга айланттириш, унга суиқасд уюштириш ва бундай хатти-ҳаракатларни содир этишда шерик бўлиш, эркисиз ҳолдаги шахсларни майиб-мажруҳ этишва уларга тамға босишни ўз ичига олади<sup>2</sup>);

<sup>1</sup> Р.Х.Қодиоров. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.185-186.

<sup>2</sup> Лукашук И.И. , Саидов А.Х. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи назарияси асослари(дарслик)., Адолат, 2006, 290-б

• **Фоҳишабозлик** - одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш тушунилади. Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳоказо мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади. (Ўзбекистон фуқаролари фоҳишалик учун асосан БАА, Таиланд, Туркия, Ҳиндистон, Исроил, Малайзия, Жанубий Корея, Япония ва Коста-Рика олиб чиқиб кетилмоқда<sup>1</sup>);

• **Мажбурий донорлик;**

• **Ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш** ва ҳ.к.

Одам савдосига бир жиноят сифатида эмас балки, бутун бир жараён сифатида қараш лозим. Ушбу жараён инсонни алдаш ёки ўғирлашдан бошланиб, уни бошқа мамлакатга олиб чиқиб кетиш билан давом этади. Шундан сўнг, эксплуатация, яъни мажбурлаш босқичи бошланади. Бунда жиноят қурбонининг шахвоний ёки меҳнат қуллигида ушлаб турилади ёхуд мажбурлашнинг бошқа шаклларига дучор қилинади. Кейинги босқич асосан жиноятчи иштирокида амалга оширилади. Яъни бунда жиноятчи (жиноий гуруҳ) одам савдоси операциясининг кўлами ва хусусиятидан келиб чиқиб пулни ўзлаштириш билан шуғулланади.

Ушбу жараён давомида жиноятчилар одатда бошқа бир жиноятларни ҳам амалга оширадilar. Масалан, одам савдоси операциясини амалга ошириш билан бир қаторда қурол ёки наркотик моддалар контрабандаси каби жиноятлар ҳам содир этилиши мумкин. Ушбу жиноятлар одам савдоси операциясини таъминлаш ёки муҳофаза қилиш мақсадида ҳам амалга оширилади.

Бошқа жиноятлар, масалан, жиноий даромадларни легаллаштириш ёки солиқ тўлашдан бўйин товлаш кабилар иккинчи даражали ҳисобланса-да, одам савдосидан тушган даромадларни ҳимоя қилишда муҳим ҳисобланади<sup>2</sup>.

Одам савдосининг асосий ва энг хавфли шакллари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Жинсий эксплуатация объекти сифатида аёллар савдоси;
2. Жинсий эксплуатация объекти сифатида болалар савдоси;
3. Мажбурий меҳнатнинг объекти сифатида одам савдоси;

<sup>1</sup> Жураев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-6

<sup>2</sup> Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.74-75.

4. Одамнинг табиий органларини ажратиб олиш (трансплантация) мақсадларида одам савдоси.

Бугунги кунда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ва одам савдоси соҳасидаги жиноятларнинг ўсиши, уларни уюшган гуруҳлар, жиний уюшмалар томонидан ўзаро уюшган ҳолда содир қилиш ҳоллари кўпаймоқда. Жиноят ишлари бўйича судлари томонидан кўрилган ишлар ўрганиб чиқилганда, одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш жинояти иштирокчиликнинг куйидаги шакллари орқали содир этилаганлигини кўришимиз мумкин: мураккаб иштирокчилик - 28%; уюшган гуруҳ томонидан – 42%; жиний уюшма томонидан – 10%.ни ташкил этар экан<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг ажралмас бир бўлагига айланган бўлиб, дунёда миқёсида шундай кенг тарқалганки, БМТ ва Халқаро миграция ташкилоти экспертларининг фикрларига кўра мазкур жиноятдан жабрланганлар сони миллионларни ташкил этади<sup>2</sup>.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва Қочоқлар бўйича халқаро ташкилотлар экспертларининг баҳосига кўра, сўнги йилларда одам савдоси шиддат билан ўсиб бормоқда. Тахминларга кўра, ушбу қабиҳликдан жабрланганлар сони йилига ўртача 2,8 миллион кишига етмоқда. Одам савдоси бозори жуда катта даромад келтирадиган соҳа бўлиб, у наркотик савдоси ва қурол савдосидан кейинги учинчи ўринни эгаллайди<sup>3</sup>.

Айниқса, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизини аёллар ёки ёш болалар ташкил этаётгани ташвишли ҳолдир<sup>4</sup>.

Статистиканинг гувоҳлик беришича, охириги 10 йил ичида Фарбий Европага 3 000 000 аёл фоҳишалikka сотилган, 1990 йилдан бошлаб эса Таиланд фоҳиша бозорига 80 000 аёллар ва болалар Мьянма, Камбоджа, Лаос, Хитойдан келтирилиб сотилган<sup>5</sup>.

Де Пауло номидаги Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бутунжаҳон институти маълумотига қараганда, ҳар йили дунёда 2 миллион аёллар ва болалар фақатгина жинсий куллик учун сотиладилар<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Ахборот Маркази маълумоти. 2005й.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва ҳавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

<sup>3</sup> <http://info.islorn.uz/content/view/1613/997/>

<sup>4</sup> Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 2-б.

<sup>5</sup> Ерохина Л.Д. Масштабы торговли женщинами и программы борьбы с нею в России // Материалы конференции по проблеме траффика. Владивосток. 2001, стр. 3.

<sup>6</sup> De Paulo Casese/Report to UNO/UNDP/Switzerland/ Bern. 2002/

Ўзбекистон Республикасида одам савдоси ишлари бўйича 2003 йилда 79 та жиноят иши кўзгатирилган бўлса, 2007 йилга келиб 273 та жиноят иши кўзгатирилган. Бунда 303 нафар айбланувчи, 1124 нафар жабрланганлар аниқланган<sup>1</sup>.

Одам савдосини қарши кураш ҳамда уни олдини олиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

2008 йил 8 июлда Президентимиз томонидан «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди.

Жиноят кодекси 135-моддаси мамлакатимиз жиноят қонунига киритилган янги нормалардан бўлиб, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан янги тахрирда қонунга киритилган. ЖК 135-моддасининг аввалги тахририда фақат эксплуатация қилиш мақсадида алдаш йўли билан одам ёллаш учун жавобгарлик назарда тутилиб, унда халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда зикр қилинган одамлар савдоси билан боғлиқ бўлган жиний қилмишлар комплекси қамраб олинмаган эди. Бу ҳол амалда фуқаролар эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини тўлиқ муҳофаза қилинишини таъминлай олмас эди. Бундан ташқари, фоҳишаларни эксплуатация қилиш мақсадида амалга ошириладиган одам савдоси тўғрисидаги БМТнинг 1949 йилги Конвенциясидан фарқли равишда, Ўзбекистон Республикаси ЖК 135-моддаси янги тахририда одамларни ҳар қандай мақсадда эксплуатация қилганлик учун аниқ жавобгарлик назарда тутилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” номли 135-модда билан тўлдирилди, сўнгра 2008 йилнинг сентябрь ойида ушбу модда “Одам савдоси” кўринишида янги тахрирда баён қилинди<sup>3</sup>.

Одам савдоси **жиноятининг объекти** – жабрланган шахсларнинг озодлиги, қард-қиммати, эркинлиги ҳисобланади. Одам савдосининг бевосита объекти шахснинг шахсий эркинлиги, шаъни ва қадр-қимматини кафолатловчи ижтимоий муносабатлар ташкил

<sup>1</sup><http://info.islom.uz/content/view/1613/997/>

<sup>2</sup>Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б. 14.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 16-сентябрдаги “Одам савдосига қаруи кураш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги № 179 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № , 485 б.

этади. Қўшимча объект алоҳида квалификация қилинган таркибларда шахснинг ҳаёти ва соғлиги дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги<sup>1</sup> Қонунида “одам савдоси” тушунчаси “ёллаш”, “ташиш”, “тошириш”, “яшириш”, “қабул қилиш” қилмишлари (ҳаракат шакли) шаклида берилган.

**ЖК 135-моддаси** диспозициясида “эксплуатация” атамаси “фойдаланиш” мазмунида қўлланилган бўлиб, унда одамни нафақат бирор бир фаолиятга жалб қилиш, балки унинг аъзо ва тўқималарини кесиб олиб улардан фойдаланиш ҳам назарда тутилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, одам савдосининг объектив томонини ташкил қилувчи содир этилган бирор бир ҳаракатда трансплантант олиш мақсадининг мавжудлиги, мазкур қилмишнинг **ЖК 135-моддаси 1-қисми** билан квалификация қилинишини инкор этади, мазкур оғирлаштирувчи ҳолат ушбу модданинг 2 қисми “к” банди билан квалификация қилиниши зарур<sup>2</sup>.

“Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси жиноятнинг асосий тушунчаларидан таркиб топган бўлиб, унда айнан “одамлардан фойдаланиш” тушунчаси таърифи ҳам мавжуддир. Унга кўра “одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади”<sup>3</sup>.

Одам савдоси ёки эксплуатация қилиш учун жалб қилиш учта асосий босқичдан ташкил топади:

- жабрланувчини топиш, жалб қилиш;
- жабрланувчини транзит йўли билан ташиш (халқаро чегаралар орқали ташиш), давлат ҳудудидан ўтказиш, сотиб олувчига топшириш, маълум вақтгача яшириш ва сотиб олувчи томонидан қабул қилиш. Бу ушбу жиноят объектив белгисини ўзида акс этади;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 17-апрелдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги № 154 сонли Қонуни, 3 б. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № 4, 190 б.

<sup>2</sup> Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLMZIO, 2011. –310 б.

<sup>3</sup> “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. // Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472).

▪ эксплуатация қилиш (одамнинг жисмоний ва шахвоний хизматларидан даромад олиш учун ноқонуний тарзда фойдаланиш)<sup>1</sup>.

Одам савдоси таркиби тузилиши жиҳатидан формал жиноят, унинг тугалланган деб ҳисобланиши учун бирон-бир оқибатнинг келиб чиқиши талаб этилмайди.

**Объектив томондан** жиноят қуйидаги ҳаракатлардан бирини содир этишда ифодаланади:

• **Одамларни олиш-сотиб**, яъни қонунга хилоф битим тузиш орқали жабрланувчини сотувчининг шахсий мулки сифатида топшириш ва бунинг эвазига маълум миқдорда маблағ олиш.

Одам савдоси олиш-сотиб “товар”га ҳақ тўлангандан сўнг, яъни одам савдоси билан шуғулланувчи шахснинг жабрланувчини сотиб олувчи эгалигига топширган пайтдан қатъий назар, маълум миқдордаги пул ёки бошқача мулкый эквивалент олган пайтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади.

Агар жиноятчилар (бир томондан одамларни сотувчи, иккинчи томондан сотиб олувчи) ўртасида одамни олиш-сотиб тўғрисида келишув тузилган бўлиб, аммо маълум сабабларга кўра режалаштирилган келишув амалга ошмаган бўлса (пул топширилмаган бўлса), уларнинг ҳаракатлари ЖК 135-моддасининг тегишли қисми ва 25-модданинг 1-қисми бўйича, яъни олиш-сотиб кўринишида одам савдосига тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши лозим<sup>2</sup>;

• **Одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш.** Одамларни ёллаш деганда, турли мақсадларда фойдаланиш учун шахсларни излаб топиш ва қандайдир фаолият билан шуғулланиш учун улар билан олдиндан бирор-бир (оғзаки, ёзма) битим тузилишини тушуниш лозим. Ёллаш усуллари: юқори иш ҳақи, моддий манфаатлар, яхши меҳнат шароити, муайян имтиёзлар ваъда қили шва ҳ.к. кўринишида бўлиши мумкин, аммо улар жиноятнинг квалификациясига таъсир этмайди. Ёллаш ўзининг таркибий тузилишига кўра, турли усуллар орқали «шахсни товарлаштириш»ни, яъни озод шахснинг қул товарга айланишини назарда тутади.

<sup>1</sup> Хайдаров Ш.Д. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.147-148.

<sup>2</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар.Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

М.Х.Рустамбоевнинг фикрича, ёлланаётган шахснинг розилигини олишга қаратилган ҳаракатлар (масалан, номзодларни топиш, хоҳловчиларни рўйхатга олиш, улар билан аввалдан қандайдир “битим” тузиш ва ҳ.к.) бошланган вақтдан эътиборан, унинг розилиги олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар, қилмиш тамом бўлган ҳисобланади.

Шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун одамларни ёллашни фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилишдан, яъни ЖК 131-моддасида жавобгарлик назарда тутилган қўшмачиликдан фарқлаш керак. Бунда жиноятчи томонидан кўзланган мақсад ва тажовуз объектига кўра жиноятлар бир-биридан фарқланиши лозим. Биринчи навбатда айбдор ўз ҳаракатларининг оқибатларини англаганлиги аниқланиши лозим. Агар ёлланган шахснинг эркинлиги чекланиши, ноқулай аҳволга тушиши мумкинлиги ва бошқа шахсларга бутунлай қарам бўлиши уни ёллаган шахсга олдиндан аён бўлса, бундай ёллашни одамни кейинчалик эксплуатация қилиш мақсадида амалга оширилган дейиш учун тўла асос бор, деб ҳисоблаш мумкин. Қўшмачиликда эса фоҳишалик билан шуғулланишга жалб қилган айбдор фақат ғараз мақсадни кўзлайди, ёллашнинг ўзи эса ёлланаётган шахснинг фоҳишалик билан шуғулланишга ихтиёрий розилигини олишга қаратилади ва барча шартлар олдиндан келишиб олинади. Бундай вазиятда ёлланаётган шахснинг эркинлиги чекланмайди<sup>1</sup>.

Шу ўринда, одам савдосига қизиқтирувчи таклифлар қуйидагилар бўлиши мумкинлиги инобатга олиб, улар:

- газеталардаги эълонлар орқали (чет элда ишлаш, ўқиш);
- интернет орқали;
- норасмий тармоқлар орқали-яқин танишлар ёки қариндошлар орқали;
- махсус агентлар (профессional одам ёлловчилар) орқали
- ноқонуний туристик, чет элда ишга ёки ўқишга ёлловчи агентликлар орқали;
- танишув хизматлари, сохта никоҳ тузиш бўлиши мумкин.

• **Одамларни ташиш ва топшириш.** Жабрланувчини ҳар қандай транспорт воситасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва давлат чегарасидан ташқарига транспортировка орқали ташиш ҳамда жабрланувчини сотиб олувчига маълум ҳақ эвазига шахсий мулки сифатида топшириш. Шунини эътиборга олиш лозимки, мазкур жиноий

<sup>1</sup>Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДҶОИ нашриёти, 2009. –Б. 16.



ҳаракатлар одамларни олиш-сотининг давомийлигини ташкил этиши ёки алоҳида жиноят таркибини ҳосил қилиши мумкин.

Шахсни топшириш одам савдосида воситачи, ундан ташқари олиш-сотиш амалга оширилганидан сўнг сотиб олувчининг ўзи томонидан жабрланувчини эксплуатация қилиш, вақтинчалик жойлаштириш ёки унинг яшаши учун топшириш ҳаракатларида намоён бўлиши мумкин. Бунда топшириш қайтариболиш (масалан, ёлланган шахсни бериш) ёки қайтариб олмаслик (масалан, ҳада қилиш) шарт билан, доимий ёки маълум бир муддатга, маълум бир шартларни бажаргандан сўнг ёки уларсиз амалга оширилиши мумкин ҳамда жабрланувчининг бир шахс эғалигидан бошқасига ўтган пайтда бошлаб тугалланган ҳисобланади<sup>1</sup>;

Жабрланувчиларнинг бўйсунини таъминлаш учун одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар назоратнинг турли механизмларини қўллашлари мумкин. Улар орасида кенг тарқалгани куйидагилардир:

-йўл ва шахсий ҳужжатларни тортиб олиш ва ушлаб қолиш;

-бошқалар билан алоқа қилиш имкониятини йўқлиги, фоҳишалик уйларида, кул сифатида ишлаётган жойида, махфий хонадонларда сақлаш ва доимий назорат;

-жабрланувчиларда бошқа жабрланувчилар билан ўзаро алоқаларнинг пайдо бўлишини ёки одамлар савдоси фаолияти тўғрисида батафсил маълумотларни эгаллашларини олдини олиш мақсадида, манзилни ва ишчиларни доимий ўзгартириш;

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёрдам сўраш қўркувини уларга сингдириш;

-уларга ёки уларнинг яқинларига нисбатан жисмоний ёки жинсий зўравонлик қўллаш таҳдидидан фойдаланиш.

Масалан, Каттакўрғон шахрида яшовчи М., З., жиноий шериклари билан тил бириктириб, бир неча гуруҳ қизларни алдаш йўли билан Қирғизистон Республикаси орқали Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шахрига юборганлар. Мазкур шахарда уларни кутиб олган жиноий гуруҳнинг аъзоси бўлган “Шохиста” исмли шахс қизларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, ўзларини эса бир йил давомида фоҳишалик билан шуғулланишга мажбур этган.

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

Ёки, Тошкент шаҳрида яшовчи Р. ва бошқалар фаолияти тугатилган “СНЕТ” шўъба корхонасининг муҳри ва ҳужжатларидан фойдаланган ҳода ушбу корхонани “хорижда иш билан таъминлашга кўмаклашувчи ташкилот” эканлигига одамларни ишонтириб, унинг “хизмат”идан фойдаланиш истагини билдирган 56 нафар фуқароларни алдов йўли билан Қозоғистон Республикасига олиб чиқиб, номаълум шахсларга сотиб юборганлар. Оқибатда, республикамиз фуқароларининг шахсий ҳужжатлари олиб қўйилиб, ўзлари номаълум шахслар томонидан Астана шаҳрида мажбурий тарзда ишлатилганлар<sup>1</sup>.

• **Одамларни яшириш.** Мазкур ҳаракат одамларни ташқи муҳит билан муносабатда бўлишларига тўсқинлик қилиш, уларнинг қариндошларига ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўзларининг жойлашган жойлари тўғрисида хабар беришга йўл қўймаслик каби ҳаракатлар орқали ифодаланади.

• **Одамларни қабул қилиш.** Шахснинг топширилиши натижасида уни эгаллаб олиш билан боғлиқ ҳаракатлар (топширишга қарама қарши ҳаракатлар)да намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 1-қисмида назарда тутилган қилмишлардан, яъни одамни эксплуатация қилишни бошлашдан қатъий назар, уни олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш ҳаракатларидан борортаси содир этилган пайтдан эътиборан тамом бўлган, деб ҳисобланади.

**Субъектив томондан жиноят тўғри қасд билан содир этилади.** Мазкур жиноятнинг субъектив томонининг зарурий шарти – мақсаддир. Шахсни ЖК 135-моддаси билан жавобгарликка тортиш учун эксплуатация қилиш мақсадига эришган-эришмаганлигининг аҳамияти йўқ. Муҳими, жиноят субъектининг жабрланувчини шахсан эксплуатация қилиш истаги бўлганлиги ёхуд бундай мақсад бошқа шахс иштирокчиларнинг режаларига кирганлигини олдиндан аниқ билганлигидир. Масалан, жабрланувчини шахвоний қулликка сотишни амалга ошираётган субъект, жабрланувчининг бошқа шахслар томонидан шахвоний эксплуатация қилиниши муқаррарлигини англайди ва айнан шунихоҳлаб ўзининг жиноий ҳаракатларини амалга оширади. Ва аксинча, шахсни ўз эгаллигига олаётган субъект кейинчалик уни шахсан ўзи эксплуатация қилади.

<sup>1</sup> Р.Х.Қодиров. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо. Одам савдосига қарши курашиш масалалари буйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.184-185.

**Жиноятнинг субъекти** 16 ёшга тўлган ақли расо шахс ҳисобланади.

### **Агар жиноят:**

**а) ўғрилаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд бошқа мажбурлов чораларини қўллаш орқали(одам ўғрилаш жабрланувчини яширин равишда, очикдан-очик ёки алдаш ёхуд ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга олиш ва кейинчалик уни олиш-сотиш, топшириш ва ҳ.к. ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида уни доимий ёки вақтинча турар жойидан, айбдорнинг ихтиёрига кўра бошқа жойга кўчириш ҳисобланади. **Зўрлик ишлатиш** жабрланувчига нисбатан олиш-сотиш ёки бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида уни дўппослаш, қийнаш, зўрлик ишлатиб гайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, баданига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказишни англатади. **Зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш** деганда эса, жабрланувчи жиноятчининг талабини бажаришдан бўйин товлаганида, уни калтаклаш, тан жароҳати етказиш, ҳаётидан маҳрум қилиш, овқатсиз ёки сувсиз қолдириш ва ҳ.к. кўринишдаги жисмоний зўрлик ишлатиш мумкинлигини намоён қилиш (ифодалаш) орқали унга руҳий таъсир кўрсатиш тушунилади);**

Дарҳақиқат, одам савдоси жиноятининг ижтимоий хавфлилиги шундаки, одамларни жалб қилиш ва бошқа давлат худудига олиб ўтиш одатда ихтиёрийлик асосида ўзаро келишув натижасида амалга оширилади ва фақат белгиланган давлатга олиб ўтилгандан кейингина улар турли кўринишдаги зўрлик ва эксплуатация жабрланувчиларига айланадилар.

Ёлловчилар томонидан жабрланувчиларга қуйидаги таъсир этиш усуллари қўлланилиши мумкин. Уларга қуйидаги усуллар киради:

- кўрқитиш, мажбурлаш, жабрланувчига нисбатан зўрлик қўллаш;
- гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилдириш ёки психотроп дори воситаларидан фойдаланиш;
- жабрланувчиларни ёлловчига сунъий тарзда боғлиқ қилиб қўядиган ва чет элга кетишга мажбур қиладиган турли алдов усуллари қўллаш<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда ҳам одам савдосининг айрим кўринишлари мавжуд. Бу жирканч иш билан шуғулланаётганлар асосан мўмай пул

<sup>1</sup> Ҳайдаров Ш.Д. Одам савдосини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.147.

топиш илинжида юрган йигит-қизларни ўз домига тортмоқдалар. Масалан, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг одам савдосига қарши курашиш боғлиқ саъй-ҳаракатлари самара бериб, қатор одамфурушларнинг ноқонуний ишлари фош этилмоқда. Жумладан, яқинда чегара қўшинлари томонидан олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида Зангиота туманидаги уюшган жиноий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйилди. Маълум бўлишича, А.Абдусатторов, Ф.Элмирзаев, Ж.Бурхонов ва А.Ханифовдан иборат гуруҳ асосан Қозоғистонга чегарадош бўлган Зангиота туманидаги Чувалачи қишлоқ фуқаролар йиғини орқали одамларни хорижга жўнатиш, айланма йўллар орқали юртимизга одамлар ва ҳар хил сифатсиз қандолат маҳсулотларини олиб кириш билан шуғулланишган. Улар киши бошига 75-150 минг сўм атрофида пул олиш эвазига хорижий ҳамтовоқларига кўмаклашишган. Ачинарлиси, жиноий гуруҳ раҳбари А.Абдусатторов ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими бўлиб, вазифасига кўра одам савдосига қарши курашиши лозим бўлсада, ноқонуний хатти-ҳаракатларига 1986-1990 йилларда туғилган ғўр ёшларни жалб этган.

**б) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан** (Одам савдоси айбдорда кўриб чиқилаётган модда диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни ягона қасд асосида камида икки шахсга нисбатан амалга оширган бўлса, қилмиш икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан амалга оширилган деб топилади. Бунда қоида тариқасида жиноий ҳаракатлар бир вақтда ёки узоқ бўлмаган вақт оралиғида содир этилади);

**в) ожиз аҳволдалиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан** (Шахснинг ожиз аҳволи, одам организмнинг жисмоний ёки руҳий хусусиятларига боғлиқ бўлади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида “ожиз аҳвол, деб жабрланувчининг физиологик, жисмоний ёки руҳий жиҳатдан (жисмоний нуқсонлари, руҳий ҳолати бузилганлиги, жуда ёш бола ёки кексалиги, қаттиқ оғриқ ёки беҳуш ҳолатда ёхуд уйқуда бўлганлиги, алкоғолли ёки гиёҳвандлик воситаси ёхуд психотроп модда таъсирида маст эканлиги) ўзини ҳимоя қилишга, айбдорга фаол қаршилиқ кўрсатишга қодир эмаслик ёки ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини тушуна олмаслик ёхуд ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик ҳолати тушунилиши керак. Бунда айбдор жабрланувчининг ожиз аҳволда эканлигини англаган бўлиши шарт.

<sup>1</sup> Мадатов С. Инсоний туйғуни йўқотганлар. Ҳуқуқ ва бурч. 03(87)2013., -Б.46-47.

Жабрланувчининг алкоғолли ичимлик, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп модда таъсирида атрофдаги вазиятни англай олмайдиган даражада мастлиги, унинг ожиз аҳволда бўлган, деб тан олиниши учун асос бўлиши мумкин. Бунда жабрланувчи ким томонидан бундай аҳволга солинганлиги аҳамиятга эга эмас”,<sup>1</sup> деб кўрсатма берилган);

г) айбдорга моддий ёки бошқа жихатдан қарам бўлган шахсга нисбатан (Моддий жихатдан қарамлик жабрланувчининг айбдорга тўғридан-тўғри пул ёки бошқа мулкый жихатдан (болаларнинг ота-онага, ишламаётган ота-онанинг моддий даромадга эга бўлган ўз болаларига қарамлиги в.б.) қарамлигида ифодаланеди.

Бошқа жихатдан қарамлик деганда, хизмат юзасидан ёки бошқача қарамлик (масалан, бошлиққа, ўқитувчига, раҳбарга, васийлик ёки ҳомийлик қилаётган қариндошларга ва бошқалар билан боғлиқлик) тушунилиши лозим;

д) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан (Агар айбдор одам савдоси билан шуғулланиш таркибига кирувчи ҳаракатлардан бирини содир этса ва илгари айнан шу жинояти учун судланмаган бўлса, янги жиноятни содир этган вақтда аввалги содир этган жинояти учун жавобгарликка тортиш муддати ўтмаган бўлса, кўриб чиқиляётган жиноят такроран содир этилган деб топилади.

Агар айбдор одам савдоси билан шуғуллангани учун судланганидан кейин, судланганлик муддати ўтмаган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланмаган бўлса, яна шундай жиноятни содир этса, қилмиш хавфли рецидивист томонидан содир этилган, деб топилади);

е) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб (Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда одам савдоси билан шуғулланиш деганда, икки ёки ундан ортик шахснинг ушбу модданинг 1-қисми диспозициясида кўрсатилган ҳаракатларни биргалашиб бажариши тушунилади);

ж) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда (хизмат мавқеидан фойдаланиш деганда жиноят махсус субъект, яъни мансабдор шахслар, шунингдек, мулк шаклидан қатъий назар корхона, муассаса, ташкилотларда бошқарув вазифаларини бажарувчи, тегишли хизмат ваколатлари берилган шахслар томонидан бажарилиши тушунилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасдан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси олий суди Пленум қарори тўплами. 1991-2006 Т2-Т.: Адолат-2006й-Б.194.

Мазкур қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги шунда намоён бўладики, хизмат ваколатлари, айрим ҳолларда ҳокимият ваколатларига эга бўлган шахслар жиноят содир этилишини осонлаштиради. Бундай ҳолларда қилмишни кўшимча тарзда ЖК 205-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмом қилиш) ёки 206-моддаси (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш) билан квалификация қилиш талаб қилинмайди. Бунда қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “ж” банди билан квалификация қилиниши лозим.);

з) **жабрланувчини Ўзбекистон Республикасининг давлат чегарасидан олиб ўтган ёки уни чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб турган ҳолда**(Биринчи ва иккинчи ҳолатларда шахс Ўзбекистон чегарасидан қонуний ва ноқонуний тарзда олиб ўтилиши мумкин. Масалан, одамларни божхона хизмати ходимларидан товар вагонларида, кема юкхоналарида яшириш орқали ёки қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда (масалан, болаларни олиш-сотишни фарзандликка олиш ниқоби остида) амалга оширилиши мумкин. Белгиланган тартибни бузиб, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ўтганда қилмиш ЖК 223-моддаси (Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш) билан жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Учинчи ҳолатда жабрланувчи чет элда ноқонуний тарзда ушлаб турилади ва унга нисбатан одам савдоси ҳаракатларини қўллаш учун чет элда ушлаб туриб, унинг қайтиб келишига ноқонуний тўсқинлик қилишади<sup>1</sup>);

и) **қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйган, яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда** (Қалбаки ҳужжатдан фойдаланиш, деганда қалбаки ҳужжатни одам савдоси билан шугулланишни осонлаштириш ёки яшириш учун расмий равишда тақдим этиш тушунилади. Агар айбдорнинг ўзи қалбаки ҳужжатни тайёрлаган ёки қалбакилаштирган бўлса, унинг ҳаракатлари ЖК 228-моддаси (Ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) ёки субъект мансабдор шахс бўлса ЖК 209-моддаси

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLMZITO, 2011. –310 Б.

(Мансаб сохтакорлиги) билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилиниши лозим.

Хужжатларни олиб қўйиш ёки яшириш деганда жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳақиқий хужжатларга эгалик қилиш имкониятидан маҳрум қилиш ёки бу хужжатларнинг бошқа шахс эгалигида бўлиши тушунилади. Хужжатларни йўқ қилиб юбориш деганда эса, инсоннинг шахсини аниқлаш имкониятидан маҳрум қилинишига олиб келадиган хужжатларни йўқотиш назарда тутилади. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, мазкур ҳаракат ЖКнинг 227-моддаси (Хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш) билан қўшимча квалификация қилинмайди.);

**к) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) мақсадида содир этилган бўлса, ЖК 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (Трансплантат олиш мақсадида одам савдосини амалга ошириш жабрланувчидан донор сифатида фойдаланишни англатади. Бунда қилмишни мазкур банд билан квалификация қилишда айбдор жабрланувчининг қайсидир аъзо ёки тўқималарини ажратиб олиши шарт эмас. Айбдорда бундай мақсадларнинг борлиги етарли ҳисобланади. Мазкур ҳаракатлар амалга оширилганда эса қилмиш ЖК 97-моддаси 2-қисми “н” банди билан, яъни трансплантат олиш ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида одам ўлдириш сифатида ёки ЖК 104-моддаси билан, яъни қасддан баданга оғир шикаст етказиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим.).**

### **ЖК 135-моддаси 3-қисми:**

а) ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган;

б) жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган;

в) ўта хавfli рецидивист томонидан содир этилган;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутуди.

**ЖК 135-моддаси 3-қисми “а” бандида одам савдоси учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, айбдор жабрланувчининг 18 ёшга етмаганлиги ҳақида олдиндан хабардор бўлганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Агар айбдор жабрланувчининг ёшига нисбатан ҳақиқатан ҳам адашган, иккиланган бўлса, унда**

жабрланувчининг вояга етган деб ҳисоблаш учун етарли асос бўлса, агар бошқа қисм ёки бандларда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлмаса, қилмиш ЖК 135-моддаси 1-қисми билан квалификация қилинади. Ҳали туғилмаган болани олиш-сотилш тўғрисида келишув тузиш ва боланинг онаси ёки бошқа манфаатдор шахсга тегишли пул тақдим қилиш ЖК 25-моддаси 2-қисми ва ЖК 135-моддаси 3-қисми “а” банди билан, яъни ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан одам савдосини амалга оширишга суиқасд қилиш сифатида баҳоланиши лозим.

Агар жабрланувчига нисбатан одам савдоси бўйича ҳаракатларни қўллаш натижасида эҳтиётсизлик оқибатида унинг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар келиб чиққан бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 3-қисми “б” банди билан жавобгарликка тортилади. Бошқа оғир оқибатлар тушунчаси қилмишни баҳоловчи тушунча ҳисобланади. Уларга жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, унинг таносил ёки ОИТС касаллигига чалиниши, унинг руҳий ҳолатининг бузилиши, бошқа оғир касалликка чалиниши ва бошқаларни мисол келтиришимиз мумкин. Агар мазкур оқибатлар жабрланувчига қасддан етказилган бўлса, қилмишлар ЖК Махсус қисмининг тегишли моддаси билан, масалан, қасддан одам ўлдириш (97-модда), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (104-модда) билан квалификация қилиниши лозим.

Агар одам савдоси биргаликда жиноий фаолият олиб бориш мақсадида барқарор фаолият юритувчи гуруҳга бирлашган икки ёки ундан ортиқ шахс томонидан содир этилган бўлса, қилмиш уюшган гуруҳ томонидан содир этилган деб топилади. Бунда одам савдосини амалга оширишда иштирок этган уюшган гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бажарган вазифаларидан қатъий назар ЖК 135-моддаси 3-қисми “г” банди билан жавобгарликка тортилади.

Одам савдосини уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган деб топишда жиноят содир этилишидан уюшган гуруҳ аъзоларининг манфаатдор бўлиши лозимлигини инобатга олиш керак. Бунда жиноятни бажарувчи шахс уюшган гуруҳнинг аъзоси бўлмаслиги ҳам мумкин. Шунга эътибор қаратиш лозимки, айбдорда уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб шахсни эксплуатация қилиш



мақсадида олиш-сотиш, ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишга қасд бўлган бўлиши лозим.<sup>1</sup>

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноят ишлари ҳақидаги жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли қарорининг шахсни муайян ёшга тўлганлигини ҳисоблаш қоидалари белгиланган. Унга кўра, шахсни 18 ёшга тўлган куни бошланган вақтдан эмас, балки шу кун тўлиқ ўтганидан кейин ҳисобланади, яъни кейинги куннинг бошланишидан у 18 ёшга тўлган ҳисобланади. Агар вояга етмаганнинг ёши аниқ бўлмаса, экспертлар хулосаси орқали аниқланади. Агар экспертлар муайян йилни вояга етмаганнинг туғилган куни деб хулоса берсалар, шахснинг туғилган куни ўша йилнинг охиригидан ҳисобланади<sup>2</sup>.

**Бошқа шахсларнифоҳиша сифатида ёки бошқа шаклда шахвоний эксплуатация қилиш** деганда, айбдорнинг ихтиёрига кўра жабрланувчини жинсий алоқаларга киришиш, бирор шахснинг жинсий эҳтиёжларини гайритабиий усулда қондириш ёки бошқа шахсларнинг ихтиёрига кўра шахвоний хусусиятдаги бошқача ҳаракатларни бажаришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш тушунилади.

Одамларни эксплуатация қилиш тушунчаси ЖКнинг 8-бўлимида берилган.

Одамларни эксплуатация қилиш – бошқа шахсларнинг танфурушлигини эксплуатация қилиш ёки жинсий эксплуатациянинг бошқа турлари, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, кулчилик унга ўхшаш анъаналар, эрксиз ҳолат ёки инсон аъзо ёки тўқималарини ажратиб олиш ҳисобланади.

Мажбурий меҳнат ёки хизматлар деганда жабрланувчининг шундай бир ҳолатга солиниши тушуниладики, натижада у айбдорнинг хоҳишига кўра қайсидир меҳнат фаолияти билан шуғулланишга ёки у ёки бу хизматларни кўрсатишга (жинсий хизматлардан ташқари) мажбурлиги тушунилади. Шунини таъкидлаш лозимки, халқаро ҳуқуқда “зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат” тушунчалари мавжуд бўлиб, улар маълум бир шахсни маълум бир

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том: Шайхга қарши жиноятлар.Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар.Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMIZIYO, 2011. –309Б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят- процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир Ғ.А.Абдумажидов.-Т.: ТДЮИ. –Б.878-879.

жазони қўллаш билан қўрқитиб, шахс ўз бажаришга рози бўлмаган ишларни бажаришни талаб қилишни англатади”<sup>1</sup>.

Мажбурий меҳнатнинг нисбатан оғир ва хавфли тури куллик ҳисобланади. Унда “шахс шахс унга нисбатан мулкӣ ҳуқуқлар ёки уларнинг айримлари амалга ошириладиган ҳолатга тушади”<sup>2</sup>.

Одам савдоси жабрланувчилари жинсий эксплуатация қилинганда ЖК 118-моддаси (Номуста тегиш) ёки ЖК 119-моддаси (Жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш) бўйича;

Агар жинсий эксплуатациянинг фоҳишалик билан шуғулланишга мажбурлаш шакли қўлланилган бўлса ЖК 121-моддаси (Аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш) билан;

Агар болалардан тиламчилик қилишда фойдаланилган бўлса ЖК 127-моддаси (Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилиш) билан;

Агар ЖК 135-моддаси 2-қисмида назарда тутилган трансплантат мақсади амалга оширилган бўлса, ЖК 97-моддаси 2-қисми “н” банди (киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (трансплантат) ёки мурданинг қисмларидан фойдаланиш мақсадида) ёки ЖК 104-моддаси (Қасддан баданга оғир шикаст етказиш) билан;

Аmmo агар жинсий эксплуатациянинг порнографияда тасвирга туширишга мажбурлаш ёки жабрланувчини кулликка ўхшаш меҳнат қилиш (хизмат кўрсатиш)га мажбурлаш ҳаракатлари амалга оширилган бўлса, қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш сезиларли даражада мураккаблашади. Ундан ташқари шахсни жавобгарликка тортиш масаласи ҳам юзага келади. Бу амалдаги ЖКда мазкур қилмишлар учун жавобгарликни назарда тутувчи махсус жиноят таркибининг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ. Бундай ҳолатларда айбдор ҳаракатларини қийнаш (агар кўзланган натижаларга эришиш учун айбдор эксплуатация қилинаётган шахсни муттасил равишда дўппослаган ёки ЖК 110-моддасидаги бошқа ҳаракатларни содир этган бўлса); зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш ёки ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (агар жабрланувчи ўзининг эркисиз ҳолатига чидай олмай ўзини ўлдирган

<sup>1</sup> Зўрлаб ёки мажбурлаб ишлатиш тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1930-йил 28-июн; халқаро меҳнат ташкилоти бош Конференциясининг 14-сессиясида қабул қилинган; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997-йил 30-августдаги № 492-1 сонли Қарори билан ратификация қилинган), 2 б.

<sup>2</sup>Куллик тўғрисидаги Конвенция (Женева, 1926-йил 25-сентябрь)

ёки ўлдиришга суиқасд қилганлиги аниқланса) ва бошқа ҳаракатлар учун жавобгарликка тортиш мумкин<sup>1</sup>.

Агар жиноят жабрланувчини ўғирлаш, унга нисбатан жисмоний зўрлик ишлатиш, шундай зўрлик ишлатиш билан қўрвитиш, шунингдек, мажбурлашнинг бошқача шакллари, масалан, шантаж қилиш орқали амалга оширилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди билан жавобгарликка тортилади.

Шахсни ўғирлаш яширин, очикдан-очик, алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали эгаллаб ва ўзининг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойидан айбдор танлаган бошқа жойга кейинчалик олиш-сотиш ёки топшириш мақсадида сақлаш учун келтиришда ифодаланади. Бундай қилмиш ЖК 137-моддаси (одам ўғирлаш) билан жиноятлар жами сифатида квалификация қилинмайди.

Жабрланувчини олиш-сотиш ва бошқа кейинги зўрлик ишлатиш ҳаракатларини қилмишни осонлаштириш мақсадида қўллаш қоида тариқасида жабрланувчини дўппослаш, қийнаш, ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш, енгил ёки ўртача тан жароҳатлари етказиш кўринишида жисмоний таъсир кўрсатишда ифодаланади. Бундай ҳолатларда қилмиш ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди билан тўлиқ камраб олиниб, ЖК Махсус қисмининг бошқа моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Агар жабрланувчи ўлдирилган ёки унга оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса қилмиш тегишли равишда ЖК 97-моддаси ёки 104-моддаси бўйича қўшимча квалификация қилиниши лозим. Агар жабрланувчига зўрлик ишлатиш натижасида эҳтиётсизликдан унинг ўлими келиб чиққан ёки унинг соғлиғига оғир тан жароҳатлари етказилган бўлса, қилмиш жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган одам савдоси сифатида баҳоланиб, ЖК 135-моддаси 2-қисми “б” бани билан квалификация қилиниши лозим.

Шуни инобатга олиш лозимки, жабрланувчининг иродаси ёки қаршилигини синдириш мақсадида уни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга зўрлик билан жалб қилиш мумкин. Бундай ҳолатлар жинсий эксплуатация қилинувчи шахсларни эгаллашда кўп учрайди. Бундай ҳолатда айбдор ҳаракатларини ЖК 135-моддаси 2-қисми “а” банди ва иш ҳолатларига

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳукуки курси. Махсус қиём. 3-Том; Шахса қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

кўра ЖК 127-моддаси 2-қисми (вояга етмаган шахсни гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш) билан ёки ЖК 274-моддаси (гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга жалб этиш) бўйича жиноятлар жами бўйича квалификация қилиниши лозим.

Одам савдосида кўрқитиш жабрланувчига агар у айбдорнинг талабларини бажаришдан бўйин товлаганда унга нисбатан ҳар қандай жисмоний зўрлик ишлатиш, яъни дўппослаш, тан жароҳатлари етказиш, ҳаётдан маҳрум қилиш, овқатсиз ёки сувсиз қолдириш мақсади борлигини айтиш орқали руҳий таъсир кўрсатишда ифодаланади. Бунда кўрқитиш ҳақиқий бўлиши керак. Лекин амалга ошиши шарт эмас ҳамда бу қилмиш ЖК 112-моддаси (Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш) билан қўшимча квалификация қилинишини талаб қилмайди. Шантаж қилиш ёки мажбурлашнинг бошқача шакллари жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу талабларини бажаришга мажбур қилувчи ҳолатларни яратиш, жабрланувчини унга боғлиқ бўлмаган ҳолда айбдор талабларини бажаришдан бўйин товлай олмайдиган ҳолатга туширишда ифодаланади.

Бундай ҳолатни яратиш жабрланувчининг яқин инсонларига зўрлик ишлатиш, мулкни нобуд қилиш ёки унга шикаст етказиш, жабрланувчи сир сақлашни хоҳлаган, унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган маълумотларни ошкор қилиш (масалан, фарзандликка олинганлик сирини ошкор қилиш) билан кўрқитишда ифодаланади. Агар айбдор мазкур жиноятни ҳеч қандай тўсқинликсиз амалга ошириш мақсадида жабрланувчининг гиёҳвандликка бўлган мойиллигидан фойдаланса (масалан, жабрланувчи айбдорнинг унга гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар топиб бериши эвазига унинг барча талабларини бажарса) айбдор ҳаракатларини ЖК 273-моддаси (Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонуга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш) билан қўшимча квалификация қилиниши лозим<sup>1</sup>.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар, ўз хусусиятига кўра, латент характерга эга. Чунки одам савдоси қурбонлари уларга нисбатан жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказилганлиги ҳақидаги

<sup>1</sup>Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.:ILMZIYO, 2011. –310 Б.

маълумотлар ошкор бўлиши ёки ўзининг ноқонуний хорижга чиққанлиги фош бўлишидан чўчиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этмайдилар. Бундай ҳолат одам савдоси билан шуғулланган шахсларнинг жавобгарликдан қутилиб қолишига ҳамда жинойий фаолиятини давом эттиришига олиб келади<sup>1</sup>.

Одам савдоси оқибатлари деганда, энг аввало қўйидагиларни тушунмоқ лозим:

- Одам савдоси инсоннинг табиий ҳуқуқлари бўлмиш яшаш ваозодликка бўлган ҳуқуқларини бузади;

- Одам савдоси ундан жабрланганларнинг саломатлигига ва муайян мамлакатдаги умумий соғлиқни сақлаш тизимига жиддий хавф туғдиради;

- Одам савдоси жамиятда бошқа шахсларга нисбатан тазйиқ, зўрлик ишлатишга асосланган ижтимоий хулқ-атворнинг юзага келишига сабаб бўлади;

- Одам савдосидан келадиган даромад бошқа турдаги жиноятчиликнинг ривожланишида манба бўлиб хизмат қилади;

- Одам савдоси мамлакатнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар олдидаги обрўйига путур етказиш билан бирга ҳокимият эрозиясига олиб келади.

Одам савдоси жиноятининг тобора ўсиб бораётганлиги бир қатор омиллар билан изоҳланадики, булар қаторига савдо-иқтисодий алоқаларнинг глобаллашуви, аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятининг ёмонлашуви, мазкур жиноят билан боғлиқ “бизнес”нинг сердаромадлиги, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги сусткашлиги ва айрим ҳолларда мансабдор шахсларнинг жиноятчиларга ҳамтовоқ бўлиш ҳолларини<sup>2</sup> киритиш мумкин.

Мазкур жиноятнинг яна бир хавfli жихати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Малайзия, Баҳрайн, Таиланд, Хитой, Исроил, ҳатто, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун қулай йўллар мавжуд. Жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб

<sup>1</sup> Кодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурн», № 10, 2008, 3-6.

<sup>2</sup> Проблемы опасности, которые создает организованная транснациональная преступность в различных регионах мира. Справочный документ. Всемирная конференция на уровне министров по организованной транснациональной преступности. Неаполь, 21-23 ноября 1994 г. С.26.

юборилган ва сотиб олинган инсонларни шахвоний хизматлар кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, қишлоқ хўжалигида текинга ишлатишга мажбур қилишни мақсад қилиб кўяди.<sup>1</sup>

Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишнинг яна бир ижтимоий хавfli томони шундаки, бу жиноий ҳаракатлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг балки халқаро жиноий уюшмаларнинг фаоллигини оширади. Одам савдоси жиноятининг изчил, қисқа вақт ичида кичик ва тарқоқ ҳолдаги жиноий гуруҳлардан ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади ҳамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқ<sup>2</sup> деб таъкидлайди Россиялик ҳуқуқшунос Н.Г. Хомяков.

Одам савдоси жиноятнинг яна бир ижтимоий хавfli томони шундаки, бу жиноий ҳаракатлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг, балки халқаро жиноий уюшмаларнинг фаоллигини оширади. Одам савдоси жиноятининг изчил қисқа вақт ичида кичик ва тарқоқ ҳолдаги жиноий гуруҳларда ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади ҳамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятчиликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқдир<sup>3</sup>.

Мазкур жиноятнинг яна бир хавfli жиҳати шундаки, ҳозирги даврда бутун дунёда, жумладан Бирлашган Араб Амирликлари, Туркия, Малайзия, Баҳрайн, Таиланд, Хитой, Исроил, ҳатто, океан ортидаги давлатларда ҳам одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий уюшмалар ёки жиноий гуруҳларнинг жиноий фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай йўллар мавжуд. Жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ўз олдига алдаш йўли билан ёлланган, кейинчалик сотиб юборилган ва сотиб олинган инсонларни шахвоний хизматлар кўрсатишда, оғир ишлаб чиқаришларда, қишлоқ хўжалигида текинга ишлашга мажбур қилишни мақсад қилиб кўяди<sup>4</sup>.

Одам савдоси ва одамларни эксплуатация қилиш учун жалб қилишнинг яна бир ижтимоий хавfli томони шундаки, бу жиноий

<sup>1</sup> Овчинский В.С. Основы международного сотрудничества в борьбе с организованной преступностью. Следователь. №9. 1999. -С.44-47.

<sup>2</sup>Хомяков Н.Г. Противодействие торговле людьми и преступлениям в сфере нравственности подразделениями уголовного розыска МВД России// Предупреждение траффика: законотворческий и правовой аспекты. Российский и международный опыт: Тез.докл.-Челяб

<sup>3</sup> Хомяков Н.Г. Противодействие торговле людьми и преступлениям в сфере нравственности подразделениями уголовного розыска МВД России// Предупреждение траффика: законотворческий и правовой аспекты.Российский и международный опыт: Тез.докл.-Челябинск., 2006.-26-27 с

<sup>4</sup>Овчинский В.С. Основы международного сотрудничества в борьбе с организованной преступностью. Следователь. №9. 1999,-С. 44-47.

ҳаракатлар нафақат бир давлат ҳудудидаги жиноий гуруҳларнинг, балки халқаро жиноий уюшмаларнинг фаоллигини оширади. Одам савдоси жиноятининг изчил, қисқа вақт ичида кичик ва тарқоқ ҳолдаги жиноий гуруҳлардан ўта жипслашган халқаро жиноий уюшма ва жиноий гуруҳлар ихтиёрига ўтади ҳамда тармоққа айланган тарзда халқаро уюшган жиноятликнинг ўсиши билан ҳам боғлиқ<sup>1</sup>.

Одамлар савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бундай жиноятни содир этган шахслар қўлга тушгунларига қадар ўз ҳаракатларининг оқибатини, жиноятга жазо муқаррарлигини тушуниб етмаётирлар. Қолаверса, бошқа жиноятлар каби одам савдосининг ҳам замонга мослашуви кузатилмоқда. Чунончи, муқаддам бир-бирига мутлақо бегона шахслар жиноятчи ва жабрланувчи бўлсалар, эндиликда жиноятчилар томонидан ўз қариндош-уруғлари, маҳалладошлари, таниш-билишларини сотиб юбориш ҳоллари кўпроқ учрамоқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, одам савдосига қарши курашиш аввало мазкур соҳада ҳуқуқий асоснинг яратилиши ва қонун ҳужжатларининг амал қилиш механизмнинг самарали фаолият юритишини талаб қилади. Чунки одам савдосига қарши курашнинг миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

---

<sup>1</sup>Хомяков Н.Г. Противодействие торговле людьми и преступлениям в сфере нравственности подразделениями уголовного розыска МВД России// Предупреждение трафика: законотворческий и правовой аспекты. Российский и международный опыт: Тез.докл.-Челябинск, 2006.-26-27с.

## Одам савдоси жиноятининг криминологик жиҳатлари

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб одамлардан ноқонуний фойдаланишга, уларнинг миграциясига ва савдосига қарши кураш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ кенг кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Ҳозирда дунёдаги барча мамлакатлар турли кўринишдаги бу иллатдан жабр кўрмоқда. Шу сабабли одам савдоси жиноятининг ҳар қандай кўриниши ва турлари трансмиллий, яъни чегара билмас эканлиги сабабли, унга қарши халқаро миқёсда олиб борилаётган кураш қизгин тус олган бўлиб, бу ҳар бир давлатнинг халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ва конвенцияларга қўшилишини тақозо этади<sup>1</sup>.

Жумладан, бу соҳани тартибга соладиган бир қанча халқаро ҳуқуқий нормалар Парламент томонидан ратификация қилинди. Чунки одам савдосига қарши курашишнинг қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда самарали восита ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг 1949 йил 2 декабрдаги 317(IV)-сон резолюцияси билан маъқулланган «Одамлар савдосига ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабозликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция ҳамда 2001 йил 28 июнда БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йил 15 ноябрдаги 55/25-сон резолюцияси билан қабул қилинган «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида»ги Конвенция ратификация қилинди.

Бугун бутун дунё ҳамжамятида бўлганидек, Ўзбекистон Республикасида ҳам “жонли товар” билан савдо қилувчи халқаро жиноий тизим муаммоси долзарб бўлиб турибди. Бу муаммоанинг доираси унинг байналминаллиги, латентлиги ва жиноий уюшмаларга катта даромад келтириши билан характерланади. Одамлар савдоси қурол-яроғ ва гиёҳванд моддалар савдосидан кейинги ўринда турадиган даромад келтирувчи ноқонуний фаолият туридир. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат сифатида инсоннинг унинг кадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият, деб билади ҳамда уларнинг амалга оширилишини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам Ўзбе-

<sup>1</sup> И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тартиқнинг кафолатлари. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –90-б.



кистон Республикасида одамлар савдосига қарши кураш – давлат фаолиятини асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки, одамлар савдоси муаммоаси давлатнинг миллий хавфсизлигига, барқарор ривожланишига таҳдид солади, иқтисодиёт асосларини издан чиқаради, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига жиддий путур етказди. Шунинг учун одамлар савдосини олдини олиш – умумий жиноятчиликка қарши курашнинг актуал муаммоларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Одамлар савдосига қарши кураш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш” номли 135-моддаси шу йилнинг август ойида “Одам савдоси” кўринишида янги таҳрирда баён қилинди. Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик ҳизмати тизимида ўзининг ҳудудий тузилмаларига эга бўлган “Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш бўлими” ташкил этилди.

Одам савдосига қарши кураш, бундай жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инobatга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида одам савдосига қарши курашиш бўйича республика Идоралараро комиссия тузилди<sup>1</sup>.

2008 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида одамлар савдосини олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 135-моддаси янги таҳрирда, яъни “одам савдоси” кўринишида ўзгартилди, мазкур кодекснинг “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” – деб номланган саккизинчи бўлимига “одамлардан фойдаланиш” атамаси билан тўлдирилди.

Ушбу қонун қабул қилинишига тўлиқ асослар мавжуд бўлиб, қонуннинг энг асосий мақсади жамиятда мавжуд бўлган одам савдоси ва одамлардан фойдаланиш учун ёллаш каби жирканч иллатга қарши курашишга, бу соҳадаги трансмиллий жиноятларининг олдини олишга, одам савдосидан жабрланганларни нормал ҳаёт тарзига қайтаришга қаратилган ва амалиёт ходимларига қонунни тўғри қўллашда ёрдам беради.

<sup>1</sup> Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 5-6.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги “Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил этиш тўғрисида”ги 240-сонли қарорининг 2-бандига асосан қуйидагилар одам савдоси жабрдидаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказининг асосий вазибалари ва функциялари этиб белгиланди:

одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озиқ-овқат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилиш тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига қўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга қўмаклашиш.

Одам савдосига қарши кураш - одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни ўз ичига олади ва бу муаммонинг ечими комплекс ёндошувни талаб қилади.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашиб бориши, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ билан мувофиқлашиб бориши билан қонун ҳужжатларининг такомиллашаётганлиги бевосита одамлар савдоси муаммосига қарши курашда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, муаммога қарши курашнинг ҳуқуқий асоси бўлмай туриб уни бутунлай йўқ қилиб бўлмайди. Шу йўлда “Одам савдосига қарши кураш тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниб, нормалари бу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг жаҳон стандартларига мувофиқ бўлиб, Ўзбекистон ўзи қўшилган халқаро шартномалар ва конвенцияларга содиқ эканидан, зиммага олган мажбуриятларини қатъият билан адо этаётганидан далолат беради.

Одамлар савдоси трансмиллий уюшган жиноятчилиги жуда тез ўсиб бораётган ва ниҳоятда сердаромад фаолият тури бўлиб қолмоқда. Агар рақамларга кўз юритадиган бўлсак, статистиканинг гувоҳлик беришича, охириги 10 йил ичида Ғарбий Европaga 3 000 000 аёл фоҳишалikka сотилган, 1990 йилдан бошлаб эса Таиланд фоҳиша бозорига 80 000 аёллар ва болалар Мьянма, Камбоджа, Лаос, Хитойдан келтирилиб сотилган<sup>1</sup>.

Афғон аёллари Покистонга ўз оғирликларининг ҳар фунтига 600 рупиядан (тахминан 2,5 лат) фоҳишалikka сотиладилар. Осиё, Латин Америкаси ва Шарқий Европадан контрабанда йўли орқали АҚШга келтирилган 50000 аёллар ва болаларнинг ҳар бири 12-18 минг АҚШ доллар атрофида сотилади<sup>2</sup>.

Халқаро аёллар савдоси ривожланигига сабаб бўлаётган асосий омиллар қаторига: жаҳон масштабида аёллар ва эркакаларнинг структуравий нотенглиги, иқтисодиётни глобаллаштириш жараёни, етказиб берувчи мамлакатларнинг оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволи, жиноий уюшмаларнинг фаоллиги, секс-индустриянинг легаллаштирилиши ҳамда таклифга нисбатан талаб миқдорининг баландлиги, аҳоли айрим қатламларининг маънавий инқирозини киритиш мумкин. Савдо ва фоҳишалик – жинсга боғлиқ бўлган тизимлар ҳисобланади. Эркакалар талабни, аёллар эса таклифни вужудга келтирадилар. Олиб чиқиб кетилган ва фоҳишалikka жалб қилинган аёлларнинг асосий истеъмолчиси бўлиб, улардан эрмак, жинсий қониқиш ва зўрлик ҳаркатларини содир этиш учун фойдаланувчи эркакалар ҳисобланади.

Чет элга асосан 21-25 ёшдаги, кўпчилиги мустақил ҳаёт кечираётган аёллар олиб чиқиб кетилади. Буларнинг асосий қисмини иш соҳасида муваффақиятга эриша олмаган, оиласи бузилган аёллар ташкил этади. Улар жинсий ҳаётни эрта бошлаган ва оиладан ажралган бўладилар. Жиноий уюшмаларнинг фаоллиги аёллар савдосини ривожлантирувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Юқорида келтирилган омиллар аёллар савдосининг сабаблари бўлиб эмас, балки уни осонлаштирувчи омил бўлиб саналади.

Россия Федерациясининг Тула вилояти ИИБ ходимлари томонидан наркотик воситаларни ноқонуний ўтказиш билан шугулланиб келган жиноятчининг уйидан гиёҳвандлик воситасини

<sup>1</sup> Ерохина Л.Д. Масштабы торговли женщинами и программы борьбы с нею в России // Материалы конференции по проблеме трафика. Владивосток. 2001, стр. 3.

<sup>2</sup> Рамий сайт [www.humantrafficking.com](http://www.humantrafficking.com) маълумотлари асосида ёзилди.

топиш мақсадида тинтув ўтказилганда, ҳаммомда яшаб юрган Россия фуқароси бўлган эркак ўзини уларга хизмат қилувчи кул деб таништирган.

Терговда маълум бўлишича, ўн йил илгари номаълум шахс уни яхши ҳақ тўлайди, деб шу хонадонга олиб келган. Бу ерда яшовчи лўлилар унга: «Сен бизга кулсан, бизга итоат қилишинг керак» деб паспортини ёқиб, ёзда хашақхонада, қишда ҳаммомда ҳеч нарса тўшамасдан яшашга мажбур қилишган, қочмоқчи бўлганида жазолаб, қаттиқ дўппослаб, суягини синишига сабаб бўлган оғир тан жароҳати етказганлар. Бу инсонни кулга айлантирилганидан бошқа шаҳарда яшовчи опаси ва 18 ёшга тўлган қизи беҳабар бўлиб, дом-дараксиз йўқолган деб юрган<sup>1</sup>.

Бундай жиноятларни олдини олишда уларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳам ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Одам савдосининг келиб чиқиш сабаблари ҳар хил бўлиб, турли мамлакатларда турличадир.

Бошқа мамлакатлардан яхши ҳаёт излаган инсонлар кўпинча жиноятчиларнинг тузоғига осон иланадилар ва жиноятчилар уларнинг ночор аҳволдан фойдаланиб бу инсонларни мажбурлайдилар.

Иқтисодий қийинчиликлар, низлоар, жиноятчилик ва жамиятдаги зўравонликлар, табиий офатлар ва бошқа шунга ўхшаш слбий омиллар миллионлаб инсонларни оғир аҳволга солиб кўяди ҳамда уларни куллик ва турли кўринишдаги мажбурлашлар олдида заиф қилиб кўяди. Кўп жойларда қиз болалар ўғил болаларга нисбатан кам қадрланади, уларнинг оилавий мажбуриятларни бажариш, хусусан, ота-онага, ука ва сингилларга қараш эвазига билим олишдан воз кечишлари одатий ҳолдир. Мана шундай нотенглик оқибатида кўпроқ аёллар ва қизлар одам савдосининг жабрланувчиларига айланадилар.

Одам савдосининг бошқа омиллари сифатида чегараларнинг лозим даражада кўриқланмаслиги, мансабдор шахсларнинг порахўрлиги, халқаро уюшган жиний тармоқ ёки гуруҳларнинг иштироки, чегаралар назоратини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва иммиграция ташкилотлари ходимларининг имконияти чекланганлиги ёки уларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармасликлари, тегишли қонунларнинг ёки етарли сиёсий кучнинг мавжуд эмаслиги,

<sup>1</sup> Ражабова М. Сенат ва суд-ҳуқуқ ислохотлари. – Т.: Адолат, 2006, 208-209-б.

шунингдек, мавжуд конунчиликни ижро этиш тегишли ваколатларни амалга оширишга бўлган интилишнинг йўқлигини кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Шу ўринда одам савдоси жиноятининг олдини олиш борасида хусусан қуйидаги ишларни амалга ошириш лозимлигини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров одамларнинг яширин трафиги билан шуғулланаётган халқаро жиноий тузилмаларга алоқадор гуруҳлар, уларнинг жиноий каналларини аниқлаш учун бундай мақсадда фуқаролар олиб ўтилаётган (транзит) ҳамда эксплуатация қилинаётган давлатнинг тегишли хизматлари билан тезкор ахборот алмашувини йўлга қўйиш ва биргаликда тергов-тезкор ҳаракатларини амалга ошириш лозимдир<sup>2</sup>, деган асосли фикрларни билдиради.

Н.Қурбоновнинг фикрича, биринчидан, жиноят кўп содир этилаётган туман ва шаҳарларда жиноят жабрланувчиларини, шунингдек, фоҳишалик қилиш ёки шаҳвоний мақсадларда ишлаш учун бошқа давлатга кетиш истагидаги аёлларни аниқлаш, улар билан тушунтириш ишларини олиб бориш лозим, иккинчидан, мазкур тоифадаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини ошириш, бу учун чет давлатларда фоҳишабозлик, қўшмачилик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш ва ҳар бир тамомланган жиноят иши бўйича жиноятнинг келиб чиқишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўрганиб, таҳлил қилиб бориш, учинчидан, одам савдоси жабрланувчилари бўлган аёллар, эркаклар, вояга етмаганлар ва болаларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида маълумотлар йиғиш, шунингдек одамларни ёллаш хусусияти ва кўлами, одам савдосининг олдини олиш бўйича самарали ва аниқ мақсадга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш мақсадида уюшган жиноий гуруҳлар томонидан фойдаланадиган одамлар савдоси ва эксплуатацияси механизми каби мавзулар бўйича таҳлилий фаолиятни такомиллаштириш чораларини амалга ошириш, тўртинчидан, ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида айбланувчилар ва жабрланувчилар фаолият кўрсатган меҳнат жамоаларида, улар яшаган маҳаллаларда профилактика йўналишида йиғилганлар ўтказиш ва фуқароларга содир этилган жиноятларнинг

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.73-74.

<sup>2</sup> Қодиров.Р. Трансмиллий жиноятчилик- инсониятга таҳдид. Одам савдоси-умумжаҳон миқёсидаги муаммо. Инсон ва қонун.№46-47.(606). 2008 йил 21 октябрь.

тафсилотларини узлуксиз етказиб туриш, бешинчидан, одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш мақсадида ҳар бир вилоятда ихтисослашган реабилитация марказлар ташкил қилиш, олтинчидан, чет давлатга туристик фирмалар орқали чиқиб кетаётган шахслар у ерларда қолиб кетмаслигини олдини олиш мақсадида уларни чет давлатларга юборган фирмалардан фуқаролар яшаш манзилига қайтиб келганлиги тўғрисида ҳисоботларини олишни тартибيني киритиш ва чет давлатга ишга жойлашиш учун чиқиш тартибларини тушунтириш, четга элларга бориб ишлашни хоҳлаётган шахслар, айниқса аёлларнинг ёши, оилавий шароити, чиқиш сабабларини ўрганиш ва уларнинг ота-оналаридан ёзма розилик олиш, саккизинчидан, чет давлатлардан чиқариб юборилган аёлларнинг фамилияси ўзгартирилганлиги сабабларини чуқур ўрганиш ва қайта чет элга чиқиш визасини расмийлаштиришда уларнинг турар жойидан, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинидан ва ички ишлар идоралари профилактика инспекторларидан тавсияномалар талаб қилиш механизмини яратиш, тўққизинчидан, жиноят жабрланувчиларини соғлом ҳаётга қайтариш учун маънавий-маърифий тадбирларни ишлаб чиқиш ва жиноят жабрланувчилари иш билан таъминланишини маҳалла жамоатчилиги назорати остига олиш, ўнинчидан, ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигининг рухсатномаси билан меҳнат контракти асосида чет элга кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ишга жойлашиш мамлакатида Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида ҳисобда туриши чораларини янада такомиллаштириш ва назорат қилиб бориш, ўн биричидан, жиноят жабрланувчиларига етказилган маънавий ва моддий зарарни айбланувчилардан ундириб бериш, ва ниҳоят кенг оммани жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг оқибатларидан ҳақида матбуотда, телевидение ва радио орқали хабардор қилиб бориш амалиётини янада такомиллаштириш, вояга етмаганлар жиноят жабрланувчиси бўлишини олдини олиш мақсадида мактаб ва лицейларда ўқув курслари ташкил этиш<sup>1</sup>.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича С.Мадатовнинг муҳим аҳамият касб этган фикр ва мулоҳазаларини келтириш мақсадга мувофиқ. Жумладан, ҳалқимизда билим барча кулфатларнинг қалқонидир деган гап бор. Буюкларнинг таъбирича, илмни фурсат

<sup>1</sup>Қурбонов Н. Одам савдоси жиноятига қарши курашиш муаммолари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ наشريёти, 2009. –Б.86-88.

бўлганда ўрганавриш керак, чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмайди. Шу маънода бугун давлатимиз томонидан ёшларимизнинг замонавий таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Фарзандларимиз комил инсон бўлиб вояга етишлари, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлишлари учун ота-оналар, маҳалла фуқаролар йиғини ва маҳаллий ҳокимият органларидан озгина масъулият талаб этилади холос. Шундагина йигит-қизларимиз турли хил муаммоларга дуч келишмайди ва жиноят кўчасига кириб қолишмайди.

Юқорида таъкидланганидек, улар ака-ука, опа-сингилларни чет элдаги ҳамтовокларига сотиш, уларнинг аҳволи не кечишини била туриб, бегоналарнинг чангалига қўшқўллаб топшириш эвазига чўнтаklarини қаппайтиришгани афсусланарлидир. Бу - тангани би томони, иккинчи томони – одамфурушлар ҳам юртдошларимиз. Бепарволигимиз, лоқайдлигимиз туфайли улар одамгарчиликдан чиқиб бораётганини сезмаганмиз<sup>1</sup>.

Россиялик ҳуқуқшунос Е.В Тюрюканованинг ушбу турдаги жиноятларнинг олдини олиш учун одам савдоси ва аёлларни таҳқирловчи тасвир нусхаларини кўпайтиришга қарши қаратилган оммавий ахборт воситаларини “таснифлаш” технологияларини ишлаб чиқиш ҳамда ННТ ва ОАВларнинг биргаликдаги лойиҳаларини яратиш ва амалга ошириш зарур<sup>2</sup> деган фикрни билдиради.

Сўнги йилларда уюшган жиноий гуруҳларнинг муҳожирларни бошқа давлатларга ноқонуний олиб кириш ҳамда одам савдоси билан шуғулланиш каби жиноятлардаги улуши кескин равишда ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби сифатида бандай жиноятлардан келаб тушаётган катта даромадни кўрсатиш мумкин. Одам савдоси билан, шунингдек майда жиноий гуруҳлар ҳам шуғулланишлари мумкин<sup>3</sup>.

Одам савдосига қарши курашнинг устувор профилактик чора-тадбирлари сирасига қуйидагилар киради:

1. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳорний давлатларда ишга жойлаштириш билан шуғулланувчи юридик шахслар фаолияти устидан назоратни кучайтириш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги 505-сонли “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг

<sup>1</sup> Мадатов С. Инсоний туйғуни йўқотганлар. Ҳуқуқ ва бурч. 03(87)2013., -Б.47.

<sup>2</sup> Тюрюканова Е.В. Женская трудовая миграция и торговля людьми из России в контексте мирового миграционного режима.// Юрист. М.: 2003.-№3.- С. 50.

<sup>3</sup> Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.77.

меҳнат фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоралари ҳақида”ги қарорига мувофиқ меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича агентлик кейинги жойларда – Агентлик) зиммасига юклатилган. Агентлик Ўзбекистон ҳукумати томонидан зиммасига юклатилган вазибалар доирасида:

- меҳнат миграцияси соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш ва уларни амалга татиқ этишда иштирок қилади;

- чет давлатларнинг тегишли ваколатли органлари билан Ўзбекистон фуқароларининг чет элда ишлаши учун квоталар ажратиш ва ишлашларига рухсат олишда ҳамкорликни амалга оширади<sup>1</sup>;

- чет эллик ишчи кучини ёллаётган хорижий юридик шахслар билан ҳамкорликликни кучайтиради ва бошқа ваколатларни амалга оширади.

2. Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланишини ошириш. Хусусан, хорижга чиқиш ҳужжатларини тайёрлашда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органлари мансабдор шахслари хорижга чикувчилар ўртасида ушбу қонунбузарликларни олдини олиш учун тушунтириш ишларини олиб борадилар. Бундай ишлар доирасида аҳоли одам савдоси ва ташриф буюрган давлатларида фоҳишабозлик ва бошқа ғайриқонуний ҳаракатлар билан шугулланмаслик ҳақида огоҳлантирилади.

Бундан ташқари, аҳолининг мавзуга оид ахборотлар билан таъминланишида, куллиқнинг замонавий кўринишига жалб қилинишининг олдини олишда аҳоли ўртасида кенг кўламли ишларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат институтлари муҳим ўрин тутати. Ушбу фаолият доирасида семинарлар ўтказилиб, унда аҳолининг иш билан бандлиги ҳолати ва хорижда қонуний ишга жойлаштириш ҳақида масалалар кўтарилади, шунингдек, одам савдоси билан шугулланувчилар томонидан ўзларини потенциал қурбонларини қидиришда кўп ишлатиладиган, ҳар бир фуқаро

<sup>1</sup> Мас, Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасидаги икки томонлама шартномага мувофиқ 1995-2007 йилларда Агентлик орқали 154000 нафар ҳамюртларимиз Кореяда ишга жойлаштирилган. Қаранг, Дониёров С. Современное рабство / Народное слово. –2009. №29. –С.2.



Ўзининг хавфсизлиги нуқтаи назаридан унга дуч келганида сергак тортиши лозим бўлган усуллар муҳокама қилинади. Чунки одам савдоси қурбони бўлган кўпчилик шахслар, ҳатто уларни Ўз давлати чегарасидан ташқарида қандай хавф-хатар қутаётганлигини билмайдилар ҳам.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ахборот билан таъминланиши даражасини оширишда оммавий ахборот воситалари ҳам муҳим ўрин тутди. Хусусан, турли ОАВларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва соғлиқни сақлаш органларининг матбуот хизматлари билан ҳамкорликда ғайриқонуний миграциянинг хавfli оқибатлари, ОИТС ва тери-таносил касаликларини юктириш хавфи, жинсий ҳаракатлар қилиш билан боғлиқ ишлар ва бошқаларга оид маълумотлар нашр ва намойиш қилинади.

ЖКнинг 135-моддаси бўйича қўзғатилган жиноят ишларини тергов қилишнинг натижалари юзасидан фаол профилактика ишлари республиканинг тергов органлари томонидан амалга оширилади: уни содир қилишга кўмак берган жиноятни содир этиш шарт-шароити, сабаби ва ҳолати, олдини олиш мақсадида жабрланувчи ва айбланувчининг иш жойи ва яшаш жойидаги аҳоли хабардор қилинади.

3. Ғайриқонуний миграцияга қарши кураш билан шуғулланувчи юқори профессионал тайёргарликка эга бўлган ходимлар ёрдамида миграцион назоратни кучайтириш, шунингдек, қонунга зид миграция ҳақидаги маълумотлар алмашинувини амалга ошириш мақсадида ушбу органларнинг хорижий давлатларнинг тегишли органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш лозим бўлади.

4. Одам савдоси билан шуғулланувчи жинсий гуруҳларга Ўзбекистон Республикаси чегараларини тегишли чегара ва божхона назоратисиз кесиб ўтишга имкон берувчи барча хуфёна йўлларни бартараф этиш.

5. Ёшларнинг ахлоқий тарбияси даражасини ошириш (одам савдоси билан шуғулланувчилар олдида заиф, яъни ишонувчан бўлган фуқароларнинг айни шу тоифаси таваккал қилувчиларнинг биринчи гуруҳига киради), мустақил фикрловчи ва ҳаётга комил ишонч билан қаровчи ёшларни тарбиялаш зарур.

Шунга кўра:

- фоҳишабозлик, порнография, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки истеъмоли ва бошқа шу каби иллатларга қарши кураш бўйича профилактик тадбирлар ўтказиш;

- маънавий-маърифий тадбирлар уюштириш (масалан, расмлар кўргазмаси ёки театрлаштирилган кўринишлар);

- спорт тўғараклари ишларини ташкиллаштириш, ўқув юртларида спорт мусобақаларини ўтказиш ва бошқалар орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш имконияти яратилади.

Бугунги кунда айни йўналишдаги кенг кўламли ишларни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар йжтимоий ҳаракати, “Оила” илмий-амалий маркази ва оммавий ахборот воситалари амалга оширмақдалар.

6. Айниқса, кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилиши лозим:

- ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳарбий хизматни ўтаганларни жойларда иш билан таъминлаш ва олий таълим муассасаларида ўқишини таъминлашга кўмаклашиш масъулиятини ошириш чоралари ишлаб чиқилди;

- корхона ва ташкилотларнинг талабларига кўра, ёшларнинг малака ва кўникмаларини ошириш бўйича ўқув курслари ва қайта тайёрлаш курслари ташкил қилинди;

- кичик корхона ва микро фирмаларни ривожлантириш, мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва молиявий ахволини яхшилаш, янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш орқали 600 минг (улардан 220 таси кичик шаҳарчалар ва қишлоқ жойларида) янги иш жойлари яратилди.

Аҳоли бандлиги даражасини кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан алоҳида чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва у ҳозирда амалга оширилмоқда<sup>1</sup>.

7. Оиладаги келишмовчиликлар ва жанжаллар, кўп ҳолларда аёлларнинг нафақат уйдан кетиб қолиши, балки, давлатдан чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида оилада аёлнинг ўрни, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳурмат қилиниши, инсонни зўрлаш ҳолатларига йўл қўймаслик лозимлиги масалаларига бағишлаб семинарлар, мунозара клублари, давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Зеро, кўплаб ҳолларда оиладаги келишмовчиликларнинг олдини олиш муаммоси жамиятнинг муносабати билан чамбарчас боғлиқдир.

<sup>1</sup> Рашитжон Кадыров. // Народное слово. 2009. -№48. (4680).

8. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чет давлатлар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа органлари билан одам савдоси билан боглиқ жиноятларни очиш, тергов қилиш усуллари ва одам савдоси билан шугулланаётган жисмоний ва юридик шахслар тўғрисида ахборотлар алмашиш механизмини такомиллаштириши.

9. Ўзбекистон Республикаси давлат органларининг одам савдосиги қарши кураш соҳасидаги ички ҳамкорлиги механизмини такомиллаштириш.

10. Одам савдосига қарши курашга оид миллий қонунлар такомиллаштирилиши лозим. Хусусан, ҳозирда ушбу тадбирлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонунига шарҳлар ва ушбу соҳага оид норматив-ҳуқуқий актлар тўплами тайёрланмоқда.

11. Одам савдоси муаммосига бағишланган ўқув қўлланмалари, бадний ва ҳужжатли фильмлар тайёрлаш, театрлаштирилган сахна кўринишларини ташкил қилиш керак. Бу чоралар нафақат инсонларни халқаро муаммо тўғрисида ахборотга эга бўлиши, балки уларнинг бу муаммоларга қарши курашишда яқинлашувига ҳам ёрдам беради.

12. Олий ўқув юртлари, коллежлар, лицейлар ва мактабларда доимий равишда одам савдосига қарши курашга бағишланган факультатив дарслар ўтказишни йўлга қўйиш зарур<sup>1</sup>.

Шунингдек, Ички ишлар идораларининг хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлимларини ва бошқа хизматлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, депортация қилинган шахслар ҳақидаги маълумотларнинг алмашинуви ҳамда бундай шахслар билан олиб бориладиган профилактика тадбирлари бу ишда ўз самарасини беради.

Айниқса, одамларнинг яширин траффики билан шугулланаётган халқаро жинойий тузилмаларга алоқадор гуруҳлар, уларнинг жинойий каналларининг аниқлаш учун бундай мақсадда фуқаролар олиб ўтилаётган(транзит) ҳамда эксплуатация қилинаётган давлатнинг тегишли хизматлари билан тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш, биргаликда тергов-тезкор ҳаракатларини ўтказиш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ишдаги яна бир муҳим омил – доимий яшаш жойидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахсларнинг тақдири, уларнинг ҳозирда

<sup>1</sup>Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮИ наприётти, 2009. –Б. 39-45.

қарда ва нима иш билан бандлигини аниқлашга қаратилган тадбирларни жадаллаштириш зарур.

Шу нуқтаи назардан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари барпо этиш ва шу каби бошқа масалаларга алоҳида эътибор қаратиб, бу борада қабул қилинган Президент фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозим<sup>1</sup>.

Одамлар савосини олдини олиш юзасидан давлатлар қуйидаги вазифаларни амалга ошириши лозим.

**Биринчидан**, одам савдосининг олдини олиш ва у билан курашиш, одамлар, айниқса, аёллар ва болаларни ҳимоя қилиш, иштирокчи-давлатлар одамлар савдосининг олдини олиш ва у билан курашишга қаратилган тадқиқотларни, ахборот компанияларини оммавий ахборот воситаларида ўтказиш, шунингдек ижтимоий-иқтисодий ташаббусларни амалга ошириш каби чора-тадбирларни кўришлари лозим.

**Иккинчидан**, давлатлар ушбу ҳаракатларни амалга оширишда ишлаб чиқиладиган ва қабул қилинадиган сиёсат, дастурлар ва бошқа чоралар тегишли ҳолларда давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар, бошқа тегишли ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа элементлари билан ҳамкорликни ҳам ўз ичига олади.

**Учинчидан**, иштирокчи-давлатлар икки томонлама ёки кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш билан одамлар, айниқса, аёллар ва болаларни одамлар савдоси нуқтаи назаридан ноилож (қарам) ҳолатга тушиб қолишларига олиб келувчи йўқсиллик, ривожланишнинг паст даражадалиги ва тенг имкониятларнинг йўқлиги каби омиллар таъсирини камайтиришга қаратилган чораларни кўришлари ёки такомиллаштиришлари лозим.

**Тўртинчидан**, иштирокчи-давлатлар одамлар, айниқса, аёллар ва болалардан ҳар қандай шаклда фойдаланиш одамлар савдосига олиб келгани учун унга нисбатан бўлган талабни йўқотишга қаратилган таълим, маданият ёки ижтимоий соҳада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича қонунчиликдаги ёки тегишли бошқа чораларни қабул қилишлари ёхуд такомиллаштиришлари лозим ҳисобланади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Р.Х.Қодиров. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсидаги муаммо. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.186-187.

<sup>2</sup> Ҳайдаров Ш.Д. Одам савосини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари.Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.146-147.

Одам савдосига қарши кураш пухта ўйланган сиёсатни амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бугунги кунда одам савдоси ва у билан боғлиқ бўлган жиноятлар қонун чиқарувчи ҳамда бошқарув органлари, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органлари олдида турган ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир. Ушбу жиноятларнинг муаммоли жиҳати шундаки, у нафақат тегишли давлат органларининг ваколат доирасидан, балки мамлакат доирасидан ҳам ташқарига чиқиб кетмоқда. Юқори турувчи органларининг одам савдоси ва у билан боғлиқ бўлган жиноятларга қарши барча саъй-ҳаракатлари асосан куйидаги масалаларга қаратилиши лозим:

- чегара назорати;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти;
- тезкор(оператив) маълумотларни тўплаш;
- суд органлари тизими;
- қонунчилик фаолияти;
- халқаро дипломатия;
- уй-жой билан таъминлаш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш;
- руҳий ва тиббий ёрдам кўрсатиш;
- молиявий бошқарув;
- кадрларни(шунингдек, ҳарбий хизматчиларни) тайёрлаш.

Бундан ташқари, одам савдосига қарши олиб борилаётган сиёсат куйидаги масалалар юзасидан жамоатчилик фикрига таъсир ўтказиш лозим:

- хорижга кетиш ва хориждан келиш фаолияти устидан назорат ўрнатиш;
- миллий ва этник тафовутлар;
- фоҳишабозлик;
- меҳнат ресурслари етишмовчилиги;
- ёш болаларни муҳофаза қилишни белгиловчи тегишли нормаларни ўрнатиш;
- аёлларга бўлган муносабат;
- коррупция;
- уюшган жиноятчилик<sup>1</sup>.

Бизнингча, одам савдосига қарши кураш ва уни олдини олишда куйидаги ишлар амалга оширилиши лозим бўлади:

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари. –Т.2009. –Б.73-78-79.

1) Аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширишга қаратилган халқаро сиёсат ишлаб чиқилиши, унда ер юзидаги айрим минтақалар, мамлакатларнинг меҳнат ресурслари, улардан фойдаланиш истиқболлари, бу соҳада ҳамкорликни авж олдириш масалалари ўз аксини топиши, халқаро ташкилотлар ва мамлакатларнинг ўзаро уйғунлашган ҳаракат дастури назарда тутилиши керак;

2) Иш билан бандлик, ишсизликдан ҳимоялаш, меҳнат қилиш учун қулай шароит яратишга оид халқаро ҳужжатлар, биринчи навбатда Халқаро меҳнат ташкилотнинг Конвенциялари айниқса ортиқча иш кучига эга бўлган давлатлар томонидан ратификация қилинишига эришиш йўли билан уларнинг миллий қонунчилигини бу соҳадаги халқаро стандартларга мувофиқ бўлишига эришиш;

3) Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, иш битлан таъминлаш соҳасида ривожланаётган мамлакатларга моддий-молиявий ёрдам бериш, иш кучларидан самарали фойдаланиш юзасидан ҳамкорликни, жумладан, ортиқча меҳнат ресурсларини қонуний тарзда, ташкилий равишда иш кучига эҳтиёж катта бўлган мамлакатлар ва минтақаларга жалб этишда кўмак беришни кучайтириш;

4) Ноқонуний (нолегал) меҳнат миграциясига қарши кураш соҳасида давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш, бу масалада миллий қонунчилик воситаларни унификациялаш, бир хиллаштириш ва уйғунлаштиришга эришиш;

5) Одам савдосига қарши курашни ҳамда халқаро ҳамкорликни кучайтириш, бу соҳада фаолият олиб бораётган халқаро ва миллий жинойт ташкилотлар пайини қирқиш, уларга қарши куч ва имкониятларни бирлаштириш;

6) Одамларнинг моддий-турмуш шароитларини таъминлаш, уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари кафолатларини кучайтириш, ноқонуний тарзда ишлаш учун ўзга мамлакатларга чиқиб кетишларига йўл қўймайдиган воситаларни излаб топиш бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтириш, бу соҳада халқаро ҳамкорликни яна ҳам кучайтириш;

7) Фуқаролар ўртасида одам савдоси ва унинг оғир оқибатлари ҳақида кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини амалга ошириш, одамларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятлари юксалишига эришиш кабилар.

Жабрланувчиларнинг бўйсунини таъминлаш учун одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар назоратнинг турли меха-

низмларини қўллашлари мумкин. Улар орасида кенг тарқалгани куйидагилардир:

-йўл ва шахсий ҳужжатларни тортиб олиш ва ушлаб қолиш;

-бошқалар билан алоқа қилиш имкониятини йўқлиги, фоҳишалик уйларида, кул сифатида ишлаётган жойида, махфий хонадонларда сақлаш ва доимий назорат;

-жабрланувчиларда бошқа жабрланувчилар билан ўзаро алоқаларнинг пайдо бўлишини ёки одамлар савдоси фаолияти тўғрисида батафсил маълумотларни эгаллашларини олдини олиш мақсадида, манзилни ва ишчиларни доимий ўзгартириш;

-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёрдам сўраш қўркувини уларга сингдириш;

-уларга ёки уларнинг яқинларига нисбатан жисмоний ёки жинсий зўравонлик қўллаш таҳдидидан фойдаланиш<sup>1</sup>.

Де Пауло номидаги Инсон ҳуқуқларини ўрганиш бугунжаҳон институти маълумотига қараганда, ҳар йили дунёда 2 миллион аёллар ва болалар фақатгина жинсий қулик учун сотиладилар<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»<sup>3</sup>ги Қонунининг 12-моддаси биринчи қисмига кўра, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья зиммасига айтиб ўтилган жиноятда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўз хоҳиш-истагини билдирган одам савдоси қурбонларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чора-тадбирларини қабул қилиш мажбурияти юклатилади. Башарти бундай гувоҳ ёки жабрланувчи чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса, одам савдосида айбдор бўлган шахсларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши юзасидан ҳукм ёки бошқача қарор чиқарилмагунига қадар депортация қилиш бўйича чора-тадбирлар унга нисбатан қўлланилмайди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ва кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида кейинги йилларда одам савдоси жиноятлари камайишига эришилди.

<sup>1</sup> Абдулжаков А.Я. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б 121- 122.

<sup>2</sup>De Paulo Casese/Report to UNO/UNDP/Switzerland/ Bern. 2002/

<sup>3</sup>«Ўзбекистон Республикаси Қонунилари тўплами», 2008, 16-сон, 118-бет.

Жумладан, мамлакатимизда одам савдоси жиноятлари, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш, одам савдосидан жабрланган фуқароларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб, “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш борасида 2011-2012 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси”нинг тўлиқ ижроси таъминланди.

Мазкур соҳада кўрилган комплекс чора-тадбирлар натижасида республикамизда бу тоифадаги жиноятларнинг сезиларли даражада камайишига эришилди. Шунга қарамадан, дунё миқёсида одам савдоси муаммоси сақланиб қолатганлиги, глобаллашув жараёнлари фаол кечаётган ҳозирги даврда унинг республикамизга салбий таъсирини камайтириш мақсадида бу борадаги фаолиятни янада кучайтиришни, қўшимча чора-тадбирлар белгилашни тақозо қилади.

Шу муносабат билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг доимий фаолият кўрсатувчи тахлилий ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни ижросининг тахлили асосида “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш борасида 2013-2014 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси” 2013 йил 28 январда тасдиқланди<sup>1</sup>.

Мазкур режа 4 та бўлим ва 27 банддан иборат бўлиб, биринчи бўлим одам савдосига қарши курашишга оид меъёрий-ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган. Унда одам савдосидан жабрланган фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, одам савдосига қарши курашувчи идоралар ўртасида ўзаро ахборот алмашинувчи тартибини такомиллаштиришга қаратилган ҳамда бошқа идоравий ва идоралараро норматив ҳужжатларни қабул қилишни назарда тутилган;

-иккинчи бўлимда одам савдоси билан боғлиқ жиноят ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва аҳолининг кенг қатламини бу кифа жиноятларнинг оғир оқибатларидан хабардо қилиш билан боғлиқ тадбирлар кўрсатилган бўлиб, асосий эътибор аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминланиши устидан мониторинг

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси йиғилишининг 2013 йил 28 январдаги баённомаси.



Ўрнатиш, одам савдоси жиноятдан огоҳ этувчи тадбирларни янада кучайтириш, одам савдоси билан шуғулланувчи, уларга “ҳомий”лик қилувчи юридик ва жисмоний шахсларни аниқлаш, улар фаолитига чек қўйиш, чегара ҳудудлари ва қишлоқ жойларида одам савдосига қарши курашиш борасидаги тезкор ва профилактик тадбирларни жонлантириш ва шу каби бошқа тадбирларни амалга оширилиши белгиланган;

- учинчи бўлим одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилишга бағишланган бўлиб, мазкур бўлим одам савдоси жабрдийдаларига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатиш, реабилитация қилиш услубларини, уларни идентификациялашни, одам савдоси жабрдийдаларини соғломлаштириш чораларини янада такомиллаштиришни назарда тутган;

- тўртинчи бўлим давлат ва нодавлат идораларнинг одам савдосига қарши курашиш борасида фаолиятини қамраб олган бўлиб, улар яшаш жойидан узоқ муддатга кетганларнинг ягона статистик ҳисобини юртишни такомиллаштири, ваколатли органлар ходимларининг малакасини ва масъулиятини ошириш, махсус ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш, одам савдосига қарши курашиш борасидаги фаолиятни акс эттирувчи ҳисобот шаклини, шунингдек, таҳлилий бюллетень чоп этилишини жорий этиш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Мазкур режанинг қабул қилиниши, унда белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ва сифатли бажарилиши келгусида бу йўналишдаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, республика ҳудудида ҳар хил юқумли касалликлар тарқалишини, одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бери ва уларни ҳимоялаш, фуқароларимизнинг жабрдийдага айланиб қолишини олиш, тезкор, профилактик ва тарғибот тадбирларини жадаллаштириш, бу тоифа жиноятларни содир қилаётган юридик, жисмоний шахсларга ҳамда уларнинг “ҳомий”ларини аниқлаш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш, одам савдосини олдини олиш ва унга қарши курашиш самарадорлигини оширади<sup>1</sup>.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмокда. Чунки одам савдоси инсон, унинг

<sup>1</sup> Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси йиғилишининг 2013 йил 28 январдаги баённомаси.

шаъни, қадо-қимматиға даҳл қилувчи, унинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилқвчи ва бугунги кунда чегара билмас даражада барча ҳудудларни қамраб олувчи умумжаҳон миқёсидаги муаммо ҳисобланади. Айниқса, мазкур жиноят бошқа трансмиллий жиноятларнинг янада кенг ёйилиши учун шароит яратмоқда. Бу эса барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиши халқаро муносабатларга иштирок этиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш имкониятини берди. Бугунги кунда мустақиллик шарофати билан халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўёбга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятига ўз мавқеини мустаҳкамлаш сари интилиб бормоқда. Истиқлол йилларининг тарихан қисқа, аммо ғоятда сермазмун йиллари давомида юртимизда улкан ғалабалар қўлга киритилди.

Хусусан, 2008 йилнинг 4 июнида Америка қўшма Штатлари Давлат департаменти эълон қилган одам савдоси тўғрисидаги маърузада Ўзбекистон учинчи тоифали рўйхатдан иккинчи тоифали рўйхатга киритилганлиги, давлатимизда одам савдосини бартараф этиш борасида қатор амалга оширилган ишларга берилган ижобий баҳо десак муболаға қилмаган бўламиз<sup>1</sup>.

Миллий истиқлол буюк шарофати билан мамлакатимизни халқаро жинойatchилик иллатига қарши кураш борасидаги давлатлар ҳамкорлигида иштирок этиш, инсоният бошига тушган мазкур кулфатга барҳам бериш имкониятига эга бўлмоқда. Қисқа давр мобайнида Ўзбекистон бир халқаро жинойatchиликка қарши кураш борасида ўнлаб халқаро шартномаларни ратификация қилиб, тегишли халқаро ташкилотлар доирасида фаол иштирок этмоқда.

Инсон ҳуқуқларига оид энг асосий ҳужжат Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”дир. Ушбу халқаро ҳужжат муқаддима ва 30та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари ўз ифодасини топган. Унда айтилишича “Ҳамма одамлар ўз кадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг туғиладилар”. Ҳужжатнинг 2-моддаси эса “ҳар бир инсон ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёҳуд бошқа эътиқодларидан, мулкый ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкый ёки табақавий ёки бошқа шароитидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларга эга бўлишлари шарт”, деб белгилаб қўйилган. Декларация бўйича “ҳар бир инсон яшаш, озод бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эгадир.” Ҳозирги кунда, яъни одам савдоси глобал муаммога айланиб бораётган бир пайтда Декларациянинг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган қоида, яъни “ҳеч ким кулликда ёки эрксиз

<sup>1</sup> Очилов Х., Турғунбоев Э. Одам савдоси трансмиллий жинойatch. Одам савдосига қарши кураш, уни олиш олишининг ҳуқуқий муаммолари. ТДЮИ, 2009. Б.85.

ҳолатда сақланиши мумкин эмас. Куллик ва куллар билан савдо қилиш бирча кўринишларида таъқиқланади” деган сўзлар алоҳида аҳамият касб этади.

Шу боис, халқаро жиноят ҳуқуқи трансмиллий жиноятчиликка қарши кураш борасида давлатлар қонунчиликларини уйғунлаштириш назифасини амалга оширади. Шу мақсадда, халқаро жиноят ҳуқуқи доирасида бир қатор халқаро конвенциялар ишлаб чиқилиб, уларда давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларидан ташқари, конвенцияга қўшилган давлатлар учун мажбурий бўлган халқаро ҳуқуқбузарлик тушунчалари ва таснифи ўзининг аксини топади. Аммо бугунги кунда халқаро жиноят ҳуқуқи асосида давлатлар қонунчиликларини уйғунлаштириш жараёнлари силлик кечаяпти деб айтиб бўлмайди. Давлатлараро ҳамкорликнинг ушбу соҳаси бир қатор муаммоларга дуч келиб, мазкур муаммолар XXI асрнинг энг хатарли таҳдиди трансмиллий одам савдоси билан боғлиқ бўлганлиги ачинарли ҳолдир.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда бутун дунёда инсонларни камситиш, уларнинг ҳуқуқларини тан олмаслик, одам савдоси каби жиноятлар кўпайиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солмоқда.

Одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг охириги йиллардаги ўсиш суръати муайян сабабларга эга эканлиги қатор омиллар билан изоҳланади. Агар ғайриқонуний қурол-яроғ савдоси ёки гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларни содир этишда трансмиллий уюшган жиноятчилик жаҳон ҳамжамиятининг қаттиқ қаршилигига дуч келса, одам савдоси борасида бундай ҳамкорлик қилишнинг ҳар доим иложи бўлмайди. Бунинг сабаби – одам савдоси қурбонларининг кўпчилиги, ўзига нисбатан жиноят содир қилинганлиги тўғрисида хабар бериб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан алоқада бўлиб, жиноятчиларни топиш ва жазолаш фаолиятида иштирок этишдан қочади. Бунинг омиллари сифатида, биринчидан, жавобгарликка тортилишдан хавфсирашни, иккинчидан, жиноятчиларнинг қасд олишидан кўрқишни, учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончсизликни кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасида одам савдоси муаммосининг пайдо бўлиши мустақилликнинг яна даврларида, ҳар қандай ривожланаётган демократик давлатларда бўлгани сингари, давлат

<sup>1</sup>Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б. 32.

чегараларининг очилиши ва миграциянинг ошиб бориши билан боғлиқдир.

Кейинги йилларда республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига юртимиз фуқароларининг хорижий давлатларга алдаш йўли билан олиб чиқилаётганлиги тўғрисида борган сари кўпроқ маълумотлар туша бошлади<sup>1</sup>.

Хулоса сифатида шуни айтиш лозимки, бугунги кунда одам савдосига қарши курашиш ва бундай нохуш воқеаларни олдини олиш глобал аҳамият касб этмоқда. Барча давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигига эҳтиёж туғдириб, бу борада давлатлараро ва халқаро ташкилотлар доирасида ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатиш ҳамда кучларни бирлаштириш лозимлигини тақазо этмоқда. Бу борада одам савдосига қарши курашнинг халқаро ва миллий қонунчилик нормаларида қонуний тартибга солиниши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали воситаси ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Асосан одамлар Бирлашган Араб Амирлиги, Россия Федерацияси, Туркия, Малазияга юборилган.Р.Кадыров. Торговля людьми – проблема мирового масштаба // Ж. Демократизация и права человека. –2008. - № 4. –С.114.

# ОДАМЛАР САВДОСИ ВА ФОҲИШАЛИКНИНГ УЧИНЧИ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН ИШЛАТИЛИШИГА ҚАРШИ КУРАШ ТЎҒРИСИДА КОНВЕНЦИЯ

1949 йил 21 март

МУҚАДДИМА

Фоҳишалик ва унинг билан бирга содир бўлувчи фоҳишалик мақсадларини таъқиб қилувчи одамлар савдоси каби иллат инсон шахсининг кадр-қиммати ва кадриятига эмуносиб бўлиб, инсон, оила ва жамият фаровонлигига хавфли эканлигини эътиборга олиб,

Аёллар ва болалар савдосига қарши курашга нисбатан қуйидаги халқаро актлар кучда эканлигини эътиборга олиб:

1. Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида 1904 йил 18 майдаги Халқаро Шартнома Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 3 декабрда тасдиқланган протокол томонидан унга киритилган ўзгартишлар билан;

2. Оқ танли чўрилар савдосига қарши кураш тўғрисида 1910 йил 4 майдаги Халқаро Конвенция юқорида эслатилган Протокол томонидан киритилган ўзгартишлар билан;

3. Аёллар ва болалар савдосига қарши кураш тўғрисида 1921 йил 30 сентябрдаги Халқаро Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1947 йил 20 октябрда қабул қилинган Протокол томонидан киритилган ўзгартишлар билан;

4. Балогатга етган аёллар савдосига қарши кураш тўғрисида 1933 йил 11 октябрдаги Халқаро Конвенция унга кўрсатилган Протокол томонидан киритилган ўзгартишлар билан;

1937 йилда Миллатлар Лигаси томонидан юқорида кўрсатилган актларнинг ҳаракат доирасини кенгайтирувчи конвенция лойиҳаси тузилганини эътиборга олиб,

1937 йилдан бошлаб пайдо бўлган янги омиллар ўзида юқорида кўрсатилган актларни бирлаштирувчи ҳамда худди унга маъқул тузатишларни бўлгани сингари, 1937 йилги Конвенция лойиҳасининг асосий қоидаларини ўз ичига оладиган Конвенция тузишга имкон беришини эътиборга олиб,

шунинг билан Аҳдлашувчи Томонлар қуйидагиларга келишиб шартлар:

1-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда бошқа шахснинг ҳирсини қондириш учун:

1. Бошқа шахсни фоҳишалик мақсадида, ҳаттоки унинг розилиги билан қўшиб қўйган, йўлдан урган ёки номусига тажовуз қилган;

2. Бошқа шахснинг фоҳишалигини ҳаттоки шу шахснинг розилиги билан ишлатган ҳар бир кишини жазолашга мажбурият оладилар.

2-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда бундан кейин:

1. Фоҳишахона ушлаган ёки уни бошқарган ёки онгли равишда фоҳишахонани маблағ билан таъминлаган ёки маблағ билан таъминлашда иштирок этган;

2. учинчи шахслар томонидан фоҳишалик мақсадида фойдаланишни билиб, бино ёки бошқа жойни ёки унинг бир қисмини ижарага топширадиган ёки оладиган ҳар бир кишини жазолашга мажбурият оладилар.

3-модда

Модомики бу ички қонунчилик талабларига мос тушар экан, 1- ва 2-моддаларда назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан исталганини содир этишга суиқасдлар ҳудди шундайларни тайёрлашга тайёргарлик ҳаракатлари сингари, улар ҳам жазоланадилар.

4-модда

Модомики, бу ички қонунчилик талабларига мос тушган экан, 1- ва 2 моддаларда кўзда тутилган актларда атайлаб иштирок этиш жазоланади.

Модомики, бу ички қонунчилик талаблари билан йўл қўйилар экан, шериклик актлари, агар бу жазоланмасликдан огоҳлантириш учун зарур бўлса, айрим жиноятлар сифатида кўриб чиқилади.

5-модда

Жабрланган кишилар ички қонунчиликка асосан ушбу Конвенцияда кўзда тутилган исталган жиноятларга доир ишларда даъвогарлар бўлиб чиқишга ҳуқуқи бўлган ҳолларда, хорижликлар билан ушбу давлат фуқаролари тенг давлат ҳуқуқидан фойдаланадилар.

6-модда

Ҳар бир томон ушбу Конвенциядаги исталган амалдаги қонунни, қарор ёки маъмурий фармойишни рад этиш ёки бекор қилиш учун ҳамма чораларни кўришга мажбурият оладиларки, шу чоралар кучига кўра фоҳишалик билан шуғулланувчилар ёки бунда гумон қилинаётганлар ё алоҳида рўйхатдан ўтишлари ёки алоҳида ҳужжатга

та бўлишлари керак ёхуд назорат ёки билдиришни мақсад қилиб қўйган фавқулудда талабларга бўйсундилар.

7-модда

Илгари бошқа давлатларда ушбу Конвенцияда кўзда тутилган жиноятлар учун чиқарилган ҳукмлар эътиборга олинади, чунки бунга ички қонунчиликда:

1. Ашаддий жиноятчилик фактини аниқлаш;

2. Жиноятчини сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш учун йўл қўйилади.

8-модда

Ушбу Конвенция 1- ва 2-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар беришга олиб келадиган жиноятлар сифатида кўриб чиқилади ва уларга шу Конвенциядаги исталган томонлар ўртасида тузилган ёки энди тузиладиган жиноятчиларни бериш тўғрисидаги исталган шартнома тарқалади.

Ушбу Конвенцияда жиноятчиларни беришни бу ҳақда шартномалар мавжудлиги билан шарт қилиб қўймайдиган томонлар бундан кейин ўзларининг ўзаро муносабатларида ушбу Конвенциянинг 1- ва 2-моддаларида кўзда тутилган жиноятларни беришга олиб келадиган жиноятлар деб тан оладилар.

Жиноятларни бериш тўғрисида қайси давлатдан талаб қилинган бўлса, у шу давлат қонунига биноан амалга оширилади.

9-модда

Ўз фуқароларини бериш принципи қонунида тан олинмайдиган давлатларда ўз давлатига улар томонидан бошқа давлатда ушбу Конвенциянинг 1- ва 2-моддаларида кўрсатилган жиноятлардан исталгани содир этилгандан кейин қайтадиган фуқаролар уларнинг ўз давлат суди бўйича таъқиб қилинадилар ва жазога тортиладилар.

Агар ушбу Конвенция томонлари ўртасида пайдо бўладиган шунга ўхшаш ишларда хорижликни бериш талабини қондириш иложи бўлмаса, қонда қўлланилмайди.

10-модда

Агар жиноят содир этишда айбланадиган шахс бошқа давлатда судланган бўлса ва айблов ҳукми бўйича жазо муддатини ўтаган бўлса ёки жазоланишдан озод қилинса, ёки жазо муддати шу давлат қонунига мувофиқ қисқартирилган бўлса, унда 9-модданинг қоидалари қўлланилмайди.

11-модда



Ушбу Конвенцияда ҳеч нарса ундаги у ёки бу томоннинг умумий масалага нисбатан халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ жиноят юрисдикцияси чегараларидаги таърифидан бошқача талқин қилинмаслиги керак.

#### 12-модда

Ушбу Конвенция бузмайдиган принципига кўра Конвенция томонидан кўзда тутилган жиноятлар ҳар бир алоҳида давлатда худди уларни содир этишда айбдорлар шу давлат қонунлари бўйича таъқибга олиниши ва жазоланиши сингари белгиланади.

#### 13-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилган жиноятларга нисбатан суд топшириқларини ўзларининг хусусий қонунлари ва амалиётига мувофиқ бажаришга мажбурият оладилар.

Суд топшириқларини топшириш қуйидагича амалга оширилади:

1. суд ҳокимиятлари ўртасида бевосита алоқалар йўли билан;
2. иккита давлатнинг адлия вазирлари ўртасида бевосита алоқалар йўли билан ёки топширув чиқадиган бошқа давлат тегишли ҳокимиятларининг у мурожаат қиладиган давлатнинг адлия вазирига бевосита мурожаати йўли билан;

3. топширув чиқадиган давлатнинг у мурожаат қиладиган давлатга дипломатик ёки консуллик вакиллари воситаси орқали, кўрсатилган вакил суд топширувини бевосита тегишли суд ҳокимиятларига ёки топширув берилган давлат ҳукумати томонидан кўрсатилган ҳокимиятларга жўнатади, бунда у мазкур ҳокимиятлардан суд топширувининг бажарилиш акти бўлган бевосита ҳужжатларни олади. 1- ва 3-бандларда кўзда тутилган ҳолларда суд топшируви нусхасида у мурожаат қилинган давлатнинг олий ҳокимиятларига жўнатилади.

Аргар қандайдир бошқа битим бўлмаса, суд топшируви доим у келиб чиқадиган ҳокимиятлар тилида, албатта, топширув мурожаат қилинган давлат ўз тилига қилинган таржимани топширув келиб чиқадиган ҳокимиятлар томонидан тасдиқланган ҳолда тақдим этилишини талаб қилиши мумкинлиги шарти билан тузилади.

Ҳар бир томон ушбу Конвенцияда ушбу Конвенциядаги бошқа ҳар бир томонни юқорида кўрсатилганлардан унинг томонидан унга бошқа шу давлат томонидан суд топширувларини жўнатилиши мақбул деб ҳисобладиган усул ва услублар ҳақида хабардор қилади.

Ҳозирча қайсидир давлатлар бундай билдириш қилмаган экан, суд топширувларига нисбатан ундаги мавжуд тартиб кучида қолади.

Суд топширувларининг бажарилиши экспертиза харажатларидан ташқари қандайдир бўлмасин харажат ёки чиқимларни қоплаш тўғрисидаги талаб учун мос бўлиб хизмат қила олмайди.

Ушбу моддада ҳеч бир нарса ушбу Конвенцияда томонларнинг жинойи ишларда уларнинг ўз қонунларига мос келмайдиган исботлашнинг қайсидир шакли ёки қайсидир усулларининг қўлланиш мажбурияти деб талқин қилинмаслиги керак.

#### 14-модда

Ушбу Конвенциядаги ҳар бир томон шундай орган таъсис этади ва сақлаб турадики, унга ушбу Конвенцияда кўзда тутилган жиноятларнинг натижаларини мувофиқлаштириш ва марказлаштириш топширилади.

Бу органлар ушбу Конвенцияда кўзда тутилаётган жиноятларни огоҳлантиришни ҳамда уларга жазо беришни енгиллаштириш учун тўпланадиган ҳамма ахборотларни мувофиқлаштирадilar, бунда мазкур органлар бошқа мамлакатларнинг шунга ўхшаш органлари билан чамбарчас алоқа боғлайдилар.

#### 15-модда

Модомики бу ички қонунчилик талабларига мос келар экан ва модомики бу 14-моддада кўрсатилган органлар бўйсунган ҳокимиятлар томонидан мақбул деб тан олинар экан, улар бошқа давлатлардаги шунга ўхшаш органлар бўйсунган ҳокимиятларга қуйидаги ахборотларни хабар қиладилар:

1. ушбу Конвенцияда кўзда тутилаётган жиноятлардан ҳар бири тўғрисидаги ва шундай жиноят содир этишга ҳар бир суиқасд тўғрисидаги тафсилотларни;

2. ушбу Конвенцияда кўзда тутилаётган жиноятларни содир этишда айбдор шахсларни ҳамма қидирув ҳоллари, шунингдек жиноят, таъқиб, қамоққа олиш, ҳукм қилиш, гумон этиш ва сурғун қилишдан воз кечиш ҳоллари тўғрисида, шунингдек бундай шахслар турар жойларининг ўзгариши ҳамда уларга тааллуқли бошқа исталган фойдали ахборотларни.

Шу йўл билан хабар қилинадиган ахборотлар жиноятчиларнинг таъсирини, уларнинг дактилоскопик изларини, фотосуратларини, иш усули тўғрисидаги хабарни, полиция маълумотномаларини ва суқланганлик тўғрисида маълумотномаларни ўз ичига олади.

#### 16-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда ўзларининг таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва иқтисодий хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа шу билан боғланган хизмат кўрсатиш турлари соҳасидаги ҳукуматга қарашли ёки хусусий муассасалари воситасида фоҳишалikka қарши ҳамда ушбу Конвенцияда кўзда тутиладиган жиноятлар қурбонларини нормал ижтимоий шароитларга қайтариш ва мослаштириш юзасидан барча зарур чораларни кўриш ёки рағбатлантиришга мажбурият оладилар.

17-модда

Иммиграция ва эмиграцияга нисбатан томонлар ушбу Конвенцияда улар томонидан ушбу Конвенцияга мувофиқ фоҳишалик мақсадини кўзловчи иккала жинсдаги одамлар савдосини тўхтатиш учун ўз зиммаларига олган мажбуриятларга кўра талаб қилинадиган ҳамма чора-тадбирларни қабул қилиш ва амалга оширишни зиммаларига оладилар.

Жумладан, улар қуйидаги мажбуриятни оладилар:

1. иммигрант ва эмигрантларни, айниқса аёллар ва болаларни улар келадиган ва жўнатиладиган жойларда муҳофаза қилиш учун барча зарур қарорларни чиқариш;

2. эслатиб ўтилган савдо хавфи тўғрисида аҳолига хабар етказиш учун тадбирлар кўриш;

3. фоҳишалик мақсадини кўзловчи халқаро одам савдосининг олдини олиш учун темир йўл станциялари, авиапортлар, портлар ва бошқа жамоат жойларида кузатувни таъминлаш учун зарур чоралар кўриш;

4. мавжуд prima facie маълумотлари бўйича шу савдонинг бош айбдорлари, иштирокчилари ёки қурбонлари бўлган шахслар келиши тўғрисида билдириш мақсадида ҳамма зарур чораларни кўриш.

18-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда уларнинг ўз қонунлари белгилаган шартларга кўра фоҳишабозлик билан шуғулланувчи ҳамма хорижликлар тўғрисида уларнинг шахсини ва ижтимоий аҳволини аниқлаш мақсадларида, шунингдек уларни ўз давлатини ташлаб кетишга ундаган шахсларни аниқлаш мақсадларида маълумотлар тўплашга мажбурият оладилар. Бу маълумотлар кўрсатилган шахслар келиб чиққан давлат ҳокимиятлари томонидан уларни кейин ўз ватанига қайтариш мақсадида хабар қилинади.

19-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда уларнинг ўз қонунларида белгиланган шартларга мувофиқ ва шу қонунларнинг бузилиши билан келиб чиққан шу таъқиблар ёки бошқа тадбирлардан воз кечмаган ҳолда иложи борича қуйидагиларни бажаришга мажбурият оладилар:

1. фоҳишалик мақсадларини кўзловчи халқаро одам савдосининг қурбонлари бўлган қашшоқ кишилар юзасидан бундан кейин узил-кесил тадбирлар қабул қилиш, уларга вақтинча ёрдам ва кўмак бериш юзасидан зарур чоралар кўриш;

2. 18-моддада кўрсатилган шахсларни, агар улар шуни хоҳласалар ёки улар ихтиёрида бўлган шахслар томонидан уларни ўз ватанига қайтариш талаби тушса ёки уларни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида қонунда асосланган буйруқ мавжуд бўлса, уларни ўз ватанига қайтариш давлат билан ватанига қайтариладиган шахснинг шахсияти ва эришилгандан кейин фуқаролигини белгилаш тўғрисида ёки унинг хорижга келиш санаси тўғрисида битим тузиш амалга оширилади. Ҳар бир томон ушбу Конвенцияда бундай шахснинг ўз ҳудудидан ўтишига кўмаклашади.

Аввалги хатбошида кўрсатилган шахслар ўз ватанига қайтиш харажатларини ўзлари қоплай олмасалар ва уларнинг улар келиб чиққан яқин чегарага, жўнаш портигача ёки авиапортгача ватанига қайтиш харажатларини тўлайдиган на эри, на қариндошлари, на васий бўлмаса, унда харажатлар мазкур шахслар яшайдиган давлат томонидан тўланади, шу билан боғлиқ бошқа харажатларни эса улар келиб чиққан давлат ўз зиммасига олади.

#### 20-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда иш қидираётган одамларни, айниқса аёллар ва болаларни уларни бўлиши мумкин бўлган фоҳишалик мақсадларида фойдаланиш хавфидан ҳимоя қилиш мақсадларида одам ёллаш идоралари устидан кузатиш юзасидан зарур чораларни, агар шундай чоралар улар томонидан кўрилмаган бўлса, кўрадилар.

#### 21-модда

Томонлар ушбу Конвенцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига ушбу Конвенция мавзуйига оид ва уларнинг давлатларида нашр этилган қонун ва қарорлар тўғрисида хабар берадилар ҳамда шундан кейин ҳар йили Конвенция муносабати билан нашр этиладиган қонун ва қарорлар тўғрисида, шунингдек

ушбу Конвенциянинг қўлланишига оид ҳамма қабул қилинган тадбирлар тўғрисида хабар берилади.

#### 22-модда

Агар ушбу Конвенциядаги томонлар ўртасида унинг талқин ёки қўлланишига нисбатан баҳс пайдо бўлса ва агар бу баҳсни бошқача йўл билан ҳал этишнинг иложи бўлмаса у баҳс томонларидан исталганининг талаби бўйича Халқаро судга оширилади.

#### 23-модда

Ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти исталган аъзосининг номидан, шунингдек Ижтимоий ва Иқтисодий Кенгаш томонидан таклиф қилинган тегишли исталган бошқа давлат номидан имзолаш учун очик.

Ушбу Конвенция ратификация қилиниши керак ва ратификация актлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

Биринчи хатбошида кўрсатилган ва ушбу Конвенцияни имзоламаган давлатлар унга қўшилишлари мумкин.

Қўшилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига қўшилиш тўғрисидаги актни сақлаш учун топшириш йўли билан амалга оширилади.

Ушбу Конвенцияда «Давлат» сўзи ушбу Конвенцияга қўл қўйган ёки унга қўшилган давлатнинг ҳамма мустамлака ва васийлигидаги ҳудудларни ҳамда шу давлат халқаро масъулият сезадиган ҳамма ҳудудларни ўз ичига олади.

#### 24-модда

Ушбу Конвенция ратификация ёхуд қўшилиш тўғрисидаги иккинчи акт сақлаш учун топширилган санадан тўқсон кун ўтгач кучга киради.

Ушбу Конвенцияни ратификация қилувчи ёки ратификация ёхуд қўшилиш тўғрисидаги иккинчи актни сақлаш учун топширганидан кейин унга қўшилувчи ҳар бир давлатга нисбатан мазкур Конвенция бу давлат ўзининг ратификация ёхуд қўшилиш тўғрисидаги актини сақлаш учун топширгандан сўнг тўқсон кун ўтгач кучга киради.

#### 25-модда

Ушбу Конвенция кучга кирганидан кейин беш йил вақт ўтгач мазкур Конвенциядаги ҳар қайси томон уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига бу ҳақда ёзма билдириш йўли билан денонсация қилиши мумкин.

Бундай денонсация бу ҳақда ариза берган томонга нисбатан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби унинг аризасини олган санадан кейин бир йил ўтгач кучга киради.

26-модда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча аъзоларига ҳамда Ташкилотга аъзо бўлмаган ва 23-моддада қайд этилган давлатларга қуйидагилар ҳақида билдириш юборади:

а) 23-моддага мувофиқ олинган имзолаш, ратификация қилиш ва қўшилиш актлари тўғрисида;

б) 24-моддага мувофиқ ушбу Конвенциянинг кучга кириш санаси тўғрисида;

с) 25-моддага мувофиқ олинган денонсация аризалари тўғрисида.

27-модда

Ушбу Конвенциядаги ҳар қайси томон ўз конституциясига мувофиқ қонунчилик ёки мазкур Конвенциянинг қўлланилишини таъминлайдиган бошқа хил тадбирлар қабул қилиш мажбуриятини олади.

28-модда

Ушбу Конвенция қоидалари, унда иштирок этувчи томонларнинг Узаро муносабатларига тааллуқли бўлгани учун, муқаддиманинг иккинчи хатбоши 1-, 2-, 3- ва 4-бандларида қайд этилган халқаро актлар қоидаларини бекор қилади, бунда ана шу актларнинг ҳар бири улардаги томонларнинг барчаси мазкур Конвенциядаги томонларга айлангач бекор бўлган ҳисобланади.

## ЯКУНИЙ ПРОТОКОЛ

Ушбу Конвенциядаги бирор-бир нарса одамлар савдоси ва бошқа шахсларнинг фоҳишалик мақсадларида ишлатилишига қарши курашишни таъминлайдиган қоидаларни амалга ошириш учун мазкур Конвенцияда кўзда тутилган шарт-шароитга нисбатан кучлироқ шарт-шароитлар белгилайдиган муайян қонунлар талаблари бажарилишига тўсқинлик сифатида талқин этилмаслиги керак.

Ушбу Конвенция 23-26-моддаларининг қоидалари мазкур Протоколга нисбатан қўлланилади.

# ҚУЛЛИК ВА ҚУЛ САВДОСИНИ, ҚУЛЛИККА ЎХШАШ ИНСТИТУТЛАР ВА ОДАТЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА ҚЎШИМЧА КОНВЕНЦИЯ

1956 йил 7 сентябрь

МУҚАДДИМА

Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар, озодлик ҳар бир инсоннинг туғма ҳуқуқи, деб ҳисоблаб,

Бирлашган Миллатларнинг халқлари Низомда инсон шахси қадр-қиммати ва муҳимлигига ўз ишончини тасдиқлаганликларини назарда тутиб,

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан ҳамма халқлар ва барча давлатлар ривожланишига интилишлари керак бўлган умумий идеал сифатида эълон қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳеч ким қулликда ёки қарамлик ҳолатида сақланмаслигини ҳамда қул савдоси уларнинг барча шаклларида тақиқланиши белгиланишини эътиборга олиб,

1926 йилнинг 25 сентябрида Женевада имзоланган ҳамда қуллик ва қул савдосининг бекор қилинишини таъминлашга қаратилган Қуллик тўғрисида конвенция тузилган вақтдан буён бу мақсад йўлида янада тараққиётга эришилганини тан олиб,

1930 йилги Мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенцияни ва кейин Халқаро меҳнат ташкилоти томонидан қабул қилинган зўраки ёки мажбурий меҳнатга доир тадбирларни эътиборга олиб, бироқ қуллик, қул савдоси ҳамда қулликка ўхшаш институтлар ва одатлар дунёнинг ҳамма қисмларида ҳам тугатилмаганини ҳисобга олиб,

шу боис кучида қолаётган 1926 йилги Конвенция эндиликда Қўшимча конвенция ҳулосаси билан тўлдирилиши лозимлиги ва у қуллик, қул савдоси ҳамда қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилишга қаратилган ҳам халқаро ҳам шунга тенг миллий-сиёсий ҳаракатларни жадалаштиришга йўналтирилишига қарор қилиб,

қуйидагиларга келишиб олди:

## I БЎЛИМ

### ҚУЛЛИККА ЎХШАШ ИНСТИТУТЛАР ВА ОДАТЛАР

1-модда

Ушбу Конвенцияда иштирок этувчи давлатлардан ҳар бири аста-секин ва иложи борича энг қисқа муддатда қуйидаги институтлар ва одатларни улар мавжуд жойда ва 1926 йил 25 сентябрда Женевада

имюланган Куллик тўғрисидаги конвенциянинг 1-моддасида берилган таърифга кириш-кирмаслигидан қатъи назар тўла бекор қилиш ёки тугатиш учун барча иложи бор ва зарур қонуний ҳамда бошқа чораларни кўради:

а) қарздорлик асорати, яъни қарздор томонидан ўзининг шахсий меҳнати ёки унга қарам шахснинг меҳнат қарзини таъминлаш гаров оқибатида пайдо бўладиган вазият ёки аҳвол, агар бажариладиган ишнинг лозимига белгиланадиган қиймати қарзни қоплаш учун ҳисобланмаса ёки агар шу ишнинг давомийлиги чекланмаса ва унинг хусусияти аниқланмаса;

б) крепостной ҳолат, яъни ердан шундай фойдаланишки ундан фойдаланувчи қонун, одат ёки битим бўйича бошқа шахсга тегишли ерда яшаши ва ишлаши ҳамда шундай бошқа шахс учун, ёки мукофотлаш учун ёки бусиз муайян иш бажариши шарт ва ўзининг бу ҳолатини ўзгартира олмайди;

с) исталган институт ёки одат бўлиб, улар кучига кўра;

1) аёлни унинг томонидан рад қилиш ҳуқуқисиз унинг ота-онаси, насийси, оиласи ёки исталган бошқа шахс ёки шахслар гуруҳи пул ёки натурада мукофот учун эрга беришни ваъда қиладилар ёки берадилар;

2) аёлнинг эри, унинг оиласи ёки унинг уруг-аймоғи уни бошқа шахсга мукофот учун ёки бошқача тарзда бериш ҳуқуқига эга; ёки

3) аёл эри ўлгандан кейин мерос бўйича бошқа шахсга ўтказилади.

д) исталган институт ёки одат бўлиб, улар кучига кўра бола ёки 18 ёшдан кичик ўсмир ота-онасидан бири ёки иккаласи ёки ўзининг ишсийси томонидан бошқа шахсга мукофот эвазига ёки бусиз шу бола ёки ўсмирни ёки унинг меҳнатини ишлатиш мақсадида берилади.

2-модда

Ушбу Конвенция 1-моддасининг «с» бандида эслатилган институтлар ва одатларга чек қўйиш учун унда катнашувчи давлатлар лозим бўлган жойда тегишли энг кам никоҳ ёшини белгилашга ҳамда иккала томоннинг ваколатли фуқаро мансабдор шахслари ёки руҳоний иштирокида никоҳга кириш учун розилиги эркин изҳор этиш таъминланадиган тартиб ўрнатишни рағбатлантиришга, шунингдек никоҳ рўйхатидан ўтишни рағбатлантиришга мажбурият оладилар.

## II БЎЛИМ. ҚУЛ САВДОСИ

3-модда



1. Кулларни бир мамлакатдан бошқасига ташиш ёки ташишга ҳаракат қилиш, бу қандай транспорт воситалари бўлмасин, ёки шундай ҳаракатларда шериклик қилиш ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар қонуни бўйича оғир жиноят ҳисобланади ва шундай жиноятларда айбдор деб топилган шахслар қаттиқ жазоланишлари керак.

2. а) Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар уларнинг байроғидан қонуний фойдаланувчи кемалар ва учиш аяпаратлари кулларни ташишига қаршилик қилиш ва шундай ҳаракатларда ёки давлат байроғидан шундай мақсадда фойдаланишда айбдор шахсларни жазолаш учун ҳамма самарали чораларни кўрадилар;

б) ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар уларнинг портлари, аэродромлари ва денгиз қиргоқларидан кулларни ташишда фойдаланишларига қарши туриш учун ҳамма самарали чораларни кўрадилар.

3. Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар улар томонидан кул савдосига қарши қабул қилинаётган тадбирларнинг амалда мувофиқлаштирилишини таъминлаш мақсадида ахборотлар алмашадилар ва бир-бирларига ҳар бир кул савдоси ҳақида ва уларга маълум бўлган шундай жиноят қилишга ҳар бир уриниш ҳақида билдирадилар.

4-модда

Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлат кемасида бошпана топган кул *ipso facto* озод бўлади.

### III БЎЛИМ ҚУЛЛИК ВА ҚУЛЛИККА ЎХШАШИНСТИТУТЛАР ВА ОДАТЛАР

5-модда

Куллик ёки ушбу Конвенциянинг 1-моддасида эслатилган институтлар ёки одатлар ҳали бекор қилинмаган ёки тугатилмаган мамлакатда кул ёки тутқунлик ҳолатидаги шахснинг унинг шундай ҳолатини белгилаб қўйиш ёки жазолаш мақсадида ё қандайдир бошқа сабабдан майиб қилиш, куйдириб ёки бошқа усул билан тамғалаш, худди шунингдек шундай ҳаракатларда шерик бўлиш ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг қонунлари бўйича жиноят ҳисобланади ва шундай жиноятларда айбдор топилган шахслар жазоланишлари керак.

## 6-модда

1. Бошқа шахснинг қулликка мурожаат этиши ёки бошқа шахснинг ўзини ёки шу бошқа шахсга тобе шахсни қулликка беришга мойиллиги ёки шундай ҳаракатлар қилишга суиқасд қилиш, ёки уларда шериклик қилиш ёки шундай ҳаракатлардан исталганини содир этиш учун яширин тил бириктиришда иштирок этиш ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатларнинг қонунлари бўйича оғир жиноят ҳисобланади ва унда айбдор деб топилган шахслар жазоланишлари керак.

2. Ушбу Конвенция 1-моддаси кириш қисмининг қоидаларига риоя этган ҳолда ушбу модда 1-бандининг қоидалари шунингдек бошқа шахснинг ўзини ёки шу бошқа шахсга тобе шахсни 1-моддада эслатилган институтлар ёки одатларнинг натижаси бўлган эрксиз ҳолатга мойиллиги ҳолларига, шундай жиноят содир этишга ҳар қандай суиқасд қилишга, унда шерик бўлишга ёки шу жиноятлардан биронтасини бириктиришда иштирок этишга нисбатан ҳам қўлланилади.

## IV БЎЛИМ. ТАЪРИФЛАР

### 7-модда

Ушбу Конвенцияда

а) «қуллик» сўзи остида, у 1926 йилги Қуллик тўғрисида конвенцияда таърифланганидек, шундай шахснинг ҳолати ёки вазияти тушуниладики, унга нисбатан баъзи ёки ҳамма ваколатлар амалга оширилади, «қул» сўзи остида эса шундай ҳолат ёки вазиятда турган шахс тушунилади;

б) «тутқин ҳолатдаги шахс» сўзи остида ушбу Конвенциянинг 1-моддасида эслатилган институтлар ёки одатлар натижасида вужудга келган ҳолат ёки вазиятда турган шахс тушунилади;

с) «қул савдоси» сўзи остида қайсидир шахсни босиб олиш, эгаллаш ёки уни қулга айлантириш мақсадида унга эгалик қилиш билан боғланган ҳамма ҳаракатлар, қулни уни сотиш ёки алмашиш мақсадида сотиб олиш билан боғланган ҳамма ҳаракатлар; шу мақсадда сотиб олинган шахсни сотиш ёки алмашиш бўйича ҳамма ҳаракатлар ва умуман қуллар савдоси ёки қандайдир бўлмасин транспорт воситалари билан уларни ташиш бўйича ҳар қандай ҳаракат тушунилади ва шунга киради.

## V БЎЛИМ. УШБУ КОНВЕНЦИЯДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАРЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ВА МАЪЛУМОТЛАРНИ ХАБАР ҚИЛИШ

8-модда

1. Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар юқорида баён қилинган қарорларни бажаришда бир-бирлари ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорлик қилишга мажбурият оладилар.

2. Конвенция иштирокчилари ушбу Конвенцияни амалга ошириш учун нашр қилинадиган ва ҳаракатга келтириладиган ҳамма қонунлар ва маъмурий фармойишларнинг нусхаларини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига жўнатишга мажбурият оладилар.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби шу модданинг 2-бандига мувофиқ олинган ахборотни Конвенциянинг бошқа қатнашчиларига ҳамда Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга у қуллик, қул савдоси ёки ушбу Конвенция мавзуи бўлган одатларни бекор қилишга оид бундан буёнги тавсияларни ишлаб чиқиш учун кўзда тутиши мумкин бўлган масалаларни муҳокама этиши учун жўнатиладиган ҳужжатлар қаторида юборади.

## VI БЎЛИМ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9-модда

Ушбу Конвенцияда янглишмовчиликларга йўл қўйилмайди.

10-модда

Ушбу Конвенцияда қатнашувчи давлатлар ўртасидаги келишмовчиликлар музокаралар йўли билан бартараф этилмаса, уни шарҳлаш ёки қўлланишга нисбатан баҳслар агар томонлар уларни бошқача усулда ҳал этишга келиша олмасалар, баҳсдаги томонлардан исталганининг талаби билан Халқаро судга берилади.

11-модда

1. Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки ихтисослашган муассасалардан бирининг аъзо давлатлари томонидан имзоланиши учун 1957 йил 1 июлгача очиқ. Конвенция уни имзолаган давлатлар томонидан ратификация қилиниши керак ва ратификация нусхалари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибида сақланади, у бу ҳақда Конвенцияга имзо қўйган ёки унга қўшилган ҳар бир давлатга билдиради.

2. 1957 йилнинг 1 июлидан кейин Конвенция унга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ёки ихтисослашган муассасалардан бирининг

аъзо давлатлари ёки бўлмаса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига қўшилишига таклифнома жўнатган исталган бошқа давлатнинг қўшилиши учун очиқ бўлади.

12-модда

1. Ушбу Конвенция ҳамма ўзини ўзи бошқармайдиган, васийликдаги, мустамлака ва метрополияга кирмайдиган, халқаро алоқалари учун Конвенцияда қатнашувчи давлат масъулият сезадиган ҳудудларга нисбатан қўлланилади; бу давлат мазкур модда 2-банди қоидаларига амал қилган ҳолда имзолаш, ратификация ёки қўшилиш вақтида метрополияга кирмайдиган қайси ҳудудга ёхуд бундай ҳудудлардан қайси бирига нисбатан Конвенция *ipso facto* қўлланилиши ҳақида баёнот беради.

2. Ҳар гал, конституциявий қонунларга мувофиқ ёхуд Конвенцияда иштирок этувчи давлат ёки метрополияга кирмайдиган ҳудуд амалиётига кўра ушбу ҳудуднинг олдиндан розилигини олиш талаб этилса, мазкур давлат метрополияга кирмайдиган ҳудуднинг зарур розилигини давлат-метрополия Конвенцияни имзолаган кундан эътиборан ўн икки ой муддатда олишни таъминлаш учун ҳаракат қилади ҳамда розилик олиши билан бу ҳақда Бош котибга билдиради. Зикр этилган билдиришда кўрсатилган ҳудуд ёки ҳудудларга нисбатан мазкур Конвенция Бош котиб билдиришни олган кундан эътиборан қўлланилади.

3. Олдинги бандда қайд этилган ўн икки ойлик муддат тугаши билан Конвенцияда иштирок этувчи давлатлар халқаро муносабатлар учун жавобгар ҳисобланган ва мазкур Конвенция қўлланилишига розилик бермаган метрополияга кирмайдиган ҳудудлар билан маслаҳатлашувларнинг натижалари ҳақида Бош котибга билдиради.

13-модда

1. Ушбу Конвенция иккита давлат унинг иштирокчиси бўлган кундан кучга киради.

2. Шундан сўнг у ҳар бир давлат ва ҳудудга нисбатан мазкур давлатнинг ратификация ёрлиғи ёхуд қўшилиш тўғрисидаги ёрлиғи ёки ушбу ҳудудга нисбатан Конвенциянинг қўлланилиши ҳақидаги билдириш сақлаш учун топширилган кундан эътиборан кучга кириб боради.

14-модда

1. Ушбу Конвенциянинг қўлланилиши изчил уч йиллик даврларга бўлинади ва улардан дастлабкиси Конвенция 13-модданинг 1-бандига мувофиқ кучга кирган кундан бошланади.

2. Ушбу Конвенцияда иштирок этувчи ҳар қандай давлат уни жорий уч йиллик давр тугашига камида олти ой қолганда Бош котибга бу ҳақда билдириш йўли билан денонсация қилиши мумкин. Бош котиб Конвенциянинг бошқа барча иштирокчиларини ҳар бир бундай билдириш ва унинг олинган куни ҳақида хабардор қилади.

3. Денонсация жорий уч йиллик давр тугаши билан кучга киради.

4. 12-модда қарорларига мувофиқ ушбу Конвенцияда иштирок этувчи давлат метрополиясига кирмайдиган ҳудудга нисбатан мазкур Конвенция қўлланиладиган ҳолларда бу давлат шундан сўнг ҳар қандай вақтда тегишли ҳудуднинг розилиги билан ушбу ҳудудга нисбатан мазкур Конвенциянинг денонсация қилиниши ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига билдириш юбориши мумкин. Бу денонсация Бош котиб бундай билдиришни олган кундан бир йил ўтгач кучга киради, у Конвенциянинг бошқа барча иштирокчиларини ушбу билдириш ва унинг олинган куни ҳақида хабардор қилади.

15-модда

Инглиз, испан, хитой, рус ва французча матнлари тенг аутентик бўлган ушбу Конвенция Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Котибиятининг архивига сақлаш учун топширилади, Бош котиб ушбу Конвенцияда иштирок этувчи Давлатлар ҳамда бошқа барча давлатлар - Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзоларига ва ихтисослашган муассасаларига юбориш учун унинг тасдиқланган нусхаларини тайёрлайди.

Ушбунинг тасдиқлаш учун куйида имзо чекувчилар ўз ҳукуматлари томонидан тегишли ваколат берилган вакиллар сифатида мазкур Конвенцияни имзолари қаршисида қайд этилган кунларда имзоладилар.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа бўлимида, Женева шаҳрида, бир минг тўққиз юз эллик олтинчи йилнинг еттинчи сентябрида тузилди.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**  
**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА**  
*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 16-сон, 118-модда)*

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 мартда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**одам савдосига қарши курашиш** — одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият;

**одам савдоси** — куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, куллик ёки кулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади;

**одам савдоси билан шуғулланувчи шахс** — мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибида одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига кўмаклашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўсқинлик қилиши ва қарши курашиши шарт бўлса ҳам одам савдосига тўсқинлик қилмайдиган ёки қарши курашмайдиган мансабдор шахс.

**4-модда. Одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари**

Одам савдосига қарши курашиш қуйидаги асосий принципларга асосланади:

қонунийлик;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги;

одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

ижтимоий ҳамкорлик.

**2-боб. Одам савдосига қарши курашишни ташкил этиш**

**5-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари**

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

Одам савдосига қарши курашиш фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат органлари ҳам амалга ошириши мумкин.

**6-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар**

Одам савдосига қарши курашишни амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси (бундан буён матнда Идоралараро комиссия деб юритилади) тузилади. Идоралараро комиссияни шакллантириш ва унинг

**фаолияти тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссиялар (бундан буён матнда ҳудудий идоралараро комиссиялар деб юритилади) ҳам тузилиши мумкин.**

**Идоралараро комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

**давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат ношаркат ташкилотларининг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**одам савдосига имкон берувчи сабаблар ва шароитларни таниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш;**

**одам савдосининг кўлами, ҳолати ва хусусиятлари тўғрисида маълумот тўплаш ҳамда таҳлил қилиш;**

**ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;**

**одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;**

**одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;**

**одам савдосига қарши курашиш масалалари ҳақида аҳолини маълумдор қилиш тадбирларини ташкил этиш.**

**7-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларининг вазифалари**

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида:**

**одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этади ҳамда амалга оширади, жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки тергов ўтказилишини таъминлайди;**

**одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг статистика ҳисобини ташкил этади ва амалга оширади;**

**одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича халқаро**



ташкilotлар ҳамда бошқа давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорликни амалга оширади;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларига ахборот тақдим этади;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкilotлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ўтказди;

Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларида назарда тутилган, ички ишлар органлари ваколатига кирадиган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

халқаро террорчилик ташкilotлари ва уюшган жиноий гуруҳларнинг одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар билан алоқаларини аниқлайди;

халқаро террорчилик ташкilotлари ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан амалга оширилаётган одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича суриштирув ҳамда дастлабки тергов ўтказди;

одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар ва одам савдосидан жабрланганлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтишга уринишларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари одам савдосига қарши курашиш соҳасида:

одам савдосидан жабрланган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш фаолиятини амалга оширади;

одам савдосидан жабрланганларни Ўзбекистон Республикасига қайтаришга кўмаклашади, уларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлмаган тақдирда эса, белгиланган тартибда уларнинг шахсини аниқлаш чораларини кўради ҳамда уларга консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимларни

ундирмасдан Ўзбекистон Республикасига қайтиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни расмийлаштиради;

зарур бўлган ҳолларда чет давлатларнинг тегишли ваколатли органларига Ўзбекистон Республикасининг одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳақида маълумотлар тақдим этади;

одам савдосидан жабрланганларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги одам савдосига қарши курашиш соҳасида одам савдосидан жабрланганларга тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишни белгиланган тартибда ташкил этади.

Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

**8-модда. Одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашиш**

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

**3-боб. Одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш**

**9-модда. Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар**

Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатувчи ва уларни ҳимоя қилувчи ихтисослаштирилган муассасалар (бундан буён матнда ихтисослаштирилган муассасалар деб юритилади) ташкил этилади.

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосидан жабрланганларга қулай яшаш ва шахсий гигиена шароитларини таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларни озик-овкат, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

одам савдосидан жабрланганларга шошилич тиббий, психологик, ижтимоий, юридик ва бошқа хил ёрдам бериш;

одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини муҳофаза қилиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг қариндошлари билан алоқа ўрнатилишига кўмаклашиш;

одам савдосидан жабрланганларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳақида ахборот бериш;

одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишга кўмаклашиш.

Ихтисослаштирилган муассасалар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

**10-модда. Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш**

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларни нормал турмуш тарзига қайтариш мақсадида амалга оширилади ва мазкур шахсларга юридик ёрдам бериш, уларни психологик, тиббий, касбий реабилитация қилиш, уларни ишга жойлаштириш, уларга вақтинчалик турар жой беришни ўз ичига олади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилиш Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий реабилитация қилишни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**11-модда. Одам савдосидан жабрланган болаларга ёрдам кўрсатиш**

Ихтисослаштирилган муассасаларнинг раҳбарлари уларда одам савдосидан жабрланган болалар ҳақида маълумот пайдо бўлган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ одам савдосидан жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органларига дарҳол хабар қилиши шарт.

Одам савдосидан жабрланган болалар ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилганда улар катта ёшдагилардан алоҳида туришлари керак.

Ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштирилган одам савдосидан жабрланган болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат таълим муассасаларига қатнаш имконияти берилади.

Агар одам савдосидан жабрланган болалар ота-онаси қирамоғидан махрум бўлган бўлса ёки ўз оиласи турган жойдан беҳабар бўлса, уларнинг ота-онасини ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларни кидириш чоралари кўрилади.

**12-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари ва уларга бериладиган бошқа кафолатлар**

Суриштирувчи, терговчи, прокурор, судья одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш хоҳишини билдирган одам савдосидан жабрланган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида назарда тутилган хавфсизлик чораларини кўради.

Агар одам савдосидан жабрланган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ жабрланувчи деб топилган бўлса ёки жиноят иши бўйича гувоҳ бўлса ёхуд одам савдосида гумон қилинаётган шахсларни аниқлашда тегишли органларга ёрдам бераётган бўлса, суриштирувчининг, терговчининг, прокурорнинг, судьянинг асослантирилган илтимосномасига кўра бундай шахсга нисбатан одам савдосида айбдор шахслар хусусида жиноят иши бўйича қарор чиқарилгунига қадар, депортация чоралари қўлланилиши мумкин эмас. Бунда одам савдосидан жабрланган шахсга унинг Ўзбекистон Республикасига кириши ҳолатларидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлиш ҳуқуқи берилиши керак.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган хавфсизлик чоралари қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

одам савдосидан жабрланган қайси шахсларга нисбатан тезкор-кидирув тадбирлари, суриштирув, дастлабки тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилаётган бўлса, шу шахслар билан алоқани уларнинг мажбурловисиз тиклаган бўлса;

шахснинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилишга бўлган хоҳиши ёлгон эканлиги ёхуд шахснинг жавобгарликдан бўйин товлаш усули эканлиги ишончли тарзда аниқланган бўлса.

Одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этилган қилмиш учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади.

**13-модда. Одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини қоплаш**

Суд томонидан одам савдосида айбдор деб топилган шахслар одам савдосидан жабрланганларнинг таъминоти ва уларни реабилитация қилиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ ҳажмда қоплайди.

#### **4-боб. Яқунловчи қондалар**

**14-модда. Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик**

Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

**15-модда. Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**16-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:  
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;  
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**17-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,

2008 йил 17 апрель, ЎРҚ-154-сон

**ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ  
ТЎҒРИСИДА**

*(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 28-сон, 268-модда)*

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» 2008 йил 17 апрелдаги Қонунига мувофиқ ҳамда одам савдосига қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. 2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари 2008—2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича Миллий тадбирлар режасига киритилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминласин.

3. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси 2-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Республика Идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

одам савдосига қарши курашиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишлари самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш;

одам савдоси кўлами, ҳолати ва тенденциялари тўғрисида маълумот тўплаш ва таҳлил этиш;

худудий идоралараро комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш;

одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш ишларини яхшилаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

одам савдосига қарши курашиш масалалари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш тадбирларини ташкил этиш.

4. Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлари барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жамоат ташкилотлари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан бажарилиши шарт.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларни тузсин ва фаолиятини ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳудудий идоралараро комиссияларга тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилик қилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тузиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, ушбу муассасалар томонидан одам савдосида жабр кўрганларни ижтимоий жиҳатдан тиклаш ишларини амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин ҳамда одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам кўрсатиш ва ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Мазкур Қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б. Абдуллаев зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2008 йил 8 июль,  
ПҚ-911-сон

# ОДАМ САВДОСИГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

(Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24  
ноябрдаги 12-сонли қарори)

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавfli қилмишлар охир оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи “Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол”ни ратификация қилди, «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида» Қонун қабул қилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

Одам савдосига оид қонунчиликни қўллашда масалалар юзага келаётганлиги муносабати билан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

## Қ А Р О Р      Қ И Л А Д И:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасида энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа табиий ҳуқуқлари бўлиб, уларни таъминлаш Конституция билан кафолатланади.

Қонунда одам савдоси учун жинсий жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлиги конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади.

2. Жиноят кодекси 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра одам савдоси деганда одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.



3. Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкый характердаги хизматлар, мулкый ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к.лар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутати. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги (сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шарти билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

4. Судлар шуни инобатга олишлари лозимки, олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равишда, ЖК 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш) да жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарур шарти одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ (масалан, қурилиш ёки маиший пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва ҳ.к. шартномалар бўйича) фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боглиқ низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилиши керак.

5. Одамни эксплуатация қилиш бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олинишини англатади.

Фоҳишабозликдан фойдаланиш деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишидан муттасил фойдаланиш тушунилади. Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда, одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Қуллик - ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга ошириладиган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.

Эркисизлик ҳолати - шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

6. Одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда тергов органлари ва судлар қуйидаги тушунчаларни аниқ фарқлашлари лозим:

ёллаш деганда эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к) тушунилади;

ташиш - шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб бериладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш - жабрланувчини ҳокимият вакилларидан, қариндошларидан ёки унинг тақдирдан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда хуфия сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш - одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳадя тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг

мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

Шу билан бирга, қилмишда айрим квалификация белгилари мавжуд бўлганда жиноятни тугалланган деб топиш учун қонунда белгиланган оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиққан бўлиши керак.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим ҳолларда жиноятнинг тугалланиш пайти эксплуатация тугаган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва х.к.) вақт билан боғлиқ бўлади.

8. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси иккинчи қисми “а” банди билан жабрланувчини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари қўллаш билан боғлиқ тарзда содир этилган одам савдоси квалификация қилинади.

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равишда, яширин ёки ошқора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишда уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлсада, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўкадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

9. ЖК 135-моддаси иккинчи қисми “г” банди билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир

этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигини, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к.ни англатади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахснинг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

10. Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда одам савдоси (ЖК 135-моддаси иккинчи қисми “ж” банди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан ЖК 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

11. Тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси иккинчи қисми “з” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга хилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудида ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилинишида намоён бўлади.

12. Таъкидлаш лозимки, ЖК 135-моддаси учинчи қисми “б” банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат, одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтиётсизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Бошқа оғир оқибатлар сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юктирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиниши мумкин.

13. Қонун мазмунига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тарихидаги одам савдоси ЖК 135-моддаси диспозицияси билан камраб олинади ва ЖК 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб

этилмайди, ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг “а” банди бундан мустасно.

14. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, одам савдоси жинояти ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг “ж, з, и, к” бандлари, учинчи қисмининг “б” банди билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида ЖК 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Агар одам савдосида шахс баданига қасддан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 104-моддасининг тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

15. Одам савдосига оид ишларни кўришда судлар мазкур жиноят содир этилишига имкон яратган барча шахслар жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини синчковлик билан текширишлари лозим. Айти пайтда иш бўйича шахснинг қонунга хилоф равишда жиний жавобгарликка тортилганлиги аниқланган тақдирда, судлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

16. Юқори инстанция судлари одам савдосига оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги устидан тегишли назоратни таъминлашлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлашлари ва бартараф этишлари лозим.

**Олий суд раиси**  
**Пленум котиби,**  
**Олий суд судьяси**

**Б.Мустафаев**  
**Ю.Турсунбаев**

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг айрим давлатлари  
жиноят қонунчилигида одам савдоси жинояти ва  
жавобгарлик масалалари**

**Россия Федерацияси Жиноят кодекси  
17-боб. ШАҲСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-  
ҚИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР.**

**127-модда. Одам савдоси**

1. Одамни олиш-соғиш, одамга нисбатан бошқа битимлар, шунингдек одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш –

олти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**2. Ўша ҳаракатлар:**

а) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

б) вояга етмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) жабрланувчини Россия Федерацияси давлат чегарасидан олиб ўтган ҳолда ёки уни чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб турган ҳолда;

д) қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда, худди шунингдек жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни олиб яширган ёхуд йўқ қилиб юборган ҳолда;

е) зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш орқали;

ж) киши аъзоларини кесиб олиш мақсадида содир этилган бўлса;

з) айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;

и) аёл кишига нисбатан, ёхуд хомиладорлиги айбдорга аён бўлган бўлса –

уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) эҳтиётсизлик орқасида жабрланувчининг соғлиғига оғир шикаст ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

б) кўпчилик ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган усулда содир этилган бўлса;

в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса –

саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **Изоҳ:**

1. Ушбу модданинг биринчи қисмида ёки иккинчи қисмининг “а” бандида назарда тутилган ҳаракатларни шахс биринчи маротаба содир этган бўлса, ўз ихтиёри билан жабрланувчини озод қилган ва ушбу жиноятни очиш учун фаол ёрдам берган бўлса, ҳамда ҳаракатларида бошқа жиноий таркиб бўлмаса, жиноий жавобгарликдан озод қилинади.

2. Ушбу моддада фойдаланиш деганда, бошқа шахслар томонидан фоҳишалikka ёллаш ва шахвоний фойдаланишни бошқа турлари, куллик меҳнати (хизматлари), ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолат тушунилади.

## **Қирғизистон Республикаси жиноят кодекси.**

**17-боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар.**

### **124-модда. Одам савдоси.**

1. Одам савдоси – одамнинг розилиги билан ёки розилигисиз фойдаланиш ёхуд фойда олиш мақсадларида мажбурлаш, фирибгарлик, алдаш, ўғирлаш йўллари орқали ёллаш, ташиш, яшириш, олиш, топшириш, сотиш ёки бошқа ноқонуний битим тузиш –

мол-мулкани мусодара қилмасдан ёки мол-мулкани мусодара қилиш ва уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

### **2. Ўша қилмиш:**

- 1) бир неча шахсга нисбатан;
- 2) вояга етмаганга нисбатан;
- 3) кўп маротаба (такроран);
- 4) олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар томонидан;
- 5) ҳокимият ваколатларини сунистеъмол қилиш ёки хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;
- 6) айбдорга моддий жиҳатдан ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан;
- 7) шахсни чегарадан ноқонуний олиб ўтиш ёки ноқонуний олиб кириш орқали;

8) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш йўли орқали –

беш йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

### 3. Ўша қилмиш:

1) киши аъзоларини кесиб олиш ёки трансплантация мақсадида;

2) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёки зўрлик ишлатиш орқали;

3) айбдорга ҳомиладорлиги аён бўлган аёлга нисбатан;

4) қурол, психотроп ёки гиёҳванд моддалар ишлатиш орқали;

5) шахсни эҳтиётсизлик орқасидан ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса;

6) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

### Изоҳ:

Фойдаланиш деганда, жиноий фаолиятга тортиш, фоҳишалик ёки бошқа шахвоний фаолият турлари билан шуғулланиш, мажбурлаш, мажбурий меҳнат ёки ҳизмат кўрсатиш, куллик, тадбиркорлик мақсадида фарзандликка олиш, қуролли музокараларда ишлатиш тушунилади.

### Арманистон Республикаси жиноят кодекси.

#### 7-бўлим. Одамга қарши жиноятлар.

17-боб. Шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр қимматига қарши жиноятлар.

#### 132-модда. Одам савдоси.

1. Фойда олиш кўринишида ҳақ тўлаш ёки оғдириб олиш йўли билан бошқа шахсга қараб турган шахснинг нозик ҳолатидан фойдаланиб, унинг розилигини олиш йўли билан ўғирлаш, фирибгарлик, бошқа алдаш йўли, ҳокимият ваколатларини суистеъмол қилиш йўли орқали фоҳишаликка ёки бошқа шахвоний фойдаланишга ёндоштириш, мажбурий меҳнат ёки ҳизматга, кулликка ёки кулликка тенг бўлган ҳолатига, ёхуд бошқа қарам бўлиш ҳолатига олиб келиш мақсадларида зўрлик ишлатиб ёки



зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, одамларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш –

энг кам иш ҳақининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача жарима, ёхуд бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга қамок, ёхуд бир йилдан тўрт йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ўша ҳаракатлар:

- 1) олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахс томонидан;
- 2) ҳаёт ёки соғлиқ учун зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали;
- 3) вояга етмаганга нисбатан;
- 4) икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан –

икки йилдан ортиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар:

- 1) уюшган гуруҳ томонидан;
- 2) жабрланувчининг эҳтиётсизлик орқасидан ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиб содир этилган бўлса –

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Қозоғистон Республикаси жиноят кодекси.**

**1-боб. Шахсга қарши жиноятлар.**

**128-модда. Одам савдоси.**

1. Одамни олиш-сотиш ёки шахсга нисбатан бошқа битимлар содир этиш, ёхуд шахсни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, ҳамда фойдаланиш мақсадида бошқа ҳаракатлар содир этиш –

мол-мулкани мусодара қилмасдан ёки мол-мулкани мусодара қилиш ва беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ўша ҳаракатлар:

- а) олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар томонидан;
- б) қўп маротаба содир этилган бўлса;
- в) ҳаёт ва соғлиқ учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш орқали;
- г) қурол ёки қурол сифатида ишлатиладиган нарсалардан фойдаланиш орқали;

д) ҳомиладорлиги аён бўлган аёлга нисбатан;  
е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;  
ж) киши аъзоларини кесиб олиб трансплантация ёки бошқа мақсадда ишлатиш учун;

з) алдаш ёки ишончни сууистеъмол қилиш йўли билан;  
и) хизмат мавқеидан фойдаланган шахс томонидан;  
к) жабрланувчининг моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлганидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса –

мол-мулкани мусодара қилмасдан ёки мол-мулкани мусодара қилиш ва беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар Қозоғистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш, Қозоғистон Республикасига олиб кириш ёки шахсни Қозоғистон Республикаси ҳудуди орқали бир хориж давлатидан бошқа хориж давлатига олиб ўтиш, шунингдек Қозоғистон Республикасидан олиб чиқиш, Қозоғистон Республикасига олиб кириш ёки шахсни бир хориж давлатдан бошқа хориж давлатга Қозоғистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиш мақсадларида содир этилган бўлса –

мол-мулкани мусодара қилмасдан ёки мол-мулкани мусодара қилиш ва етти йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4. Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган қилмишлар:

а) уюшган гуруҳ томонидан;  
б) жабрланувчини эҳтиётсизлик орқасидан ўлимига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлган бўлса –

етти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

**Белорусия Республикаси жиноят кодекси.**

**22-боб. Шахсий озодлик, шаън ва қадр-қимматга қарши жиноятлар.**

**181-модда. Одам савдоси.**

1. Одамни олиш-сотиш ёки унга нисбатан бошқа битимлар тузиш, шунингдек фойдаланиш мақсадида одамни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш (одам савдоси) –

беш йилдан етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

2. Ўша ҳаракатлар:

1) вояга етмаганлиги аён бўлган шахсга нисбатан;

2) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

3) шахвоний мақсадларда фойдаланиш йўли билан;

4) киши аъзоларини кесиб олиб, бошқа кишига кўчириш (транслантат) мақсадида;

5) олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахслар томонидан;

6) ўзининг хизмат ваколатларидан фойдаланган мансабдор шахс томонидан;

7) ушбу моддада, 171, 171<sup>1</sup>, 181<sup>1</sup> ёки 187 моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан;

8) жабрланувчинини давлатдан олиб чиқиш мақсадида;

9) жабрланувчида келиб чиққан огир шахсий, оилавий ёки бошқа ҳолатларидан фойдаланган ҳолда;

10) алдаш йўли, ишончни суиистеъмол қилиш ёки зўрлик ишлатиш, зўрлик ишлатиш билан кўркитиш ёхуд бошқа мажбурлаш турлари орқали –

Ўн йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар жабрланувчининг эҳтиётсизлик орқасидан ўлимига сабаб, ёхуд унинг баданига огир шикаст етказилган, ёхуд бошқа огир оқибатларга олиб келган ёки уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса –

Ўн икки йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш билан жазоланади.

**Изоҳ.**

1. Ушбу Кодекснинг мазкур моддасида, 181<sup>1</sup>, 182 ва 187 моддаларида назарда тутилган фойдаланиш деганда, ўзига алоқадор бўлмаган сабабларга кўра ишларни (хизматларни) бажаришга, ҳамда кулликка ёки кулликка ўхшаш одатларга қаршилик кўрсата олмаслик, шунингдек одамни ишга ёки хизмат кўрсатишга мажбурлаш тушунилади.

2. Ушбу Кодекснинг мазкур моддасида, 182 ва 187 моддаларида назарда тутилган шахвоний мақсадларда фойдаланиш деганда,

бошқа шахс томонидан амалга ошириладиган шахвоний хусусиятга эга бўлган ҳаракатлардан фойда олиш, ҳамда шахвоний фаолият билан шуғуллантириш тушунилади.

**Украина Республикаси жиноят кодекси.**

**Махсус қисм.**

**3-бўлим. ШАХСНИНГ ОЗОДЛИГИ, ШАЪНИ ВА ҚАДР-КИММАТИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР.**

**149-модда. Одам савдоси ёки одамга нисбатан бошқа ноқонуний битим.**

1. Одам савдоси ёки бошқа ноқонуний битим амалга ошириш, объекти одам бўлган, шунингдек одамни ёллаш, яшириш, топшириш ёки қабул қилиш, алдаш йўли билан, таҳдид қилиш ёки шахснинг нозик ҳолатидан фойдаланиб, фойдаланиш мақсадида содир этилган бўлса –

уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар вояга етмаган ёки бир неча шахсга нисбатан ёки такроран ёки олдиндан тил бириктирган бир гуруҳ шахс ёки хизмат мавқеидан фойдаланган мансабдор шахс ёки жабрланувчи моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахс томондан ёхуд уларнинг ва яқинларининг ҳаётига ёки соғлиги учун хавfli бўлмаган зўрлик ишлатиш ёки ана шундай зўрлик ишлатиш билан кўрkitиш йўли билан содир этилган бўлса –

беш йилдан ўн икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва мол-мулкани мусодара қилиш ёки мол-мулкани мусодарасиз билан жазоланади.

3. Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар ёш болага нисбатан ёки уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг ва яқинларининг ҳаёти ва соғлиги учун хавfli бўлган зўрлик ишлатиш йўли билан ёки оғир оқибатларга сабаб бўлиб содир этилган бўлса –

мол-мулкани мусодара қилмасдан ёки мол-мулкани мусодара қилиш ва саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**Изоҳ.**

1. Ушбу моддада одамдан фойдаланиш деганда шахвоний фойдаланишнинг барча турлари, шахвоний тадбиркорликда ишлатиш, мажбурий меҳнат ва мажбурий хизмат кўрсатиш, қуллик

ёки қулликка тенг одатлар, ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолат, қарз гаровига тортиш, киши аъзоларини кесиб олиш, одамнинг розилигисиз унинг устидан тажрибалар ўтказиш, фойда олиш мақсадида фарзандликка олиш, мажбурий ҳомила қилиш, жиноий фаолиятга тортиш, куролли музокараларда ишлатиш ва ҳ.к. тушуниш керак.

2. Ушбу Кодекснинг 149 ва 303 моддаларда назарда тутилган шахснинг нозик ҳолати деганда, ўз ҳохиши билан мустақил қарорларни қабул қилишни, зўрлик ёки бошқа ноқонуний ҳаракатларга қаршилик кўрсатишни, келиб чиққан оғир шахсий, оилавий ёки бошқа ҳолатларни, унинг ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) англашни ёки бошқаришни маҳрум қиладиган ёки чеклаб кўядиган жисмоний ёки руҳий ёҳуд ташқи шартланган ҳолатлар тушунилади.

3. Алдаш йўли билан ёки таҳдид қилишдан ва нозик ҳолатидан фойдаланиш ёҳуд зўрлик ишлатиш, хизмат мавқеидан фойдаланиш йўллари билан ёки жабрланувчи моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахс томонидан ёш бола ёки вояга етмаган шахсни ёллаши, олиб ўтиши, яшириши, топшириши ёки қабул қилиши учун ушбу модда бўйича жавобгарлик келиб чиқиши мажбур.

## I. Рахбарий адабиётлар

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. – 14 б.
2. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. –Тошкент: Ўзбекистон, 2000. -Б.525 .
3. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Тошкент: Ўзбекистон, 2001. -Б.439.
4. Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. -Б. 432.
5. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12. –Тошкент: Ўзбекистон, 2004. –Б.400.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005. –Б.448.
7. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14. –Тошкент: Ўзбекистон, 2006. –Б.280.
8. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. –Б.320
9. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. –Б.176.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали миросимдаги маъруза. 2009 йил 5 декабр.- Тошкент: Ўзбекистон, 2009.
11. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ёспатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 27 январь. // Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
12. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. 2009 йилнинг асосий

яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2010 йил 29 январь. Асосий вазифамиз – ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

13. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси” 2010й 22 ноябрь.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида.- Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

## II.НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2012.

2.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, -Т.: Адолат, 2013.

3.“Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисидаги Конвенция”. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар.-Тўплам. – Тошкент: Адолат, 2004. - 235 б.

4. «Одамлар савдоси ва фоҳишабозликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция». Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам. Т. «Адолат». 2004. Б-227.

5. Қуллик тўғрисидаги Конвенция. / Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. –Тўплам: Тошкент. Адолат, 2004. - 216 б.

6. “Всеобщая декларация прав человека” Сборник нормативно-правовых документов по вопросам миграции и противодействия торговле людьми в области прав человека. - Ташкент, 2007.- 30 с.

7.Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 8-июлдаги “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш, бартараф қилиш ва бунинг учун жавобгарлик тўғрисидаги Баённомани (Нью-Йорк, 2000-йил 15-ноябрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги № 160 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № 7, 351 б.

8.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар/Т., Адолат, 2002, 48-б

9. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори Ўзбекистон Республикаси олий суди Пленум қарори тўплами. 1991-2006 Т2-Т.: Адолат-2006й-Б.194.

10. “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.// Халқ сўзи. 2008 йил 28 март. №62.(4472).

11. Ўзбекистон Республикасининг 2008-йил 16-сентябрдаги “Одам савдосига қарши кураш тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги № 179 сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталари Ахборотномаси, 2008-йил № , 485 б.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарори.

### III. МАХСУС АДАБИЁТЛАР

1. Реписка А. Классификация криминальной эксплуатации людей и проблемы уголовной ответственности за нее // Товговля людьми. Социокриминалогический анализ/Под общ. Ред. Тюрюкановой Е.В. и Ерохиной Л.Д. : М., 2002. стр. 87.

2. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Махсус қисм. 3-Том; Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. –Т.: ИLMZIYO, 2011. –310 Б.

3. Рустамбаев М.Х. Одам савдоси. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – Б. 12.

4. Долголенко Т. Уголовная ответственность за торговлю людьми. Уголовное право. 2004. - № 2. – С.23-25.

5. Архипов В.В. Право на труд в Зеркале национальных реформ. //ж.Адвокат. 2004 г., №5, с. 16-17.

6. Кубов Р.Х. Торговля людьми как вид транснациональной преступности. Российской следователь. 2008. - №1. – С. 30-33.

7. Баскакова С.В. Внешняя миграция населения в современной России. Автореферат дисс. к. э. н., М., 2004 г.

8. Лукашева Е.А. От ответственного редактора// Права человека в международном и внутри государственном праве. М., 1995, 4-б



9.Файзиев Ф., Файзиев М. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси. – Тошкент: “НОРИ”, 1998. – 9 б.

10.Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 2-б.

11.Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси. Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш ҳолатлар юзасидан кўзгатилган жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти тўғрисида. Кўлланма.// Т.: -2004.-Б.21-22.

12.Каршунов В. Рабы XXI века. Юридический мир №6 (102)2005.-31-32 с.

13.Ф.Бақоева. “Аёллар ҳуқуқлари ва эркинликлари” Т. “Адолат” 2002.100-б.

14.Проблемы опасности, которые создает организованная транснациональная преступность в различных регионах мира. Справочный документ.Всемирная конференция на уровне министров по организованной транснациональной преступности. Неаполь, 21-23 ноября 1994 г. С.26.

15.Овчинский В.С Основы международного сотрудничества в борьбе с организованной преступностью. Следователь. №9. 1999 .- С.44-47.

16.Хомяков Н.Г. Противодействие торговле людьми и преступлениям в сфере нравственности подразделениями уголовного розыска МВД России// Предупреждение траффика: законотворческий и правовой аспекты. Российский и международный опыт: Тез.докл.-Челяб

17.Ражабова М. Сенат ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари. – Т.: Адолат, 2006, 208-209-б.

18. Собиров Ф.О. Одам савдоси трансмиллий жиноятчилиги: тарихи, жавобгарлик асослари ва унга қарши курашнинг халқаро ва миллий ҳуқуқий асослари. – Тошкент.: 2010, 60 Б.

## ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАР

1.Ерохина Л.Д. Масшатабы торговли женщинами и программы борьбы с нею в России // Материалы конференции по проблеме траффика. Владивосток. 2001, стр. 3.

2.Социальная политика: РеалииXXIвека. Выпуск №1, М., Сигнал, 2003 г. с.42.

3.Шарафутдинов А.О. “О работе, проводимой МВД в сфере борьбы с вербовкой людей в целях их сексуальной и иной

эксплуатации. Проблемы, связанный с трафиком людей”. / Материалы научно –практической конференции на тему. «Международно-правовые проблемы борьбы с торговлей людьми ». Т. 2006. -15-20 б.

4. Жўраев Э. Инсон ҳуқуқлари – давлат ҳимоясида. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 19-б

5. Абдуҳалимов Ш. Одам савдоси – глобал хавф. «Ҳуқуқ ва бурч», № 8-9, 2008, 21-б

6. Қодиров Р.Х. Одам савдоси – умумжаҳон миқёсдаги муаммо, «Ҳуқуқ ва бурч», № 10, 2008, 3-б

7. Ражабова М. Одам савдосига қарши кураш. «Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси», № 2, 2008, 3-б.

8. Абдулхақов А.Я. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.123.

9. Қурбонов Н. . Одам савдоси жиноятига қарши курашиш муаммолари. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.86-88.

10. Ҳайдаров Ш.Д. Одам савдосига қарши кураш, уни олдини олишнинг ҳуқуқий муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.147-148.

Кириш.....	3
Одам савдоси жиноятчилиги тушунчаси ва унинг ривожланиш тарихи.....	7
Одам савдоси жиноятининг жиноят ҳуқуқий жиҳатлари.....	23
Одам савдоси жиноятининг криминологик жиҳатлари.....	47
Хулоса .....	66
Одамлар савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида Конвенция.....	69
Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида қўшимча Конвенция.....	78
Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида” 2008 йил 17 апрель.....	85
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 8 июль.....	93
Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори “Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2009 йил 24 ноябрь.....	95
Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг айрим давлатлари жиноят қонунчилигида одам савдоси жинояти ва жавобгарлик масалалари....	101
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....	109

**Йўлдошали Раҳимов**  
**Фуркат Собиров**

# **ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТИНИНГ ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИЙ ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Мухаррир: *В.Норбеков.*  
Техник муҳаррир: *Ш.Тожибоев.*  
Компютерда саҳифаловчи: *Ш.Умаров.*

Босишга рухсат этилди: \_\_.\_\_.2013.  
Бичими 60x84 1/32 Офсет босма. Ҳажми: 7 б.т.  
Адади: 50.

